

496

2015/6

GULISTON

3 кв /
№ /





**«O'ZVINOSANOAT-XOLDING»
kompaniyasi
barcha yurtdoshlarimizni
yangi — 2016-yil
bilan tabriklaydi!**

Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

Muassis:

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Bosh muharrir:

Minhojiddin MIRZO

Tahririyat:

Bosh muharrir o'rinbosari:

Temur A'ZAM

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Manzura SHAMS

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

O'zbekiston Yozuvchilar

uyushmasi raisi

Fotih JALOLOV

O'zbekiston Respublikasi

Madaniyat va sport ishlari

vazirining birinchi o'rinbosari

Suvon NAJBIDDINOV

«Matbuot tarqatuvchi»

AK Bosh direktori

Abdulahob NURMATOV

Andijon viloyati hokimligi

mas'ul xodimi

Baxtiyor SAYFULLAEV

O'zbekiston davlat san'at va

madaniyat instituti rektori

Norbek TOYLOQOV

Pedagogika fanlari doktori,

professor

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz

USHBU SONDA:

*Abdumannob RAHIMOV
Konstitutsiyamiz — fuqarolar
shaxsiy daxlsizligi huquqiy
kafolati*

*Nurboy JABBOROV
Milliy taraqqiyot ko'zgusi*


*Gulchehra MIRZAYEVA
Ming yillik merosning
muhtasham nashri*

*Madina NIZOMUDDINOVA
«Tanovor»ni eslab...*

*Ahmadjon MELIBOYEV
Gullar shahrining
nafosat maskani*

*Sanjar TURSUN
Alpi (hikoya)*

*Nilufar HAYITOVA
Qo'g'irchoqlar tilga
kiringanda...*



Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008-yilda ro'yxatga olingan.

Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi.

Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin.

«Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart.

Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.


Bichimi 60x84¹/₈. Buyurtma № 155. Adadi: 1000 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 10.12.2015-yilda topshirildi. Bosishga 10.12.2015-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

**Jurnal «Mezon Print» XK bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahri, Kichik Beshyog'och ko'chasi, 130-uy.**



2016 йил —

Соғлом она ва бола йили



Конституция ва унинг асосида яратилган қонунчилик базаси, шунингдек, 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, 2011 ва 2014 йилларда Бош қомусимизга киритилган тузатишлар жамиятимизни ислох этиш, демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган, дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деб тан олинган дастур асосини ташкил этди. Аини шу модель замонавий, жадал ва барқарор ривожланиб бораётган давлатнинг шаклланишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

* * *

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапирганда, аввало **одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим.**

* * *

Конституцияимизда **бизнинг бош мақсадимиз — фақат ҳуқуқий демократик давлат эмас, балки адолатли жамият куриш экани аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу мақсад ҳаётимизда мустаҳкам қарор топган оддий ҳақиқатдан, яъни халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, ammo адолатсизликка чидай олмайди, деган сўзларни яққол тушунишдан келиб чиққан, десам, ўйлайманки, бутун эл-юртимизнинг фикрини ифода этган бўламан.**

* * *

Барчамизга маълум, бир йил олдин мана шу муҳташам залда сиз, азизлар билан маслаҳатлашиб, 2015 йилни юртимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилган эдик. Бизнинг бундай қарорга келишимиздан асосий мақсад — бугунги фаровон ҳаётга эришишда муносиб ҳисса қўшган кекса авлод вакиллари-нинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам фахрийларимизнинг руҳини, кўнглини кўтариш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш йўлида олиб бораётган ишларимизнинг самарасини оширишдан иборат бўлиб, аини шундай муҳим вазифаларни ўз олдимизга қўйган эдик.

* * *

Хонадонларимизнинг кўрки бўлган кексаларимизни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йилнинг ўзида 2 миллион 750 минг нафар отахон ва онахонларимизнинг пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилиб, уларга давлат бюджети ҳисобидан 12 триллион 888 миллиард сўм пенсия тўлангани, ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу ҳақда гапирганда, бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида ўртача ойликнинг 41 фоизидан зиёдини ташкил этишини яна бир бор айтиб ўтмоқчиман.

Жумладан, барча ҳудуд ва минтақаларимизда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» деган шиор остида кексалар, пенсионер ва ногиронларга ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган ижтимоий тадбирлар ўтказилди. Уларда 215 мингдан зиёд отахон ва онахонларимиз чуқур тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг саломатлигини тиклашга кўмак берилди.

Ўтган йили қабул қилган қароримизга мувофиқ 50 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, пенсионер ва ногиронлар санаторийларда бепул даволанди. Уларнинг 7 минг нафарига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам

кўрсатилди, 5 мингдан кўпроқ қарияларимиз учун замонавий клиникаларда операциялар ўтказилиб, улар ўз дардига шифо топди.

* * *

Кексаларимизга кўрсатилётган махсус ёрдамлар, уларнинг моддий, ижтимоий, маиший таъминотини яхшилашга қаратилган ишларимиз билан бирга, улар яшаётган хонадонлар, маҳаллалар, қишлоқ ва шаҳарларимизни обод ва фаровон қилиш борасидаги фаолиятимиз ва уларнинг амалий самараси, ҳеч шубҳасиз, кексаларимизнинг ҳаётини янада мазмунли ва файзли қилишга қаратилгани билан алоҳида эътиборлидир.

* * *

Маълумки, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзанднинг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди.

Соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозаллигига, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўраемиз.

Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

* * *

Ана шундай муҳим ҳаётий қадриятни жамиятимизда янада чуқур қарор топтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларимизни янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2016 йилни юртимизда **Соғлом она ва бола йили**, деб эълон қилишни таклиф этаман.

* * *

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзот мўътабар она сиймоси олдида ҳамиша таъзим қилади. Муборак ҳадислардаги «Жаннат — оналарнинг оёғи остидадир» деган сўзлар ҳам ана шу юксак меҳр ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш — биз учун ота-боболаримиздан қолган ибратли мерос бўлиб, биз бундай аънаналаримизга доим содиқ бўлиб яшаймиз.

Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масаласини ўзимиз учун энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олдик.

Бу соҳада зарур ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида қандай улкан ишларни амалга оширганимиз барчамизга яхши маълум, албатта.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқишда, аввало, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш масаласи эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

* * *

Соғлом авлодни вояга етказиш борасида болаларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштириш, шу мақсадда янги спорт объектларини қуриш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби вазифаларни кун тартибига қўйиш зарурлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат» номли маърузасидан.

* * *

Соғлом ва мустаҳкам оила соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, шу мақсадда тегишли поликлиникаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, уларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласига энг муҳим вазифа сифатида қарашимиз зарур.

* * *

Сизларга яхши маълумки, **юртимизда қиз болаларнинг — бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касбухоналарни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.**

* * *

Қиз болани коллежни битирмасидан, хунарга эгаллашадиган туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинглар, буни мен узокни кўрмаслик, калтабинлик деб ҳисоблайман. Қиз бола, аввало, касб эгалласин, ўз фикрига эга бўлсин, ҳаётни англасин. Шундан кейин у ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топади, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланади, эртага у қурайдиган оила ҳам мустаҳкам бўлади. Бу менинг энг катта орзум ва тилагимдир, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

* * *

Шу билан бирга, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқат рақioni, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга жиддий эътибор бериш лозим. Қўлимизни кўксимизга қўйиб, холисона айтадиган бўлсак, афсуски, кўпгина хонадонларимизда бу ўта муҳим масалаларга етарлича аҳамият бермаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, болага эътибор бўлажак онага эътибор қаратишдан бошланиши керак. Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати, барча ҳис-туйғулари, кайфияти она вужуди орқали болага ўтади. Бундан хулоса шуки, болани эъзозлаш учун аввало онани эъзозлаш керак. Бу борада барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур.

Бу ҳақда гапирганда, бир қарашда арзимас нарсадек туюладиган, лекин ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим бир масалага алоҳида тўхталиш жоиз. Яъни, оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш, хусусан, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар, қўшничилик муносабатларининг ўзаро ҳурмат, меҳроқибат руҳида бўлишига эришиш — бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарт эканини доимо эсда тутишимизни истардим.

* * *

Биз янги — 2016 йилга мана шундай эзгу ва олижаноб ниятлар билан қадам қўяётган эканмиз, давлатимиз ва жамиятимизнинг қудрати ва салоҳиятини, бутун борлиғимиз ва куч-гайратимизни шу йўлда сафарбар этиш учун барча шароит ва имкониятларга эгамиз.

Энг муҳими, **«Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади»** деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улғун ишга муносиб ҳисса қўйиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим.

KONSTITUTSIYAMIZ — FUQAROLAR SHAXSIY DAXLSIZLIGI HUQUQIY KAFOLATI

Халқимизнинг тинч ва фаровон турмуши, муносиб ҳаёт кечириши, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлиги, шунингдек, ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигига 23 йил тўлди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов Конституциямизнинг яратилиши ва унинг мазмун-моҳиятига тўхталиб, «Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир...

Аваламбор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоёсига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик», деган эди.

Дарҳақиқат, асосий қонунимизда белгилаб берилган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий нормаларнинг таҳлили, дунёнинг тараққий топган мамлакатларида бўлгани каби миллий қонун ҳужжатларимизда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари соҳасида кўплаб ижобий жиҳатлар мавжудлигини, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципиал қоидалари Конституциямизга сингдирилгани ҳамда шу аснода инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлигининг дахлсизлиги олий қадрият сифатида эътироф этилган, деб айтишга асос бўлади.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида бошлаб берилган кенг кўламли ислохотлар замирида энг аввало, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ётади.

Таъкидлаш жоизки, асосий қонунимизда давлат ҳокимиятини учта тармоғи принципиал тарзда бир-биридан алоҳида ажаратилиб, судларни мустақил ҳокимият сифатида эътироф этилиши том маънодаги суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга имкон яратди. «Судлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Бу билан суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилишига ҳуқуқий замин яратилди. Ўтган йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни изчиллигини таъминлашга катта эътибор қаратилиб, унинг ҳуқуқий асослари мунтазам равишда такомиллаштириб борилди.



Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да жамиятни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишлардан бири, бу — қонун устуворлиги ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат эканлиги устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Бу билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичи бошланишига замин яратилди.

Маълумки, Конституциямизнинг 26-моддасига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди.

Айнан ушбу нормага асосланган ҳолда, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган ислохотларнинг илк йиллариданоқ дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтиришга катта эътибор қаратилди ва миллий қонунчилик тизимида «Хабеас корпус» институти жорий этилди.

Ушбу халқаро ҳуқуқ нормасини мамлакатимиз қонун ҳужжатларида жорий этилиши жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги конституциявий қонундан, шунингдек, дастлабки тергов давомида шахснинг манфаатларини суд томонидан муносиб ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Таъкидлаш жоиз, 2008 йилдан бошлаб эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олдинга ташланган муҳим қадам бўлди. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин, Президентимизнинг ушбу йўналишдаги Қарори ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани ҳамда амалиётга татбиқ этилгани инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини амалда яна бир қарра исботлади.

Маълумки, «Хабеас корпус» атамаси лотинча «habeas corpus» сўзидан олинган бўлиб, инглиз процессуал ҳуқуқида XII асрдан бошлаб қўлланилган. Мазкур институт гумон қилинувчини, айбланувчини озодликдан маҳрум этиш асосларини текшириш мақсадида уни судга олиб келишни ва унинг ҳуқуқини ҳимоя қилишни англатади.

«Хабеас корпус» институти атамаси, судьяни озодликдан маҳрум этилган шахсни судга олиб

келиш тўғрисидаги буйруғининг биринчи сўзларидан олинган бўлиб, «Habeas corpus ad subjiciendum» яъни, судьянинг буйруғига асосан «сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан» маъносини англатади.

Мазкур институт 1679 йилда Англия парламенти томонидан «Habeas Corpus Act», яъни қамоққа олинган шахсни асосли равишда ушлаб турилганини текширишни назарда тутувчи алоҳида Қонун қабул қилинганидан сўнг, расман кучга киритилган. Ҳозирги кунда у дунёнинг кўплаб мамлакатлари суд-ҳуқуқ тизимида, жумладан, биринчи навбатда инглиз-саксон мамлакатлари ҳуқуқ тизимида, шунингдек, Лотин Америкасида эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг ишончли конституциявий кафолати сифатида кенг қўлланилишини таъкидлаш жоиз.

«Хабеас корпус» институти амалда янада кенгрок жорий этиш, яъни жиноят процессуал қонунчилигининг иккита муҳим йўналишида шахснинг дахлсизлик ҳуқуқларига тегишли бўлган процессуал мажбурлов чорасини, яъни айбланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги, шунингдек, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат суднинг қарори асосида қўллаш тартиби жорий қилинди. Ва ушбу ҳаракатларни белгиловчи нормалар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29-ва 31-бобларига тегишли тартибда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунчилигимизга киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг фавқуллодда муҳимлиги, амалиётда тергов жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш, холисликни таъминлаш, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш мақсади билан белгиланади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич олиб борилган изчил ислохотлар натижасида Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида таъминланиб, унинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланмоқда.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий
судининг катта эксперти,
юримдик фанлари номзоди



DAVLAT RAMZLARI —

Хар бир мустақил мамлакатни бошқа давлатлардан ажратиб турувчи хос белгилар бор. Жонажон Ўзбекистонимиз ҳам миллий рамзлари — байроқ, герб, мадҳия, давлат тили, миллий валютасига эга. Энг муҳими, бу тимсоллар оддий расмиятчилик ифодаси эмас, балки халқимизни жипслаштирувчи, ягона мақсад — тараққиёт сари йўлловчи миллий рамзлардир. Жумладан, давлатимиз мадҳиясини йўлимизни ёритиб, халқимизни порлоқ манзиллар сари ундаб турадиган ёрқин маёқ, дея таърифласак ўринли бўлади.

Конституциямизнинг 5-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга», — деб белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин давлат рамзларини қабул қилиш зарур вазифалардан бирига айланди. Кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида 1991 йилнинг 18 ноябрида давлат байроғи, 1992 йилнинг 2 июлида давлат герби — ҳар бири алоҳида қонун асосида жорий этилди.

Ўзбекистон давлат мадҳияси 1992 йилнинг 10 декабрида қабул қилинди. Мадрҳия — миллатимизнинг энг буюк қўшиғи, халқимизнинг юрак-юрагидан отилиб чиқувчи орзу-умидлари, улуғ мақсадларини ифода этувчи тарона. Қаердаки мадрҳиямиз жарангласа, Ўзбекистон фарзандиман деган инсон тик туриб, қўлини кўксига қўйиб, фахру ифтихор ва гурур билан тинглайди, жўр бўлиб куйлайди. Фарзандларимиз нэздида «Серкўёш...» энг хурматга муносиб қўшиқ... Ва ҳақиқатда ҳам шундай. Таълим муассасаларида эрта тонгда дарслар мадрҳия тинглаш билан бошланади. Бу ёш авлод онгида Ватан туйғусини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида бизни хурсанд қилади.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқимизнинг ардоқли фарзандлари — таниқли бастакор Мутал Бурҳонов ва ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов мадрҳияни яратишда бор маҳоратини кўрсатган. Мадрҳия мусиқаси жарангдорлиги, кўтаринки кайфият пайдо қилиши, миллий руҳга йўғрилгани, баланд пардаларда куйланиши билан беихтиёр жўр бўлишга, кўнгилда Ватан туйғусини янада жўш урдиришга чорлайди. Мадрҳия матни ҳам бетакорлиги, улуғвор оҳангларга бойлиги ва халқимизнинг бунёдкорлик, тинчликсеварлик, яратувчанлик қудратини кўрсатиши билан аҳамиятлидир. Шеърда бой ва бебаҳо тарихимиз ҳам, бугунги фараҳбахш замонамиз ҳам, ёруғ истиқболимиз ҳам ғоятда таъсирчан йўсинда мухтасар ифодаланган.

Албатта, давлат мадрҳияси — давлатчилигимиз рамзи. Бу эса ҳар бир кишининг унга ҳурмат билан муносабатда бўлишини тақозо этади. Мадрҳиямизни турли тадбирлар, маросим ва байрамларда қай тарзда ижро этиш ва тинглашда ҳам муайян ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш лозим. 2010 йилнинг 24 декабрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунда Ўзбекистоннинг давлат мадрҳиясини ижро этиш ва тинглаш борасидаги нормалар белгилаб берилди. Жумладан, ушбу Қонуннинг 3-моддасига кўра «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадрҳияси тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси янгича таҳрирда баён этилди: «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадрҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар мадрҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматидаги махсус кийимдаги шахслар эса қўлини бош кийимига қўйиб тинглайди.

Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадрҳиясининг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, ҳозир бўлган кишилар унга юзи билан бурилади».

Шу ўринда таъкидлаш керакки, юқорида қайд этилган қонун асосида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадрҳияси тўғрисида»ги қонун янги — 13-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, давлатимиз мадрҳиясини ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, шунингдек, юртимизда бўлиб турган инсонлар ҳурмат қилиши — шарт. Бу борадаги қонун талаблари бузилган ҳолатларда эса, айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Демак, бундан ойдинлашадикки, мадрҳиямизга ҳурмат билан муносабатда бўлиш нафақат фарзандлик бурчимиз, балки ҳуқуқий мажбуриятимиз ҳамдир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон давлат мадрҳиясини ҳурмат қилиш — халқимизни ҳурмат қилиш билан баробардир. Зеро, давлатимиз мадрҳияси она халқимизнинг эзгу ниятлари, улуғ мақсадлари ифодаланган бош қўшиғимиз сифатида барчамизни ёруғ истиқболга бошлайди.

Зиёда ҒАФҒОРОВА,
Республика Маънавият тарғибот маркази
Маънавий-маърифий тарғибот бўлими мудури

FAXRIMIZ, G'URURIMIZ



Ватанимиз тимсоллари, давлат рамзларига, байроқ, герб, мадрҳиямиз моҳиятига агар кўнгил кўзи билан қарасак, уларнинг ҳар бири ўзига хос мактаб, алоҳида китоб эканини англаймиз. Хўш, уни ким ўқий олади? Ким бу рамзлар моҳиятидаги эзгу ниятларни теран англай билади? Менинг назаримда биринчи галда Она Ватанини чин дилдан севган, ўз халқини ардоқлашга, ҳимоя қилишга қодир инсонлар уларни ўқийди, англайди.

Ҳар гал «Серкўёш хур ўлкам, элга бахт нажот...» деб бошланувчи мадрҳиямизни эшитганимда вужудимни ёқимли титроқ чулғайди, кўзларимга ёш қалқийди. Бу ҳолни тушунтириб, ифодалаб бериш қийин. Лекин аминманки, бу туйғуни Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир инсон яхши англайди, юракдан туяди.

Ким ўз юртини севмаса — у ҳеч қачон, ҳеч нимани

сева олмайди, дейдилар. Ана шу маънода ўйлайманки, бизнинг Она Ватанга, шу муқаддас тупроққа бўлган муҳаббатимиз миллий рамзларга бўлган муносабатимиз орқали ҳам шаклланади.

Бугун Ватанимиз герби, қалбимиз тўрида, байроғи озод юртимиз узра хилпираб, мадрҳиямиз нафақат мамлакатимиз, балки дунё бўйлаб жаранглаб турибди. Улар бизни юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи йўлида бирлаштириб, мамлакатимиз мустақиллигини ҳаммиша кўз қорачиғидай асрашга, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлишга, юксак ишонч ва қатъият билан келажакқа қадам ташлашга даъват этади.

М. ХОЖИМАТОВА,
С. Сирождидинов номидаги
академик лицей ўқувчиси

BU YURTTA CHINAKAM SAODATLI ODAMLAR YASHAYDI!

Тарихга айланиб бораётган 2015 йил халқимиз ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди. Ҳар бир соҳада, ҳар бир жаҳада улкан юксалишлар юз берди. Биз бу йилда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигини кенг нишонладик. Аини шу — энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Уларнинг ҳаётида, тақдирида ўтиб бораётган 2015 йил қандай из қолдирди? Шу савол билан маданий, маърифий соҳада фаолият олиб бораётган бир гуруҳ юртдошларимизга мурожаат қилдик.



Мирза АЗИЗОВ,
Муқимий номидаги
муסיқали драма театри
актёри:

— Биз тинчлик ва осойишталик кафолатланган заминда яшаймиз. Бунинг учун ҳар биримиз ўзимизни масъул деб биламиз. Тинчлик — катта неъмат. Ҳар бир оиланинг ўзига яраша турмуш масалалари бор. Шукрки, ҳеч ким эртага нима бўлади, деган хавотирда яшамайди. Уйкуга ётаётган одам хотир-

жам уйғонишига ишонади. Яқинда неча юз минг одамлар ички урушлар ва низолар авж олган жойларда, сарсон-саргардон яшашаётгани ҳақида ўқиб қолдим. Мана, сизга солиштириш учун мисоллар! Бизда ҳеч ким меҳр ва эътибордан ташқарида эмас! Одамларнинг кайфиятига қаранг. Чинакам бахтли, ҳаётдан рози инсонлар яшайдиган юрт бу!

2015 йил менинг ҳаётимда энг унутилмас йил бўлди. Юртбошимиз Фармонига асосан «Ўзбекистон халқ артисти» унвонига сазовор бўлдим. Бу унвонни театримизга, театр санъатига эътибор ва эҳтиром деб биламан. Устозларимиз аъноларини давом эттирган ҳолда ўзбек миллий театри ва кино санъати тараққиёти йўлида бор кучим билан меҳнат қиламан. Бу ишонччи оқлаш учун бор иқтидоримни ишга соламан.



Адхамбек АЛИМБЕКОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси, Халқаро алоқалар
ва бадий таржима
бўлими масъул котиби:

— Инсон тақдирида ҳар бир йилнинг ўз аҳамияти, ўрни бўлади. Баъзи йиллар кимгадир бошқалардан кўра омадлироқ келади. 2015 йил ҳам мен учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида «Дўстлик» ордени билан мукофотландим. Қилаётган ишинга эътибор бўлса, кишининг гайратига гайрат, кучига куч қўшилган. Адабиётимиз тарғиботи борасида қиладиган ишларимиз бир талай. Улуғ шоирларимиз, ёзувчилари-

мизнинг бадий жиҳатдан юксак асарларини дунё китобхонлари эътиборига ҳавола қилишимиз, ушбу китоблар уларнинг кутубхонасидан жой олишига ҳаркат қилишимиз зурур. Бу йўлда кўлимдан келганча меҳнат қилишга тайёрман. Яқинда невараларим яна биттага кўпайди. Қизим Шохнигор инглиз тили ўқитувчиси. У «Йил ўқитувчиси» танловида қатнашиб, Юнусобод тумани голиблигини қўлга киритди. «Халқ таълим аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Буларнинг ҳаммаси ёқимли, албатта. Аммо энг муҳими, юртимиздаги тинчлик, хотиржамликдир. Йил давомида бир неча вилоятларга бориб келдик. Мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида бўлаётган бунёдкорлик ишлари, улкан қурилишлар кўзни қувонтиради. Ёки адабиётимизга кириб келаётган ёш истеъодларнинг илк китобларини ўқиганингизда, адабиётимиз келажаги учун хурсанд бўласиз. Ниятим, Ватанимиз йилдан йилга юксалиб бораверсин.



Йўлдошхўжа СОЛИЖОНОВ,
Фаргона давлат
университети
профессори,

— Ёшлигимдан ўқишга, изланишга, янгиликка интиламан. Ўз навбатида илм олиш иштиёқи баланд бўлган кишиларга меҳрим бошқача. Устоз деб ёнимга келганларга кўлимдан келган ёрдам ва маслаҳатларимни аямаганман. Ватанимизда устоз ва ўқитувчиларнинг меҳнатлари қанчалар қадрланишига бу йил «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» унвонини олганимда яна бир карра гувоҳ бўлдим. Бизга топширилган бу унвон ҳам энг катта совға, ҳам менинг эллик йиллик фаолиятим давомида олган юксак баҳо бўлди. Албатта, бу менга куч берди. Менга билдирилган ишонч учун Юртбошимиздан беҳад миннатдорман.



Зиёда КОБИЛОВА,
«Ўзбекнаво» эстрада
бирлашмаси хонандаси:

— Бу йил ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Ижодий изланишларим юқори баҳоланиб, муҳтарам Президентимиз Фармонига кўра «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига



Хикоят МАҲМУДОВА,
«Мозийдан садо»
журнали бўлим
муҳаррири:

— Ижодкор кўнгил кишиси деган гап бежизга айтилмаган. Ҳар қандай шоир ёки ёзувчи «сизнинг ёзганларингизни ўқиганман» десангиз, унинг кўзида ажиб шодликни кўрасиз. 2015 йил ҳаётимда катта бурилиш бўлди. Буни қарангки, 50 йиллик меҳнатларим инobatга олиниб, «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Мустақил Ватанимизда чин дилдан яшилик йўлида қилинган ҳар қандай меҳнат қадрланмай қолмайди. Маънавий ва моддий кадриятларимизга, буюк аждодларимиз алломаю фузалоларимиз яратган бебаҳо илмий меросга эҳтиром, улардан фахр-ифтихор туйғуси доим қалбимни тўлқинлантириб туради. Шунингдек, шундай улуг меросга дахлдорлигимдан, уларни эмин-эркин ўқий олишимдан хурсандман. Бутун умрим давомида бебаҳо маънавий сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш бахтига мурассар бўлдим. Менга берилган бу юксак мукофотни келгусида қилажак ишларим учун ҳам катта рағбат деб биламан.

сазovor бўлдим. Бу ҳар бир санъаткорнинг орзуси бўлса керак. Мукофотланганлар орасида борлигимга ҳалигача ишонгим келмайди.

Мукофот масъулиятимни ошириш билан бирга бу азиз Ватанда меҳнат қилган одам албатта қадрланишини ҳам англатди. Кейинги йилларни ҳам меҳнат билан, изланиш ва янгиликлар билан бойитишга, эса қоларли тарзда ўтказишга ҳаракат қиламан. Менга, мен орқали ўзбек эстрада санъатига берган эътибори учун Юртбошимизга ва халқимизга таъзимдаман.

MILLIY TARAQQIYOT

ko'zgusi

«Ойнаи ҳар миллат эрур тил-адабиёт»... Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлониининг бир шеърида ана шундай мисра бор. Дарҳақиқат, миллат деганлари тилга кўра белгиланади. Тил — миллатнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, унинг паспорти. Шу боис ўзини таниган, ўзлигига эга ҳар бир миллат она тили ривожини ҳаёт-мамот масаласи деб билади. Тил тараққий этиши учун бор имкониятини ишга солади. Мустақиллик бизга ана шундай улуғ ва баҳосиз неъматни тортиқ қилди. Она тилимиз давлат тили мақомига эга бўлди. Бу ҳақда қонун қабул қилинди. Миллатимиз номи мамлакатимиз номида-да акс этди. Ном эса, номус демақдир. Булар ҳазилакам гаплар эмас. Машҳур ибора билан айтганда, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Бунга гувоҳ бўлганлар нақадар бахтли, нечоғлиқ саодатли. Бу ходисалар аҳамиятини заррача инкор этмаган ҳолда, ўтган йиллар давомида тилимиз моҳияти ва қўлланилиши жиҳатидан қилинган кенг кўламли ишларни эътироф этган ҳолда таъкидлаш керакки, тилнинг чинакам ривожини йўлида ҳали қиладиган ишларимиз кўп...

Қонун қабул қилиниши — тил тараққиётининг ҳуқуқий кафолати. Усиз бир қадам ҳам олдинга юриб бўлмаслиги аён. Шукрки, биз бундай қонунга эгамиз. Лекин тилнинг бор имконияти билан янада раванқ топиши учун бизнингча қуйидаги яна тўрт омил мутаносиблиги талаб этилади:

- она тили тақдири учун куйиниш ҳисси миллатнинг ҳар бир вакили қалбига кўчиши;
- тил илмининг миллий негизда ривожланиши;
- замонавий техника-технологиялар ва тилнинг ўзаро тенг таъсир асосида тараққий этиши;
- миллий адабий тилда яратилган адабиётнинг равнақи.

Мазкур омилларнинг ҳар бири тилнинг ривожини учун ўта муҳимдир. Биз мустақил тараққиётнинг йигирма бешинчи йили арафасидамыз. Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига эса, роппароса йигирма олти йил тўлди. Бу жуда катта муҳлат бўлмаса-да, кичик ҳам эмас. Ютуқлар ўзимизники. Шу боис асосан бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

«Асл тилларнинг маншаъи...»

Биз қандай тил соҳибимиз? Она тилимизнинг дунёдаги бошқа тиллар орасида тутган мавқеи тарихда қай даражада бўлган, ҳозир-чи? Бундан минг

йил муқаддам буюк тилшунос Маҳмуд Кошғарий она тилимизнинг араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб, ўзиб бораётганидан ифтихор қилган эди. «Муҳокамат ул-луғатайн»да ҳазрат Алишер Навоий бу ҳақда қуйидагича ёзади: «...**уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборот гавҳари билан қойилининг адосига зевар ва ҳар қайсининг фуруъи бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаъидурки, Нуҳ пайғамбар саловаттуллоҳи алайҳининг уч ўғлиғаким, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур, етишур**».

Эътибор беринг: «асл тилларнинг маншаъи...». Бу ҳазилакам гап эмас. Маншаъ — бу сўз «Навоий асарлари луғати»да «бир нарсанинг чиқиб келган ўрни, келиб чиқиш жойи, бошланиши», дея изоҳланган. Демак, бизнинг тилимиз бошқа асл тилларнинг келиб чиқишига асос, замин бўлган тиллардан ва биз дунёнинг энг қадим миллатлариданмиз.

Ҳазрат Навоийнинг бу сўзларини Носириддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асаридан олинган қуйидаги иқтибос ҳам тасдиқлайди: «Нуҳ кемадин чиқди. Ул кун сексон одамий — қирқ эр, қирқ хотун Шом вилоятинда тенгиз қироғинда бир кенд қўбордилар. Анга «Қарят ус-самонина» атадилар. Олти ой сув ичинда туруб ел тўқимади. Онгсизин чиқиб ел тўқиди эрса ярашмади. Заиф бўлдилар. Қамуғ ўлдилар, магар етти киши қолдилар. Тақи Нуҳ, ўғуллари, уч келин. Олам ичинда бу етти киши қолди, азин ким эрса қолмади. Бу кун мунча халойиқ ёвуз, яхши, мўъмин, кофир Нуҳ ўғлонлариндин туғдилар».

Маълум бўладики, машҳур тўфондан олдин Нуҳ алайҳиссалом билан кемада кетган барча инсонлар ҳалок бўлади. Дунёда Нуҳ алайҳиссалом, уч ўғли — Ёфас, Сом ва Ҳом ҳамда уч келини қолади. Ҳазрат Навоийнинг ёзишича, «Нуҳ алайҳиссалом тўфон ташвишидин нажот ва анинг маҳлақасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди, Ёфасники, таворих аҳли Абут-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар, Эрон ва Турон мамоликининг васатида волий қилди ва Ҳомники, Абул-ҳинд дебдурлар, Ҳиндистон билодиға узотдилар. Ва бу уч пайғамбарзода авлоду атбоъи мазкур бўлғон мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар».

Хито (Хитой эмас!) — баъзи олимлар фикрича, ҳозирги Шарқий Туркистон худуди. Лекин Рабғузий-

нинг «Ёфасни Туркистон вилоятига изди» деган қайди ҳазрат Навоий Хито деганда биз яшаётган худудни ҳам назарда тутмаганмикан, деган мулоҳазани-да уйғотади.

Нима бўлганда ҳам, икки улуг мутафаккир — ҳазрат Навоий ва Носириддин Рабғузий яқдил этироф этишларича, барча одамлар Нух алайҳиссалом фарзандлари — Ёфас, Сом ва Ҳомнинг авлодлари. Дунёдаги барча тилларнинг маншаъи (келиб чиқиш асоси) туркий, форс ва ҳинд тилларидир.

Француз олими М.Беллин «Муҳокамат ул-луғатайн»ни ўқиб чиққач, мана бундай ёзган эди: «Алишер Навоий ўз миллий тилининг афзалиятларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исбот этганлиги ўз халқи орасида ватанпарварликни бошлаб берганлигидан далолатдир».

Дарҳақиқат, она тилига меҳр қўймасдан туриб, ватанпарвар бўлиш мумкин эмас. Она тилига муҳаббат ва ватанпарварлик бир-бирини тақозо этувчи, бири иккинчисисиз мавжуд бўлиши қийин бўлган туйғулардир. Она тилимиз дунёдаги «асл тилларнинг маншаъи» бўлгани рост. Мутафаккир боболаримиз бу тил шаънини юксакларга кўтаргани ҳам айна ҳақиқат. Лекин бунинг ўзигина кифоя қилмайди, албатта. Хўш, бугунги авлод бу борада эътиборга лойиқ қандай ишларни қилди ёки қилмапти? Она тилимиз тараққиётига етарли даражада муносиб улуш қўша оляпмизми?

«Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур», деган эди Авлоний. Чиндан ҳам, миллат бошқа ҳар қандай бойлигини йўқотса, ўрнини тўлдириш мумкин.

«Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз» деб ёзган эди ҳазрат Навоий. Тил ва элнинг яхлит бир ҳодиса эканига ишора бор бу сўзларда. Бирига заха етса, унисига ҳам таъсир этмай қолмаслиги англашилади ундан. Бугун ана шу ҳодисаларнинг бир тан — бир жон эканини бир қадар нутгандекмиз назаримизда. Биргина мисол. Пойтахтимиз кўчаларидан бирида бор-йўғи икки чорраҳа оралиғидаги жой номларини ўқиб, таажжубда қолдим. Мана улар: «TOPMEN boutique», «Premio», «Rest», «Holis agro», «Miss S», «MAG avto», «Avtostekla» «Mano Mancino», «Dizayn grup», «Kids klub», «Elegan Service», «Салон красоты»???

Мен халқимиздан чиққан бизнесменлар, тожирларни ҳурмат қиламан. Бугун улар аксари савдо маданиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшяпти. Дунёнинг исталган давлатидан халқ эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни керагича етказиб келаётир — баракалла! Дўконлар, бошқа савдо ва маиший иншоотларни барпо этиптилар — бу жуда зарур! Аммо, тадбиркорларимизга тегишли савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчаларидаги номлар кишини ўйлантиради, ташвишга солади... Ҳар бир сўзни қўллашнинг ўрни ва меъёри бор, айниқса, хорижий сўзларни...

Телевизоримиз, музлатгичимиз, кир ювиш машинамиз ва ҳоказо маиший буюмларимиз бузилса, тузатишга олиб боришдан аввал албатта шу соҳадан хабардор одамлар билан маслаҳатлашамиз. Устанинг энг яхшисини топишга ҳаракат қиламиз. Чан-

дон афсуслар бўлсинки, тилимиз бузилса, заррача ҳам эътибор қилиб қўймаймиз. Йўқса, рекламадан пулни аямайдиган жўмард тожир унга қандай сўзлар битилганига ҳам озгина эътибор қаратган бўлар эди. Юқорида тилга олинган кўчада дизайн жиҳатдан анча чиройли бир реклама лавҳаси осилган. Унда рус тилида «Качества — признак лидерства» жумласи дарж этилган. Энг афсусланарлиси шуки, бу жумла ўзбек тилига «Сифат — сардорлик белгиси» дея таржима қилинган. Табиийки, русча жумлада бугунги рақобат шароитида сифат билангина енгиб чиқиш мумкинлиги ифодаланган ва у жуда ҳам тушунарли. Уни ўзбек тилига тўғридан-тўғри калка қилиб эмас, «Сифат — ютуқ гарови!» дея ўгириш ҳам мумкин эди. Эшик савдоси ҳақидаги мазкур рекламада «Эшик-мисан эшик!!!» тарзидаги харидорнинг қалбига тез етиб борадиган қуйма ўзбекча сўзлар битилса ҳам бўларди-ку. Айни кезде ундан ҳам ачинарли бир реклама эълони урфга кирди: «Биз очилдик!» Булар айрим мисоллар, холос.


Шевалар — адабий тилни бойитишдаги муҳим манба. Фақат уни қўллашда меъёр талаб этилади. Ўзаро суҳбат, чойхона, тўй-маъракаларда шевада сўзланиши заррача эътироз уйғотмайди. Устоз Матёкуб Қўшжонов ҳикоя қилган қизиқ бир воқеани адабиёт ихлосмандлари эшитган. Эмишки, Хоразмдаги мактаблардан биридаги битирув оқшомида домла жиддий туриб: «Мана, энди ўнинчи синфни битирдинглар. Ўзбекистон бўйлаб тарқалиб кетасизлар. Шунинг учун мумкин қадар тоза адабий тилда гапиринглар. Хўпми?» деса, зал гуриллаб «Ҳовва!» деб жавоб берибди.

Бунда шевадан бутунлай қутулиш қийин эканлиги ифодаланган. Лекин бу дегани фикрни адабий тилда баён этиш имконсиз, дегани эмас. Жамоат жойларида, телевидение-радиода, маънавий-маърифий тадбирларда адабий тилда сўзлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, адабий тил миллатнинг бирдамлигини таъминлашга хизмат қилади. Адабий тилда сўзлаш бошқа шевалар вакилларига ҳурмат демақдир. У сўзловчининг маданий даражасини, маърифий савиясини ҳам кўрсатади. Таассуфки, бугун телевидениенинг айрим каналларида, хусусий радиоканалларда шевада гапириш «ғалати машхур» қоидага айланяпти.

Лотин имлоси асосидаги ёзувга ўтганимизга йигирма икки йил бўлди. Бир неча авлод ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимини ана шу имло асосида битирди. Крилчадаги «х» ва «ҳ»ни аниқ фарқлаш мақсадида лотин имлосида улар учун бир-бирига ўхшамайдиган алоҳида белгилар қабул қилинган. Бироқ, афсуски, уларни фарқламаслик ҳануз давом этаётир. «Qabulhona», «Hatlar bo'limi», «Xisob-kitob bo'limi». Таассуфки, бундай лоқайдлик, бефарқлик камайгани йўқ. Буларни кўриб, дилингиз ранжиб қайтар экансиз, пешонангиз яна бир хатога урилади: «Hush kelibsiz!»..

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

(Давоми келгуси сонда)



Ming yillik merosning mukhtasham nashri

Ўзбекистон фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда халқимизга ажойиб тухфа тайёрлади. Номоддий маданий мерос тадқиқоти йўлида изланиш олиб бораётган фольклоршунос олимларимизнинг кўп йиллик самарали меҳнати маҳсули 100 жилдлик «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» номли китоб нашрга тайёрланиб, мазкур китобнинг дастлабки икки жилди ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Яхши китобда кечанинг ўгити, бугуннинг нафаси, эртанинг мушўҳадаси акс этади. Янги нашр том маънода азалий қадриятларимиз, маънавий меросимиз, қолаверса, миллий ўзликни англаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ўзида намоён этди.

Халқнинг эзгу интилишлари жо бўлган йирик дostonлар, заковати маҳсули бўлган маталлар, мақоллар, фазилатлар жам бўлган ўғитлар юз жилдликдан жой олиши теран томирларимизнинг янада бақувват бўлганининг ифодасидир. Бу китоб ҳар бир ўзбек хонадони учун улкан бойлик бўлиши шубҳасиз. Ўз Ватанини, унинг қадриятларини севган, ҳурмат қилган одам халқнинг ўлмас анъаналари, дostonлари, ўланлари, термалари, айтим ва маталларини билишни, фарзандларига, невара-эвараларига ҳам ўргатиб, уларнинг умри бардавом бўлишини истайди. Бу юз жилдлик шундай инсонлар учун муносиб қўлланма бўлади. Момоларимиз қизлар учун сеп йиғишни китобдан бошлар экан. Китоб ўқиган келин маънавиятли, маърифатли, фарзандларига тўғри тарбия бера оладиган бўлади. Қадриятларимизнинг шу томонига эътибор берсак, бу мажмуа қизларимиз учун энг қимматбаҳо сеп ҳисобланади.

Асрлар давомида аждодаларимиз томонидан эъзоланиб, сайқалланиб, бизгача етиб келган миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг ёрқин тимсоли бўлмиш номоддий мерос намуналари энди яхлит кўринишга келтирилди. Мазкур 100 жилдлик манбани маънавий қадриятлар жамланмаси десак, асло хато қилмаган бўламиз.

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг ноёб илмий объекти — фольклор архиви материаллари, изланишлари асосида тайёрланаётган мазкур 100 жилдлик китоб ўзбек халқ оғзаки

поэтик ижоди асарларининг энг мукаммал намуналарини қамраб олади. Бу нашрнинг 57 жилди дostonлар, 10 жилди халқ қўшиқлари, 12 жилди эртақлар, қолган жилдлари эса терма, афсона, ривоят, нақл, мақол, топишмоқ, аския, лоф, латифа, оғзаки драма, болалар фольклорлари ва бошқа жанрлардаги асарлардан иборатдир. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликларининг дастлабки жилдлари тақдимиотига бағишланган матбуот анжуманида сўзга чиққан филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев, Тўра Мирзаев, Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйининг бош муҳаррири Илҳом Зоиров номоддий маънавий меросимизни асраш ва авлодларга етказиш масъулияти борасида гапириб, мазкур шарафли вазифанинг тарихий ва маърифий аҳамияти борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Анжуманда сўзга чиққан фольклоршунос олим Омонулла Мадаев бу йирик ижодий лойиҳанинг тарихий ва маънавий аҳамияти ҳақида тўхталар экан, 100 жилдлик нашрнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятига алоҳида урғу берди. Инсоният тараққиёти даражаси энг аввало ўзликни англаш, қолаверса, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган бебаҳо бойликни аслича келажак авлодларга етказиб бера олиши билан ўлчанишини таъкидлади. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, номоддий маданий меросни асраш йўлида қабул қилинган Давлат дастури ва унинг ижроси масаласига алоҳида тўхталди. Бироқ, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ўрганиш, жумладан, фольклоршунослик илмини юқори даражага олиб чиқиш йўлида санокли фидойилар қолгани, бу шарафли ишга ёш олимларни кўпроқ жалб этиш зарурати ҳақида ўз таклифларини билдирди. Бизнинг тарихимиз минг йилларга бориб тақалади, демакки, шунга яраша маънавий хазинага, маданий бойликка эгамиз. Шу ғурур ҳамда ифтихорни бугунги ёшлар қалбида уйғотиб, бу йўлдаги изланишда уларга қанот бўлиш орқалигина кўзланган мақсадга етишимиз ҳақида куйиниб гапирди.

Филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев асрлар оша эъзоланиб келинаётган боқий бойликнинг ўзига хос жиҳатларига урғу бериб, 100 жилдлик нашр нафақат гўзал китоблар тўплами,

балки қўлма-қўл қилиб мутолаа қилишга арзийдиган замонавий нашрлигидан кўнгли тўлгани, бу воқеа юртимиз маънавий оламида мақтанишга арзигулик тарихий воқеа эканлигини айтар экан, жумладан шундай деди:

— Ҳар даврнинг ўз китоблари ва ўз фидоийлари бўлади. Бугун мен чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила ўзбек фольклоршунослигига асос солган заҳматкаш олим, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби Ходи Зариповни эслаяпман. Айнан шу инсон меҳнати боис бизнинг маданий меросимиз бугун шундай гўзал китоб ҳолига келди. Халқ оғзаки ижоди намуналари жамланган жуда кўп китоблар айнан Ходи Зарипов ташаббуси билан чоп этилган. Бугун ўша анъана муносиб давом этаётганидан хурсандман. Аминманки, бир кун келиб биз аждодларимизни яхши номлар билан ёдга олганимиз каби, авлодларимиз ҳам биз бажараётган хайрли ишлар ҳақида шундай эҳтиром билан сўзлайдилар...

Дарҳақиқат, ҳар бир ўзбек хонадони учун нақадар яқин ва қадрли бўлган, кимнингдир бувисидан, яна кимнингдир бобосидан мерос қолган, эшитганда қадрдонларни ёдга солгувчи оҳанглар, ширин сўзлар, куй ва қўшиқлар, ҳазил-мутойибалар яна асрлар оша қайта-қайта элимизга тортиқ этилаверади. Боиси, бу нашрда халқ қисмати, одамлар тақдири, яхшилар ёди, орзу, мақсад ва эзгу излаишлар маънавий фазилатлар мужассам.

Шуниси аҳамиятлики, 1926 йилда Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан шоир ҳамда Жолғош бахши Жоссоқ ўғли ижросида ёзиб олинган, 15 минг 328 мисрадан иборат «Қиронхон» достони ушбу 100 жилдликнинг учинчи жилдидан ўрин олди. Ушбу дoston илк бор китоб ҳолида чоп этилмоқда.

Халқимизнинг умрбоқий маданий меросини тўплаш, унинг ҳали ўрганилмаган янги қирраларини топиш, сайқал бериш масъулиятини нафақат фольклоршунос олимлар, балки Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси ҳам чуқур ҳис этмоқда. Хусусан, мазкур нашр билан боғлиқ барча молиявий харажатлар матбаа ижодий уйи томонидан

қопланади. 2015 йил охиригача нашрнинг 10 жилдини чоп этиш режалаштирилмоқда.

Замонавий дизайни ва сифат жиҳатидан бугунги кун талабларига жавоб берадиган усулда чоп этилаётган ушбу тўплам босқичма-босқич ўқувчиларга ҳавола қилинади. Мазкур 100 жилдлик ҳар бир хонадон, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, умуман, қалбида халқимизга хос туйғуларни эъозлаб келаётган ҳар бир юртдошимизнинг энг сеvimли китобига айланиши шубҳасиз. Шундай экан, сизу бизнинг тўй ва томошаларимиз, миллий анъаналаримиз, маросим ва урф-одатларимиз, байрам тантаналари негизига бориб тақаладиган аллаю ўланлар, лапар ва аскиялар, эртақ ва афсоналар, мақол, топишмоқ сингари эшитганда оҳанги қулоққа ёқадиган, томирларимизга жон қадар сингиб, қалбимизда эзгу ҳис-туйғуларини уйғотувчи, таъбир жоиз бўлса, бизни яхшилик сари етакловчи бу маънавий маёқ яна асрлар оша кўнгил йўлларимизни ёритиб, инсониятга хизмат қилаверади.

Биз фарзандларимизнинг барча эҳтиёжларини қондириш учун тинмай ҳаракат қиламиз. Улар сўраган нарсаларни имкон қадар олиб борамиз. Маънавий ҳордиқ чиқариш учун кинолар, концертлар ёзилган дисклар сотиб оламиз. Миллий хазина ҳисобланган ушбу китоблар фарзандларимиз учун ҳам ўзимиз учун ҳам энг муносиб совға эканини таъкидламоқчи эдик. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Жуда катта номоддий маданий меросга эга халқимиз. Бунақа улкан меросни ўрганиш, келажак авлодга бус-бутун етказиш бизнинг бугунги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ. Дунёда бўлаётган воқеаларни кузатар эканмиз, жуда кўп салбий оқибатлар маънавиятсизлик туфайли юз бераётганининг гувоҳи бўламиз. Фарзандларимизнинг маънавий баркамол бўлишида қадриятларимиз, миллий анъаналаримизни ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Шубҳасиз, бу йўлда «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» нашри ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Гулчеҳра МИРЗАЕВА





ULUG'LARINI E'ZOZLAYOTGAN YURT

Муҳтарам Президентимизнинг ҳаётимизнинг файзи-фариштаси бўлган нурунийларимизни ҳамиша эъзозлаш маъносида айтилган куйидаги фикрлари ҳар биримиз учун ибрат мактабидир: «Ҳақиқатан ҳам, қайси хонадонда нуруний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада албатта файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлишини барчамиз яхши биламиз».

Юртбошимизнинг бу эзгу ташаббуси жорий — «Кексаларни эъзозлаш йили»да қадри кетмас миллий қадриятларимизда янада сайқал топиб, маърифатли халқимизнинг энг яхши фазилатларини намоён этмоқда.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан мазкур жараёндаги изчил саъй-ҳаракатларни умумлаштириш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ, кўмита оилада, жамиятда, ёшларимизни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда давлат ташкилотлари билан бир қаторда фуқаролик жамиятининг бошқа инситутлари, жумладан, «Нуруний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли» мавзусида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида давра суҳбатлари ўтказди.

Ана шундай давра суҳбатларида қатнашган депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Акмал САИДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси:

— Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, шунингдек, бундай қадриятни миллий қонунчилигимиз, хусусан, Бош қомусимизда алоҳида белгилаб қўйилганлигини эътироф этишимиз керак. Чунки бундай тажриба ҳеч бир давлат конституциясида кузатилмайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда «Кексаларни эъзозлаш йили», деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросим-

даги маърузасида таъкидлаганидек, «кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган».

Ҳақиқатан ҳам, кексаларга ҳурмат халқимизнинг азалий ибратли қадриятларидан ҳисобланади. «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қариялар — хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси», «Ҳар кексада бир нақл», «Қарияли уй — мактаб», деган мақол ва ҳикматли сўзларда гоятда чуқур маъно бор.

Бу пурҳикмат мақолларда аввало кексаларнинг бебаҳо хислатлари ва яхшилик томонлари, оқилу донолиги ва тадбиркорлиги, меҳрибонлиги ҳамда адолат билан иш кўриш салоҳияти каби кўпдан кўп фазилатлари ўз ифодасини топган. Айни чоғда, қарияларни ҳурмат-иззат қилиш ва эъзозлаш, ота-оналаримиз, бобо-бувиларимиз, ёши улугларимизга ҳамиша яхши муомалада бўлиш ва қўлдан келган яхшиликни улардан аямаслик, айтган сўзларига қулоқ солиб, бер-

ган панд-насиҳатларига амал қилиш зарурлиги уқтирилган. Зотан, ёш авлод турмуш синовларида товланиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, донишманд, тақволи, улуғ кишилар кўмаги ва маслаҳатига доим эҳтиёж сезади. Меҳнатсевар, ҳалол-пок, диёнатли, эл иши учун фидойи инсон бўлиб улғайишни истаган ҳар бир ўғил-қиз кексалар ҳаётий тажрибасидан, албатта фойдаланиши лозим. Қаерда кексаларга эътибор бўлса, шу жойга мудом файзу барака ёғилиб туради. Шунинг учун орамизда катталарнинг борлиги улуғ неъматдир.

Олижаноб, имон-этиқодли, нуруний кексаларнинг ҳақларини адо этиш барчамизнинг шарафли вазифамиздир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, доно халқимиз инсон ганимат дейди. Дарҳақиқат, биз учун ота-боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаёти ҳам ганимат. Уларга хизмат қилиб, дуоларини олиш ниҳоятда муҳим. Бинобарин, қайси хонадонда нуруний отахон ёки онахон бўлса, бу хонадондан фаровонлик ва аҳиллик сира аримайди.

Энг муҳими, кексалар эъзозланган юртда меҳр-оқибат, қут-барака, тинчлик-хотиржамлик бўлади. Шу маънода, қарияларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун кенг шароит ва имкониятлар яратиш мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айлангани бежиз эмас.

Бу ҳақда сўз борганда, давлатимиз томонидан Истиқлол йилларида қарияларни улуғлаш борасида бир талай хайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кексаларни эъзозлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкам кафолатланди.

Бош қомусимизнинг 39-моддасида белгиланганидек, **«Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга»**. 66-моддасида эса: **«Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар»**, деган ғоя мустаҳкамланган.

Мухтассар қилиб айтганда, бу каби саъй-ҳаракатларнинг замирида, ҳеч шубҳасиз, «Улугларини эъзозлаган юрт завол кўрмагай», деган ғояни ҳаётга теран татбиқ этишдек эзгу мақсад мужассамдир.

Баҳром ОБИДЖОНОВ, кўмита аъзоси:

— Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ, кексаларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Зеро, халқимиз истиқлол йилларида эришган мислсиз ютуқлар, тинч осойишта, тўкин

ва фаровон ҳаётимиз, навқирон авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш замирида кексаларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, уларни эъзозлаш сингари азалий қадриятлари ётибди.

Айни жараёнда бебаҳо неъмат бўлган тинчликнинг барқарорлигини таъминлаш, мамлакатимиз аҳолисининг маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёш авлодни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш каби юмушларда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.


Отабек АБДУҒАНИЕВ, кўмита аъзоси:

— Кексаларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонларни, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган ушбу Қарорда давлат ташкилотлари билан бир қаторда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ва турли нодавлат-нотижорат ташкилотлари олдига масъулиятли вазифаларни қўяди.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони сал кам 3 миллион кишини ташкил этмоқда. Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш борасида олиб борилган ишлар натижасида 1991 йилдан буён ўтган даврда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, хусусан, аёлларнинг умр кўриши 76 ёшга узайганлиги, яъни юртдошларимизнинг умри истиқлол йилларида ўртача 6-8 ёшга ошганлигини фахр билан эътироф этишимиз керак.

Мухтарам Президентимизнинг **«Ватанимизнинг мусаффо осмонини асрашда, ҳар қандай офатларни остонамизга йўлатмаслик, она юртимизни фашизм балосидан ҳимоя қилишда кекса авлод вакилларининг қандай жасорат кўрсатгани, фронт ортида меҳнат қилиб, галабага муносиб ҳисса қўшгани, мамлакатимизни тиклаш, унинг ҳам ҳарбий, ҳам маданий-маънавий салоҳиятини оширишда нуруний кексаларимиз намоён этган фидойиликни биз ҳамиша катта миннатдорлик билан эслаймиз»**, деган фикридан келиб чиқиб, жойларда, айниқса узок туманларда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳолидан хабар олиб, улар даврасида ёшлар билан маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишни тизимли давом эттириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Давра суҳбатини Темура АЪЗАМ ёзиб олди



CHO‘LPON IMPRESSIONIZMI

XIX аср охири, XX аср бошларида Европа рассомлик санъатида мутлақо янги йўналиш бўлган импрессионизм йўналиши дунёга келди. Бунинг етакчи намояндаларидан бири машҳур рассом Эдуард Мане эди. Унинг асарлари нозик дидли санъат ихлосмандлари ҳамда санъатшуносларда катта қизиқиш уйғотибгина қолмай, балки ҳаётга мутлақо янги назар ташлашга ундади. Мане асарларида ишлатилган ранглар жозибаси, ҳамда бадиий ҳақиқат кафтдаги ҳаёт ҳақиқати зийрак кўзларни ҳам баъзан адаштираёзди. Аммо бадииятнинг куввати шундаки, у ҳар қандай инжиқ табиатларни ҳам ўзига ром эта олади. Хўш, ранглар жозибаси, жилваси, сайқали сўзга кўчса-чи? Умуман, табиатнинг ранго-ранг олами сўзда рассом тафтидек бера олиш мумкинми?

Менимча, буюк Чўлпон бу ҳақда кўп ўйлаган, ва анча машаққат чекиб кўнглидаги ҳаёт ҳақиқатини қоғозга тўккан. Ўша ҳақиқатни «Йўл эсдаликлари»да Жиззахдан Самарқандга етгунча кўрган анвойи гўзаллик сайқалига жо этган «Кўнгилсиз чиқиш», «Кетиш», «Тенгизлар», «Капалаклар», «Зар афшон», «Қуёшми, умидми, севгимми», «Чин бирлик» фаслларини шунчаки оддий ҳикоялар десак, тўғри бўлмайди. Улар юрак қаъридан фавворадек отилиб чиқаётган руҳий азоблар, дардлар, сўниши исталмаган орзу-амаллар ҳақидаги мухтасар роман. 1921 йил бир ёқда ҳарбий коммунизм, иккинчи ёқда мустамлакачиликнинг саксон минг шиорлар кучоғидаги янги кўриниши, яна бир ёқда ҳайқириб, бўкириб, ингичка, қилтириқ биллаки тирноқлари ўсиб кетган еб тўймас очлик чангали Туркистонга аёвсиз жароҳат етказиб турган бир палла. Йўқсулларнинг темир тирноқлари жамият халқумига қаттиқ ботаётган вақт. Шу боис шоир «Хаёл, хаёл, ёлғиз хаёл гўзалдир, Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқаман» дейди.

Айтилган шароит, аҳвол ҳеч кимнинг бошини силамаган, фақат шоир бошини қизларнинг ипак рўмолидек юмшоқ хаёл, хаёл бўлганда ҳам келажакда, истиқболда юз бериши, ҳақиқатга эврилиши мумкин бўлган хаёл. Шу боис, Чўлпон тап тортмай йўқсул келажagini башорат қилади:

*Милтираган, хира чироқ сен йўқсул,
Ел қаттиғроқ келиб урса ўчарсен.*

*Ёр олдагон севгучининг руҳидай,
Бир «лип» этиб йўқларга кўчарсен.*

Адиб бутун дунёга жар солиниб, қутку ташлаб овоза қилинаётган ҳаёт тарих саҳифасида атиги «лип» этганча эканини сўзлар экан, «Менда бутун истагим, бутун амалларим билан «севгимнинг исмини» айтдим ва қоронғуликнинг чуқур кучоғига отилдим» дейди.

Севгилисини топган шоир табиат гўзаллигига, лола «тенгизи»га шўнғийди.

Шоир аччиқ ҳаётдан чўлга, тоғ ёнбағирларига назар ташлайди. Гуллар орасидан хурсанд бир-бирини қувлаётган капалакларга тўймай боқади. Улар келиб шоирнинг деразаси ёнидаги ипга қўнадилар. Чунки «ортиқ биз икки дард бирлашган эди». Ушбу романтик ҳолатда гўзаллик чин ошиқ шоир ишқи билан уйғунлашиб кетади: мен-да, ўзимнинг қизил лоламини тушунган, унинг юмшоқ юзларига иссиғиринларимни югуртган, тополмагон лиғимдан капалакдан уелиб бошимни эгкан эдим».

Бўёқлар... мойбўёқлар, сувбўёқлар... ранглар... Қаранг, ер юзидаги гулзор сўз бўёғида қандай жилваланади, жозиба кашф этади: «Кўкдаги булут, оқ булут парчалари устида қизил лолалар очилгон эди. Қизил лолаларнинг қизил туслари кун ботиш ёқда кўк юзига сочилгонлар эди». Бу ахир импрессионизм-ку!

Шоир «Капалаклар» эртагини тинглайди, Зар афшон (Зарафшон дарёси) билан тиллашади, дардлашади, ҳасратлашади, бир-бирига кўнгили ёзади: «Ошиқ йиғлар, ошиқ излар, ошиқ оқар, ошиқ чопар, ошиқ югурар».

Адиб миллий адабиётга тоғнинг янги талқинини олиб киради. Бу тоғ – унум, гўзаллик, абадий сукут қалбидан порлаган гўзалликина эмас, балки миллатимизнинг салобати, сабр-бардоши, чидами, келажакка улкан ишончи.

Замондошлари шоирга нисбатан турли айбловлар қўйишди. Аммо у: «Йўқ, бу қуёш, бу кун ботар, яна эрта билан бош кўтариб чиқар» деди. Истиқлол туфайли ўша Қуёш чиқиб, бутун юртимиз бошини йигирма беш йилдан буён силамоқда. Ватанимиз кўрки энди у ўзгача жозиба касб эта бошлади.

Сирожддин АХМАД

ЙЎЛ ЭСДАЛИГИ

1921 йил 7 май

Кўнгилисиз йўқиниш

Тўғридан-да, уйдан чиқишим кўп кўнгилисиз бўлди. Ўзим бу кезувимнинг қандай тотли умидлар орқасида бўлгонлигини билганим ҳолда, негадир, чиқишим кўп совуқ ва тушунки бўлди.

*Узотғувчи йўқ...
Ўзим ёлғиз...*

Энг яқин дўстим деб ишониб юрган кишиларим «Хайр»дан бошқани билмадилар; узотиб кўйишнинг керак эканлиги тўғрисида ўйларига тариқча бир нарса келтирмаганларга ўхшади.

Кўнгилисиз, тушунки руҳ билан чиқиб кетдим.

Ёлғизлик, ўрганган ердан айрилиш оғирлиги бир озгага мени эзиб борди, бир озгача қийналдим. Бир оздан сўнг эски тонишим «Хаёл» кўмагимга етди; ўзим унинг билан кенг кўкнинг юмшоқ кўрпалари устида ағанаган чоқда гавдам чарчаш, толиқишни сезмасдан илгари отилар эди.

*«Хаёл, хаёл, ёлғиз хаёл гўзалдир,
Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқамен.
Хаёлдаги юлдузлар ким, амалдир,
Оловимни олар учун боқамен.*

*Гўзал хаёл, кел, бошимда гул ўйнат,
Мени исрик тилагимни
Эркалат!..»*

Меним бу ўйларим хаёл тўғрисида кўп тўғри эди. Ул мени энг умидсиз, энг қийнагон, энг эзилган чоқларимда келиб бошимдан силар, сийпар, юпатар, эркалатар эди.

Ул борида меним ёлғизлигим билинмас, кўзимнинг ёқут ёшларини сосиқ япроқлар силамас, етилган қизларнинг ипак ёғлиқлари (рўмоллари) каби юмшоқ бўлгон хаёлнинг қўллари силарлар эди.

Уйдан кўнгилисиз чиқгон эдим.

Кўнглимни ёлғизлик, ётлик туйғуси айлантириб олгон эди.

Хаёл келди ва мени бу қийинлиқлардан ҳам қутқазди!

Кетим

Биз кетиб борар эдик.

Қулоқларимга отсиз аробанинг такр-тукри эшитилар эди.

Теваракни ёруқ қилиб тургон ер юлдузлари — чироғлар йироқдан йилтиллаб кўрунар эдилар.

Биз қоронғуликка кириб борар эдик. Ёруқдан қоронғуликка чиқиш биздек тентаклар иши бўлмаса, бошқа кимнинг иши?

Икки ёғимизда зўр боғлар қаторлашиб чизилиб кетканлар эди. Уларнинг хипчабеллик, тўғри бўйлик, кўп бутуқлик таналари қоронғида бир тўглам «хаёл — ваҳм» каби кўринарлар эди. Олачуқ ва капалакларда ёниб тургон ёғдусиз, хира чироғларнинг оловлари мени умидсиз чоқдаги кўзларимга ўшаб милтирар эдилар.

*Милтираган, хира чироғ сен йўқсул,
Ел қаттиғроқ келиб урса ўчарсен.*

*Ёр олдагон севгучининг руҳидай,
Бир «лип» этиб йўқларга кўчарсен.*

Қоронғидан кўрқиб, ғужум бўлиб — бекиниб ётқон дарахтлар бизнинг аробамизнинг ели билан кўрқа-кўрқа қимирлаб кўйиб, тагин тик қолалар эди.

Чоғ-чоғ у ердан, бу ердан эшитилган куш товушлари варамнинг йўталгани каби туюлар эди.

Қоронғилик, маним умид билан порлаб тургон кўнглимни ўзининг кўркунч кучоғлари орасига олиб учрамаги бўладур, кўнглим эса «хаёл»нинг кўкидан тушгуси келмай қоронғиликка саноксиз қарғишлар юборар эди.

Қизил гулдан ясолгон чамбарак малика — қизнинг бошига тож бўлғусидай, кўнглининг аччиғ, ёмон қарғишлари қоронғиликнинг бошига «даҳшат тожи» бўлуб ўлтирар; қоронғиликнинг «ваҳм»ларини тагинда кучайтириб, унинг «азаматини» тагинда ортдирар эди.

Ортиқ меним танам бутунлай қоронғиликнинг кучоғига кирган, кўнглим ҳам хаёл кўкидан тушуб шунда йўқолур каби эди. Бутун кучимни бир нуқтага йиғиб курашуб турар эдим. Боргон сари ўйлов қуролларимнинг кучсизлангани сезила, танларимда ҳам бир хил қалтироқ сезар эдим, бутун борлигим бир безгак ҳоли келтирар эди.

«Мўъминлар» ётар чоқларида, ўзларини уйқуға борар чоқларида «Оллоҳ» исмини айтиб ёталар, ўзларини уйқунинг кучлик қўллари орасига кўмар эдилар.

Мен-да бутун истагим, бутун амалларим билан «севганимнинг исмини «айтдим ва қоронғиликнинг чуқур кучоғига отилдим...

Тенгизлар

Тоғ бошида, кўкмак супада, қизил лоладан кўрпа ёпиниб ётқон «сабо»нинг турганига сочларини ёзиб учганига, далаларда ёввойи гул, боғлар ва чаманларда эгма гулларнинг исларини эснаб, ашула қилиб, кўшиқ айтиб ўтганига аллақанча чоғ бўлгон эди.

Мен қоронғиликнинг кучоғидаги исриклик, хушсизликдан энди ўзимча келган, кўзларимни очгон эдим.

Қизарғувчи куёш йўқ, қора заҳар булутлар ҳам йўқ. Кўк аллақандай чучмал бир тусда турар эди.

Отсиз аробамиз йўқ қанотлари билан секингина учуб борар эди.

Хаёл аралаш томошаға толгон кўзларим олдида учмох манзараси очилди: тенгиз!

*Қипқизил лола — қизғалдоқ тенгизи!
Кенг толада, кўк майсалар ичида,
Лола гулнинг кенг тенгизи кўринди.
Қизил туси хаёлимдай йиғилиб
Таналаримга ипак янглиғ бурунди.
Кўзларимга қизил тусдан ингичка,
Юмшоқ парда секингина тортилди.
Ўшал чоқда кенг кўргувчи кўзларим,
Кўрмак бўлгон истагимга тор келди...*

Қизил лолалардан бириккан тенгиз кенг эди.

Бутун борлигимни ўзига ўраб, чулғаб тортар эди. Қизил тенгиз — севги йўлинда учраши севгимнинг умидли, соф, оппоқ эканлигини кўрсатар эди.

Оҳ, агар бир булбул бўлса эди-да, гул тенгизининг қизил тўлқинларига кўниб ишқнинг бир нағмасини сайраса эди.

Унинг орқасидан кўк гулларнинг тенгизлари, сариқ, зангор гулларнинг тенгизлари, яна тоғин қизил лола тенгизлари қатор-қатор эди.



Тенгизлар, гўзал гул тенгизлари!

Тоғлар ва уларнинг гўзаллик ва хунукликлари.

Вафо кўрмаган ошиқнинг кўнглидай бузғунлиққа учрагон Жиззах шахридан чиқонимиздан кейин «тўқ-кўк» тусидаги тасбиҳ дона қатор-қатор тоғлар кўринмакка бошлади.

Меним севгим каби йироқдан чиройлиқ бўлиб кўринган ва бу кичкинагина деб ўйланган тоғлар, яқин етгач, дев гавдасидай кенгайган, ваҳмдай ўсган эди. Кўкимтил қора баданларига чиқиб қолгон майсалар тенгизига тушган ой ёғдуларидай кўринар эди. Тоғлар сарв (кипарис)дай бир тўқтамай юксалмоқ, кўтарилмак истаганларда, кўзни ўйнатур қадар кўтарилганлар эди. Бироқ, сарвнинг бўйини Шарқ шоирлари «ёр»нинг бўйига ўхшатар эдилар, тоғлар. Тоғларнинг бўйини на Шарқ, на Фарб шоири ундай ингичка тушунчалик нарсага ўхшата олмайди. Бир Шарқ шоири: «Тоғлар, гўзал юртимни сақлағувчи деворлар каби» деган эди, мен эсам:

*Юксак тоғлар меним баъзан алдонгон
Хаёлимдай юксакларга ўсмишлар;
Хаёлимни «ҳақиқатлар» тўсмишди,*

Бироқ, тоғнинг юксалишин қандай кучлар тўсмишлар? — дедим...

Бу бир савол, бунинг жавобини кўнглим бера олгани йўқ.

Буюк табиат, товушингни чиқор, бир наъра тортким, сўроғимга жавоб бўлсун! Тоғларнинг энг бошига олбости ўлтуришидек бир ўлтуриш билан қуп-қуруқ — қора тошлар ўлтурғонлар, уларни кўрганда гўё, бу қора нарса кўкдаги энг юзи қора олбостиларнинг бири бўлгондир, маликалар, фаришталарни ўзининг хунукликлари билан тўйдирғоч улар кўтарганларда тоғ устига тошлағонлардир; бу эса тоғ устига юқори кўкдан торвойиб тушуб ўлтуруб қолгондир; ёни-беридаги, теграсидаги, писталардаги майда-қора тошлар унинг суяк гавдасидан синиб тушган синиқлардир, демак мумкин.

Олбостиларнинг пастида ва балатида қора лочин, юзи қора сор, йиртғувчи чузаҳот юрадир. Кучлик қанотлари билан ҳавони ёриб, ўткур кўзлари билан «қурбон» этиб борадир. Тавфиқ Фикратнинг

*«Дин шаҳид истар, осмон қурбон,
Ҳар замон, ҳар тарафда қон, қон, қон!»*

дегани бошқа нарсага бўлса-да, мен шунга ҳам ўхшатмоқчи бўлдим.

Тоғлар, мени кўркутолар, юрагимни тўлқунлантинралар, титраталар эди.

Сорлар, чузаҳотлар ва лочинлардан пастдирак гуруллаб учгон бир гўзал кушқина меним кўрқон кўнглимни озроқ юпатар эди...

Капалаклар...

Севгига йўлуқгон кишининг бир «Кўнглим оча турғон «ағланчаси» капалак! Бу қандай гўзал, қандай чиройлиқ махлуқ!

Тоғнинг ёнидан ўтуб борғонимизда кўкатлар орасидан визиллаб учуб чиқди. Худди меним ошиқлигимни билгандай меним теразамга қараб уча бошлади. Биз-да секин борамиз, ул-да секин учуб келади.

Ортиқ биз икки дардли бирлашган эдик; ул меним теразамнинг ёнидаги ип устига кўнгон эди. Ул сўйла-

гандай бўлди, тиллангандай, сайрагандай бўлди. Чиндан-да, ул менга гуллар билан ўпишганлиги тўғрисидаги ўйноқи эртагини айтиб борар эди:

*Турдим уйқудан,
Енгил силкиндим,
Тоғ устларидан
Толоға индим.
Учдим бир талай:
«Қурбонинг бўлай,
Кел бир ўпайин,
Тотли иринингдан
Сўриб ўтайин!»
Дедим лолага,
Уёлди лола,
Қизарди лола,
Ҳам зўрға- зўрға:
«Хўб» деди менга.
Ўпдим лолани, очдим лолани...*

Бошқа гуллар-да юзларини менга тутдилар, ўпуб бўлғочдин уёлиб кўзни менга тикдилар...

*Мен ошиқман, мен,
Мен содиқман, мен,
Севгидан бошқа
Истама мендин!..*

Лола ошиқи капалак ўзининг кичкинагина эртагини битирган, жим бўлгон эди.

Зар афшон...

*Унинг ўзи шу ўйноқи қилиғи,
Шу ҳовлиқма одатила кўп қўрқунч,
Сувларининг нозли қиздай силлиғи
Кўп танларни ағдарарлиқ улуғ куч!*

Зарафшоннинг севгига тегишли боғи бордир, мана қандайдир у:

Юқори томондаги улуғ ва ҳайбатлик тоғлар ошиқдир. Куёш, унинг севган кўзларидир. Қачон ким куёш кулиб қараса ошиқ тоғ чидай олмайди, кўз ёшларини оқиза бошлайди; шул кўз ёшлари пастда биргалашиб зар афшон деган дарё бўлурлар. «Зар» тоғ ошиқнинг кўз ёшларидир, дарё ўшал «зар» кўз ёшларини «сочғучи»дир.

Кўз ёшлари ўзлари ҳам ошиқдирлар. Улардан бахтли бўлгонлари тенгизнинг кучоғига тушарлар, бахтсизлари дола-ларда ерга сингиб йўқ бўлуб кетарлар.

*Зар афшон ошиқдир...
Тоғлар, юксак тоғлар ошиқдирлар...
Куёш, зўр тенгизлар — маъшуқалардир...
Маъшуқа кулар, маъшуқа мағрур.*

Ошиқ йиғлар, ошиқ излар, ошиқ оқар, ошиқ чопар, ошиқ югурар,

*Дарё ошиқ, тоғлар ошиқ, куёш ишқ
Қорлар ошиқ, сувлар ошиқ, тенгиз ишқ,
Маъшуқалар кула-кула қочарлар,
Ошиқлари йиғлай-йиғлай чопарлар.
Ўзларини ҳалокатга отарлар,
Баъзилари тилакларга етарлар,
Кўпларида ерга сингиб кетарлар...*

Мен-да қочкин маъшуқамни қувуб борамен, ета-
йинми, кучоғига кирайинми, ё ерга, йўқликқа син-
гиб битайинми?

Қуёшми, умидми, севгимми?

Кўкдаги булут, оқ булут парчалари устида қизил
лолалар очилғон эди.

Қизил лолаларнинг қизил туслари кун ботишқда
кўк юзига сочилғонлар эди.

Қуёш ботар эди.

Унинг сўнг тиглари юксакликларда лола бўлиб
очилғонлар эди.

Қуёшми, ботадир?

Меним умидим кетадир?

Севгимми ботадир?

Меним умидим ҳам шу қуёш кабими ботар?

Меним севгим ҳам шу қуёш кабими битар?

Кўрқамен...

Йўқ, бу қуёш бу кун ботар, яна эртага эрта билан
бош кўтариб чиқар.

Бироқ, дунё шу дунё, табиат шу табиат. Борлик
шу борлиқдир.

Меним умидим ҳам шу чоғда қуёш билан биргами
ботар?

Йўқ, ул баъзан ботар, унинг ҳам шундай кечи бор:
яна тонгги келгач бош кўтариб чиқар.

Бироқ севги ўшал севги, ишқ шул ишқ, муҳаббат
шул муҳаббатдир: ул мангуга ботмас!

Унинг дунё каби кеча-кундузи, ёруғлик-қоронгли-
ғигина бордир.

Бироқ ўзи мангудир, абадийдир, битмасдир, ту-
ганмасдир.

*Маним севгим — абад билан тутошқон,
Азал билан кучоғлашқон, урашқон,
Унинг бордир: кундузлари, тунлари,
Ёруғлиги, қоронгуси: булари —
Барчаси-да ўта турғон нарсадир,
Бироқ, ўзи манги бўлғон нарсадир!*

Меним севгим ҳам қалбимда қизғалдоқ — лола
бўлуб очилмиш, танимга қиз ғалат тусларини торқа-
та бошламиш эди. Қуёшнинг қизиллиги билан му-
нинг қизиллиги, капалак билан лоланинг бирлаш-
ганидек бирлашиб кетган эди.

Тинлик... кўкдаги қизиллик билан меним кўнглим-
даги қизиллик битгунча тинлик...

Сўнгра: аччиғ бир «оҳ» билан кечанинг сирлик
кучоғига кўмилмиш...

Чини бирлик...

— Мен йироқ йўлдан келдим, сизнинг учун келдим.

— Кўп яхши, нима истайсиз?

— Айта олмайман!

— Нима учун?

— Меним тилим айтишдан ожиздир, меним қала-
мим айтгандир —

— Онгламадим.

— Эзасиз.

— Ҳеч...

— Қийнайсиз!

— Асло!

— Шафқат!

— Нима демакчисиз?

— Ўқинг!

— Нимани?

— Меним дostonларимни, «Олтун дафтар»ни.

— Берингиз!

Ўйноқи кўзлар ортиқ бир нарсани кутарлар эди.

Қалтирағон бармоқлар, қўллар «Олтун дафтар»ни
топширди.

— Бутун тилагим, истагим шунда ёзилмишдир.

Ўткур, олос кўзлар йўллар устида эди;

*«Қоронгги кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман:*

Ул юлдуз уёлиб, бошини букуб

Айтади: «Мен уни тушда кўраман:

Тушимда кўраман: шунчалар гўзал,

Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!»

(«Олтун дафтар»дан)

— Шеърлар кучсиздирлар, тилакни онглата олмайлар...

— Онгладирлар.

— Онглагонингизни кўрмаймен!

Ул ҳамма ҳолни онглагонини кўрсатмак учун кучоғи-
мга отилғон эди. Иринларим иссиғ ва тотли иринлари-
га тегиб, бири-биримизнинг севгимиз ичида кўмулган,
ботқон чоғимизда «чин бирлик» шудир деб ўйладим...





«Тановор»ни эслаб....

Ўзбек мусиқа санъати тарихи неча минг йилларга бориб тақалади. Маълум бир даврда урф бўлган йўналишларнинг баъзилари бизгача етиб келмаган. Баъзилари эса вақт ўтгани сари такомиллашиб бораверган. «Дилхирож», «Муножот», «Ушшоқ», «Галдир», «Тановор», «Баёт», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ажам» сингари кўплаб мусиқий асарлар шундай босқичлар туйфайли бизгача етиб келган.

XX асрда Фарғона водийси аҳолиси орасида «Қора сочим» қўшиғи жуда оммалашган ва у «Тановор» номи билан танилган. Шунингдек, «Тановор»ни бир неча номлар билан аташган ва шу қаторда «Энди сендек», «Адолча», «Ёввойи Тановор», «Сумбула», «Фарғонача» сингари қўшиқлар халқ орасида жуда кенг тарқалган. «Тановор» сўзи қўшиқ мазмунини шу даражада очиб берганки, уни махсус мусиқий асар сингари қабул қилганмиз.

«Тановор» мусиқаси ва қўшиғи тингловчилар юрагига хуш ёқувчи куй бўлиб, кўпгина қўшиқчилар уни севиб ижро этганлар. Уни тингланган одамда ички кечинмаларга бой, қайғу ва хурсандчилик, лирик қахрамоннинг ўз ёрига бўлган севгиси, соғинчи ва ҳижрони акс этган асар деган хулоса пайдо бўлади. «Тановор» ўзбек саҳнасининг гултожи,

Мукаррама Турғунбоеванинг ўзига хос рақсларидан биридир. Рақс мазмуни ҳаракат ва ҳолатлар орқали очиб берилган. Буюк раққоса мусиқанинг ҳаётбахш наволари оғушида қушдек парвоз қиларди. 1943 йили «Тановор» рақсини Мукаррама Турғунбоева ижросида кўрган машҳур рус актёри И.М.Москвин: «Тановор» бу сўзсиз қўшиқ» деб таърифлаган эди. «Тановор» рақсининг тамошабинлар томонидан шундай олқишлар билан кутиб олиниши Мукаррама Турғунбоева ижросидаги ўзига хос услуб ва ички кечинмалар сабабли бўлган. Бу асар рақс монолоғи сифатида раққоса ижодининг энг юқори чўққиси бўлди. Унда халқимизга хос теран маънавий жиҳатлар намоён бўлган. «Тановор» рақси ишқ, соғинч, умид,



ибо, хаё ҳижроннинг уйғунлашувидир. Уни аксарият раққосалар севиб меҳр ва масъулият билан ижро этишга интилади. Бу рақсни ижро этган ҳар бир ижрочи рақс моҳиятини ҳис қилиб, уни тушуниб ижро этсагина, томошабинлар кўнглидан жой ола билган.

Ўзбекистон халқ артисти, профессор Розия Каримова халқ рақсларига бағишланган бир қатор китобларида «Тановор»га алоҳида тўхталиб ўтган. Раққоса «Тановор» ижроси ҳақида фахр ва ҳаяжон билан ҳикоя қилган. Маҳоратли ижрочи Меҳри Абдуллаева «Тановор» кўшиғини сахнада ижро этган илк санъаткордир.

«Тановор»нинг яна бир ижрочиси, унинг ўзига хос янги кўринишини яратган ижрочи Бобораҳим Мирзаевдир. Мукаррама Турғунбоевага эса «Тановор» кўшиғига рақс тушишни таклиф қилган. Шундай қилиб, аёл қалбидаги тугёнлар, хаёлга чулганган соғинч изтироблари, умидли лаҳзалар, ўкинч ва армонлар, айрилиқ, севган ёрининг висолига етиши ҳақидаги ўйлар рақс ҳаракатлари орқали намоён бўлади. 1943 йилда ўзбек хорео-графия санъатининг ривожига ҳисса қўшган балетмейстер Евгений Барановский томонидан сахна кўринишида қўйилган, рақс «Тановор» кўшиғини янада машҳур қилди, унга бўлган қизиқиш ортди. «Қора сочим» кўшиғидаги ҳар бир жумла, рақс ҳаракатлари орқали бойитилиб, «Тановор» рақси яратилди.

Марғилонлик машҳур мусиқачи, бастакор Мама-сидиқ Мадалиев «Тановор»нинг 13 турдан зиёд ижро услубларини тўплайди. Ёшлигидан билган, эшитган Назирхон ая, Тухфахон ая, Тошхон аяларнинг мактабини ўрганади.

«Тановор»нинг ҳар бир кўриниши машҳур ва ўта иқтидорли санъат усталари Бобораҳим Мирзаев, Жўраҳон Султонов, Меҳри Абдуллаева, Ҳалима Носирова, Таваккал Қодиров, Берта Давидова, Камолиддин Раҳимов ва бошқалар томонидан юксак маҳорат билан ижро этилган.

Кўқонча ва фарғонача йўналишдаги «Қора сочим», «Энди сендек», «Асл ёринг» («Ёввойи Тановор»), «Сумбула» каби кўшиқларни Ўзбекистон халқ артисти Раҳимахон Мазоҳидова ўз услубида такомиллаштирган. «Тановор»ни Кўқоннинг Исфар мавзесида 40-йилларда Адолхон ая дутор чертиб, жуда чиройли ижро этган. Шу сабаб у бир неча номлар — «Қора сочим», «Адолхон», «Кўқонча» номлар билан аталган. У кўқонлик кўшиқчи-аёллар Ҳалимахон, Хурматхон, Ёдгорхон, Бедамхон, Кароматхон ая билан биргаликда «Тановор»ни бир неча кўринишини маромига етказиб ижро этган.

«Тановор»нинг яна бир кўриниши бўлган «Сумбула»ни Бедамхон ая дуторда зўр маҳорат билан ижро этар ва шу билан бирга ажойиб рақсга ҳам тушар эди. Санъат шайдолари бу аёлнинг иқтидорига тан беришарди.

Ўтган асрнинг 40-50-йилларида Кўқон театр сахнасида «Зебунисо» пьесаси сахналаштирилади.

Зебунисо ролини Холисахон ая ижро этади. Бу ролда у Кўқонча «Тановор»нинг яна бир тури «Эй, вой санам»ни дуторда шу даражада мукамал ижро этадики, шундан сўнг уни барча Зебунисо деб атай бошлайди. Фарғонача «Тановор» эса халқимиз хотирасига Лутфихоним Саримсоқова ижроси туфайли муҳрланган.

Шу йўсинда «Тановор» кўлаб ўзбек ижрочиларининг, сеvimли кўшиғига айланди. «Тановор»нинг ҳар бир кўриниши халқимизнинг ўлмас мусиқа дурдоналарига айланган.

**Мадина НИЗОМУДДИНОВА,
Тошкент Давлат миллий рақс ва
хореография олий мактаби магистранти**

ТАНОВОР

*Мозийдан бир садо келар кўп замон,
У бир булоқ суви, сеҳрли ҳамон.
У бордир миллат ҳам, Ватан ҳам омон,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Жисмимда очилур тарих китоби,
Олис аждодларнинг ўтлиғ хитоби,
Мусиқа оламин ажиб офтоби,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Юрак титроқ тордай нидолар қилар,
Оҳанг кўнгилларга видолар қилар,
Неча бағирларни адолар қилар,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Ҳар ўзбек қалбининг ғами-ю, оҳи,
Торни ҳам титратиб йиғлатар гоҳи,
Мукаррамахоним мангу ҳамроҳи,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Ўйнасанг юрак ҳам ўйнар танингда,
Олис аждодларинг куйлар қонингда,
Элим, шундай улуғ неъмат жонингда,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Миллат кўшиғи бу, кўнгил кўшиғи,
Бедард юракларга санчилур тиғи,
Кулиб ўйнасанг-да, бўғзингда йиғи,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*

*Дилларга бундан зўр ҳамроҳ бўлмағай,
Дунё бор эканки бу гул сўлмағай,
Бундай санъати бор миллат ўлмағай,
Тановор бу, тановор бу, тановор!*



Санжар ТУРСУН

— Сал нозланиб юрсанг-чи, эркакка ўхшамай ҳар бало бўлгур. Бунақада кимам сенга совчи қўяди? Қизнинг хусни — нозида, — дерди ўн етти ёшли қизнинг гурсиллаб юришидан оғринган онаси. Биз уни Алпи дер эдик.

— Ҳеч бўлмаса, Зулпи денглар, ахир исмим Зулфия-ку, — дерди. Қайда? Парво қилмасдик...

Алпи тенгдошлари каби хусни, латофати билан ажралиб турмасди. Юзлари офтобда қорайган, қошлари ўсма кўрмаган, сочлари қизларники каби нозик турмакланмаган эркакшода бу қиз катта-катта қадам ташлаб юрарди. Гапирганда сўзининг ярмини ютиб юборар, доимо шошиб турарди. Одатда хуснига ишонмаган қизлар тортинчоқ, уятчанроқ

бўларди, лекин у уялмас, бировга гап бермас, яна қизиғи, биттаям дугонаси йўқ эди.

У эўр кураш тушарди. Асов отга ҳам миниб кетаверарди. Хатто ёнғоқ дарахтининг учига чиқиб мевасини териб оларди.

Тошқин дарёдан сузиб ўтганини ўзим неча марта кўрганман. Яна ёлғиз ўзи катта бозорга тушиб рўзгор қиларди. Кенг томорқани бир ўзи ағдариб картошка экарди. Қўллари деҳқон йигитларнинг қўлидай йирик, дағал эди. Айниқса, саратонда юзи, бўйин, билаклари куйиб янада қизғиш рангга кирарди. Кўча-кўйда кўриб қолса, тап тортмай, «ҳа ошна», деб елкангга тушириб қоларди. О, унинг зарбасидан бир неча кун гарданинг оғриб юраверарди. Мана шунақа ажойибларнинг фаройиби, фаройибларнинг ажойиби эди Алпи.

— Сен қизни қайси эсини еган йигит хотинликка оларкан, — дерди қизнинг юриш-туришидан норози бўлган онаси.

— Э, она, намунча шу гапни такрорлайверасиз, худо барчани ўз тенги билан яратган. Бирортаси топилиб қолар... Ҳеч ким чиқмаса, ана, Холмат буванинг уйдаги йигит бор-ку, Бунёд, шунга тега қоламан.

— Вой шарманда... — дерди онаси тиззасига шапатиларкан. — Сен қиз мени бир куни тириклайин гўрга тикасан...

— Қўйинг шу гапларни, — деб онасини кучоқларди. — Она, шу йигит менга бошқача тикилади-да. Бир кун денг, елкасига кетмон билан бошлаб туширдим. Миқ этмади, бечора. Жониям тошдан экан...

— Ҳай-ҳай, бировнинг боласини нега урасан-а?

Онанинг дарди ичида эди. У бир куни йиғлаб қўшниларига ёрилди.

— Эрим билан яхши кўришиб турмуш қурувдик. Тушимда ҳам кўрмаган икки тоғнинг орасига келин бўлиб борган биринчи кунимдаёқ, дилимда кетаман деган ўй туғилдию, барчаси шундан бошланди. Аввалига қайнонам ёшликка йўйди, вақт ўтиб кўникар, деб индамади, охири пичоқ суюкка қадалгач, эримнинг ўзи уйимга кузатиб қўйди. Эрим яхши инсон эди. Ўшанда қорнимда эндигина ўзининг бор-



лигини билдириб, қимирлаб турадиган Алпим бор эди. Мен ҳам бош эгиб қайтмадим ва ўзимга-ўзим сўз бердим: болам, унда қизлигини билмасдим, ҳақиқий йигит бўлиб улғаяди, ваъдаси қасам бўлади. Бироқ мен қиз туғдим, лекин, ўша ниятимга яраша бўлдими, Алпи ўғилсифат бўлиб улғайди...

Қўшнилари аёлни овутишди, Алпини ҳам бахти очилсин, дея дуо қилишди.

Кечга томон эр-хотин гаплашиб ўтирганда она қизидан гап очди:

— Илоё, шўрлик боламнинг ҳам бахти очилсин-да, йигирма учга кирибди, — деди она маъюсланиб.

Ота оғир хўрсинди, аммо индамади.

— Опангизнинг қизи Мафтун билан тенг-да. Жиянингизнинг иккита боласи бор, — деди она худди бир нимага шаъма қилаётгандай. Ота сезгир одам эди. Онага син солиб қараркан:

— Чайналма, — деди лўнда қилиб.

— Шу, катта опамнинг ўғли Аброрга олиб берсак...

Ота яна индамади. Бироз вақт ўтиб ниманидир чамалади шекилли:

— Қизни бахтсиз қилма... Бўлди! — деди.

Ота шу сўз билан ҳамма гапни айтиб бўлганди. Шу-шу бу мавзуда бошқа гап бўлмади.

Алпи бўлса ҳамон от минишни қўймас, кураш тушишдан чарчамасди.

— Агар онаси кўнса шу қизни кўпкарига олиб кетардим, — дебди Ғофир чавандоз.

— Ўғил бўлганида, ўзимга шогирд қилиб олардим, — деганмиш Муслим полвон.

Алпига қолса кетаверарди. Бироқ қишлоқ жойнинг гапи катта бўлади. Онасини ўйлайди-да.

Кунлар ойларга ўрин бериб ўтиб борарди. Бир кун қишлоқда шундай гап тарқалди: Алпи севиб қопти. Ўшанга тегмасам, ҳар бало бўлганим бўлсин, деганмиш...

Ана энди томошани кўринг. Ўроқчининг ҳам, тракторчию кетмончининг ҳам оғзида шу гап: Алпи эсини еб қўйибди. Сен киму Оқилбойнинг ўғли Одил ким? Туя янтоқни орзулабди... ва шунга ўхшаган бир қоп гапни эркагу чол, хотину халаж елкасига ортганча ташигани-ташиган.

— Ҳа, хўп, севибсан, сал бундоқ тенг-тенги билан деган гаплар бор, — дерди бири.

— Тентаклик-да, бундан бошқа оти йўқ бунинг, — дерди иккинчиси.

— Севги бу — энгилтаклик, — деб файласуфлик қиларди кейингиси.

Бирорта одам йўқ эдики, дўстлар, Алпидаям юрак бор, уям кимнидир севишга ҳақли-ку, ҳа, энди кўнгил иши-да, биз нимаюм дердик, қўйинг, севса қиз севибди, сизларга нима, дейдиган киши топилмасди.

— Йўқ, мен ҳайронман. Алпида, на чирой бор, на бир жозиба. Ҳатто ноз ҳам йўқ, — деб ханда отарди биттаси.

— Шунга айтяпман-да, — деб бошқаси уни маъқуларди.

Эй, банда, қиз боланинг хунуги йўқ, ҳар бирида ўзига хос бир латофат бўлади, фақат уни кўра олиш

керак, дейдиган юрагида ёли бор одам йўқ эди.

— Одил шаҳар кўрган бола, — дерди бир вақтлар шаҳарда ўқиб келган олифтанамо киши. — У ёқларда қандай гўзал қизларнинг борлигини бу Алпи қаёқдан билсин. Самолётни осмонда кўрган қиз бўлса. У томонларда қизларнинг нози нақ жонингни суғуриб олади-я, бай-бай...

— Кейин, — дерди яна бошқаси муҳим бир гапни айтаётгандай аския қилиб, — Алпиям йигирма учдан ўтди-да. Ҳеч бўлмаса бир давричиси, эрта набираларига, шу Одил мени севган деб мақтангиси келгандир.

Эй, сенлардан кўра ит яхши экан, деган жўмард топилмади. Қизнинг кўнгли — бизнинг кўзгумиз-ку, нега унга лой отасизлар, сизларда инсоф борми, дейдиган софдил одам йўқ эди-да.

Қишлоқда гап ётармиди? Нариги томонда эсган шаббода бу томонга довул бўлиб ўтади-ку. Бечора Алпи, ҳамма гапни эшитсаям парво қилмасди, нукул хаёл сурарди.

— Қандай қора кунда туққан эканман, бошимда бу савдолар ҳам бормиди? — деб онаси сочини юларди. — Шунча қийналганим каммиди? Эй, Худо, нега бунча имтиҳон қиласан, — дея нола қиларди. Алпи бўлса:

— Она, бас қилсангиз-чи? Қиз бола бўлиб туғилганим менинг айбимми? Шундоқ бўлишимни у истасди, — деб кўрсаткич бармоғини осмонга қадармиш. — Энди бу савдолар ҳам унинг ёзиғи. Нега бунча куюнасиз? — дерди шўрлик қиз.

Оқилбой бўлса тоза газабланди:

— Ўғлимни номусга қўядиган у қизни қишлоқдан кўчириб юбораман, — деди узангидошларига. — Менинг ўғлим, — деди дона-дона қилиб, — кўкда учиб юрган бургут. Энди мағрур қушга ким ҳам ҳавас қилмайди, — дея бир-икки кўпол гаплардан ҳам айтиб ҳиринглаган бўлди.

Бир-иккита отахон бориб, қизга раҳм қилинг, кўзимиз олдида улғайган, меҳнатдан қочмайди, камбағаллик айб эмас-ку, кейин ўғлингизни севса, деса...

— Ўғлимни севган ҳар бир қизни олиб бераверсам, оқибати нима бўлади, — деб керилди. — Ҳе, сендақа даллолларни, — дея отахонларни қувиб солди.

Одил бўлса бир оғиз гапирмасди. Жўралари устидан кулса, юзини буриб, эзилганга ўхшаб азоб чекарди.

— Агар уйлансанг, қўлига пахта ўратиб юр, яна нозик баданларинг қабармасин, — дейишди ўртоқлари гуриллаб.

Одил ҳеч нарса демади. Одамлар унинг бу ҳолатини:

— Шаҳар кўрганда, мусофир бўлган, бировнинг дилини оғритишни истамаяпти, айниқса қиз боланинг, — деб тушунган болага чиқаришди.

Зерикарли кунлар қизгин тортишувлар остида ўтиб борарди. Бу ҳолга бобо қуёш жилмайиб нури-ни сочар, ой бўлса юзидаги доғни беркитмоқчи

Давоми 39-бетда



KULDIRIB, KULDIRIB, YIG'LATIB KETDI...

Эргаш Каримов номини эшитган ҳар бир инсон беихтиёр жилмаяди. У туғма актёр эди. Буюк актёр эди. Эргаш Каримов вафот этган бўлса ҳам, ҳамон юракларда яшамоқда. Одамларга кулгу улашмоқда. Телевизор орқали у қатнашган миниатюраларни кўрган инсонлар «рахматли зўр актёр эди» деганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Эргаш Каримов умрини санъатга, юртдошларимизга кулги улашишга сарфлади. Ҳамани кулдирди. Охирида эса йиғлатиб кетди... Актёрнинг умр йўлдоши Роза Каримова турли йилларда Эргаш Каримов ҳақида билдирилган фикрлар ва эътирофларни жамлаб «Кўш кабутар» номли китоб чоп эттирди. Куйида шу китобдан парчалар эълон қилинмоқда.

Роза КАРИМОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Биз Эргаш ака билан институтда битта гуруҳда ўқиганмиз. Бир курсда 12 нафар талаба, иккитагина қиз бола эдик. Курс раҳбаримизнинг топшириғи билан Марк Твеннинг «Том Сойернинг саргузаштлари» асаридан бир парча ижро этишимиз керак бўлиб қолди. Шунда Эргаш ака Томни, мен эса Бекке ролини ўйнадик. Шундан кейин дўстлашиб кетдик. У киши бошқалардан ўзининг вазминлиги, оғир-босиқлиги, самимийлиги билан ажралиб турарди. Биз тўрт йил сирдош бўлиб юрдик. Бир-биримизни бир кун кўрмасак туролмасдик. Шу бўлса керак-да, тақдирнинг қўшгани... Кейин мени уйига олиб бориб, оила аъзолари билан таништирди ва ўшандан сўнг тўйимиз бўлган.

Эргаш акани ҳамма жойда ҳурмати яхши қўйишарди. «Бир ўтирайлик» дея ҳали уйларига, ҳали чойхонага олиб кетишарди. У киши ҳеч қачон одам танламасди. Ҳамма билан яқин бўлиб, дардлашиб кетаверарди. Бағрикенглиги боис, ҳатто унга ёмонлик қилмоқчи бўлган, ортидан фитна уюштириб юрадиган ғийбатчиларга ҳам эътибор бермай, яхши муомала қилаверарди. Баъзан аёллигимга бориб, жаҳлим чиқиб: «Эргаш ака, намунча хокисор бўлмасангиз, ахир бу аҳволда оёқ ости бўласизку?» десам,

босиқлик билан қўл силтаб: «Парво қилма, ҳаммаси ўтиб кетади, яхши ошини, ёмон бошини ейди...» деб кўярди.

Саид АҲМАД,

Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Комик ролларни ижро этишда Эргаш Каримов ўз тенгқурлари орасида алоҳида ажралиб туради. Эргаш табиий, бачканалиқдан холи, кулги кучини маълум мақсадга йўналтирадиган ижрочидир. У «масхарабозлик» қилмайди. Жонли одам образининг хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин ичига қиради, тингловчини кулдирадиган ҳолатларни ўша образ ичидан суғуриб олади.

Розага келсак, у «Икки тийин» деган миниатюрадаги кичкинагина роли биланок, ўша пайтларда назарга тушиб қолганди. Шундан кейин жуда кўплаб эсда қоладиган ажойиб образлар яратди.

Убай БУРҲОНОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби:

— Эргаш Каримовни катта ифтихор туйғуси билан «Ўзбекнинг Райкини» дейишади. Бунақа юксак баҳо ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Чунки, Эргаш миллий комик актёрлик санъатимиз анъаналаридан баҳраманд бўлган ҳолда, ўзига хос санъат ва ижро мактаби ярата олди.

Фарҳод МУСАЖОНОВ,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Муҳиддин Дарвешов, Садир Зиёвуддинов, Хайрулла Саъдиев, Бахтиёр Ихтиёров — мана шу зоти шарифлар XX асрнинг ўрталарида Ўзбекистонда янги йўналишдаги мактабга асос солдилар.

Рўйхатнинг бошига Эргаш Каримовнинг исм-шарифини қўйганим бежиз эмас. Эргаш ижодини шу жанрга бағишлади ва умрининг охиригача унга содиқ қолди. Эргаш Каримов ўзини драматик актёр сифатида ҳам синаб кўрди, бир қатор кинофильмларда роллар ижро этди. Аммо уни томошабинлар барибир қизиқчи сифатида биладилар. Ҳурмат қиладилар.

Эргаш Каримов ижодини Розахоннинг иштироки-

сиз тасаввур этиб бўлмайд. Эргаш ўзининг энг жозибали, энг машхур, энг таъсирчан интермедияларини айнан рафиқаси, касбдоши Розахон билан бирга ижро этган. Бошқа партнёр бўлса интермедиялар бу қадар қойилмақом чиқмаслиги мумкин эди. Узукка кўз қўйгандек, деган гаплар айнан Эргаш ва Розахонга таллуқли.

**Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:**

— Олтмишинчи йилларда Ўзбекистон телевидениесида олмосли, ёлқинли бир кулгу пайдо бўлди. У ҳароратли кулгу ўша йилларда барча хонадонларга кириб борди. Унинг ўз биринчилари, ўз асосчилари бор эди. Ушандан буён телетомошабинлар Эргаш Каримов, Роза Каримова, Ҳасан Йўлдошов, Садир Зиёвиддинов, Абдурахмон Аҳмедов сингари санъаткорлар талқинидаги миниатюра театрини орзиқиб куттишарди.

Телеминиатюрани Эргаш Каримов ўз актёрлик салоҳияти ёрдамида бор бўй-басти билан намойиш қилди. Унинг характерида табиий кулгу бор, самимийлик эди. Унинг ўйчан, сатирик, комик образларида кишини беихтиёр кулдириб юборадиган ноёб хислат бор.

**Ҳусан ШАРИПОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:**

— Саҳна — ижодий баҳс майдони. Шунинг учун забардаст санъаткор ўзидан кучли санъаткор билан саҳнага чиқишни истайди.

Бир пайтлар Эргаш Каримов ҳам Ҳасан Йўлдошев билан шундай ижодий тортишувга киришарди. Бу тортишув қанчалик кучайса, томошабин шунчалик завқ оларди. Мен ҳам Эргаш ака билан ана шу кулгу майдонида тушганимда шуни орзу қилардим. У кишига интилардим, у кишидан ўргангим келарди.

**Бахтиёр ИХТИЁРОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:**

— Эргаш Каримов санъат оламида ўзини топди. Ўзига хос, такрорланмас актёр эканлигини исбот қилиб, телевидение актёри деган номга муяссар бўлди. Кўпинча мен, у сингари истеъдодли телеминиатюрочи актёрлардан яна бешта бўлганида, «Телеминиатюралар театри» бугунги кунда ҳам



халқимизга хизмат қилаётган бўлармиди, деган хаёлларга борардим. Чунки худди футбол майдонидагидек санъатда ҳам лидер керак. Лидер бор жойда эса, ҳамisha муваффақият бор. Эргаш Каримов ана шундай лидерлардан эди. Энг муҳими, у кўп сонли мухлисларга эга «Телеминиатюралар театри»нинг яратувчиларидан бири, жонқуяри сафида санъатимиз тарихида қолди.

Бир кун келиб вафотидан сўнг Эргаш ака ҳақида гапираман, деб ўйламагандим. У билан ака-укадай эдик. Бир устознинг ўғитларини олгандик, «бир қозонда қайнадик» бир сўз билан айтганда, кулгига хизмат қилдик. Эргаш Каримов ўзи кулмай кулдира оладиган том маънодаги комик актёр, ажойиб партнёр эди. Гарчи режиссёрлик соҳасида ўқимаган бўлса-да, телевидение режиссёри аталмиш мураккаб касбни ҳам эгаллай олди.

**Хайрулла САЪДИЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти:**

— Халқимиз азалдан кулгусевар. Кўзларида алам ёшлари қалқиб турган пайтда ҳам дилида кулгу сўнмаган. Аскиялар, қизиқлар, масхаралар, лофларнинг тарихи ҳам шундан далолат беради. Ана шулар сафига эндиликда яна бир кулгу кўшилди. Бу хандалар, хангомалар, ичакузди ҳикояларни саҳна, экран орқали жонлантириб беришда пайдо бўладиган кулгидир. Ушбу кулгининг усталаридан бири эса, Эргаш ака эдилар. У киши ҳақиқий санъаткор эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон қалбида табассум уйғота оларди. Шундай ажойиб инсон билан ҳамқам бўлганимдан бахтиёрман.





Muzeylar – MA'NAVIYAT O'CHOG'I

«Гулистон» журналининг шу йил 2-сонида эълон қилинган «Ёшлар маънавиятини шакллантиришда музейларнинг тутган ўрни» сарлавҳали мақолани ўқиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Ота-оналар, устоз ва мураббийлар ёш авлодни музейларга олиб боришлари, уларнинг таассуротлари мени бир журналхон сифатида бефарқ қолдирмади. Мен ҳам Наманган вилоятидаги музейлардан бири ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Фарғона водийсидаги илк музейлардан бири бўлган Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейининг бугунги муваффақиятларидан ҳар қанча фахрлансак оз. Чунки, собиқ тузум даврида музейлар фаолиятида бир ёқлама муносабат ҳукм сурган эди. Музейлар фаолияти фақат тарғибот ишлари билан чекланиб қолган эди. Музейда тадқиқотчилик, экспонатлар тарихини ўрганиш, шунингдек, педагогика иши билан деярли шуғулланилмас эди.

Музей халқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятларини тўплайди, сақлайди ва намойиш этади. Авваллари бу муҳим жиҳатга аҳамият берилмасди. Юртимиз мустақилликка эришгач, музейларда халқимиз тарихи, маданияти бор бўйича акс эттирилди.

Боболаримиз бизга мерос қилиб қолдирган моддий, маданий ёдгорликлар тикланди. Ёшларга она юртимиз тарихини нафақат дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари, балки музей ёрдамида ҳам чуқур ўргатиш ва тарғиб этиш изчил йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда ёш авлод ҳам тарбияси, маънавий қомолотига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор берилмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида музейларнинг маънавий ва маданий меросимизни тиклаш, миллий ўзликимизни англашдаги аҳамияти беқиёс даражада ўсди.

Шубҳасиз, бу борада Президентимизнинг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Бу Фармон музейлар тизимида катта ўзгаришлар ясашга, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб экспонатлардан миллий ғурур ва ифтихор, садоқат туйғуларини кучайтиришга, жойлардаги маданият идоралари ва музейлардаги ишларни жонлантиришга асос бўладиган муҳим ҳужжат сифатида юзага келди.

Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейида олиб борилаётган кузатишлар шуни кўрсатадики, музейлардаги ноёб экспонатлар орқали халқ онгида умумбашарий қадриятларга, улкан ва бой миллий ҳамда маданий меросимизга ҳурмат, эҳтиром туйғуларини тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилган. Негаки, Фарб мамлакатларида фаолият кўрсатаётган аксарият музейлар бугун ўзига хос кўнгилочар масканларни ёдга солади. Баъзи мутахассисларга бу ижобий жараён бўлиб туюлиши мумкин. Чунки ташриф буюрувчиларнинг кўпайиши катта даромад келтиради. Аммо бу тажриба музейларнинг жамиятдаги мавқеини пасайишига олиб келмоқда. Натижада ташриф буюрувчилар орасида тарихий ашёлар, ноёб экспонатларга бўлган қизиқиш сўниб бораётир. Айтиш жоизки, бизнинг музейларнинг олдида турган асосий вазифа халқимизнинг тарихи, маданияти, санъати, миллий қадриятларини тарғиб қилишга қаратилган. Бугунги кунда «музей педагогикаси», «музей режиссураси», «музей менежменти ва маркетинги» деган иборалар урф бўляпти. Музей педагогикаси педагогика, психология ва музейшуносликнинг ўзаро уйғунлиги натижасида шакллانган фан йўналиши ҳисобланади. Унинг олдида турган вазифалар кўп қиррали бўлиб, ташрифчиларни музей масканида намойиш қилинаётган воқеа ва ҳодисаларни ҳис қилишга, эшитишга, мулоҳаза қилишга ва сабоқ олишга ўргатади.

Музейларда ўтадиган турли авлодлар учрашувлари ва арбоблар билан ўтадиган мулоқотлар учун шарт-шароит яратиш эса адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, донолик ва нодонлик, ҳақиқат ва бўҳтон каби тушунчаларнинг моҳиятини англашда муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, ёшларимизнинг музейимизга ташрифи орқали уларда ватанпарварлик, миллий ғурур туйғулари шакллантирилади.



Музейнинг мактаб ва коллежлар билан узвий алоқалари мустақамланаётганлиги, турли фанлар бўйича очиқ ёки маълум бир мавзуга бағишланган маърузалар асосида дарслар ўтиллаётгани ўқувчиларга синфда сабоқ олишдан фарқли ўлароқ мавзу юзасидан эркин мулоқотда бўлиш имконини беради. Яъни, ўқувчилар дарсликдан ташқари музейда кўрган ва эшитганларни ҳақида маълумот олади. Бу эса ўз навбатида ёшлар тафаккури шаклланишида, маълумотлар базасини кенгайтиришида ва мустақил фикрлашга ўрганишда муҳим босқич ҳисобланади. Қолаверса, ўқувчи ўтилган мавзунини узоқ муддат хотира-

сида сақлаб қолишга эришади. Чунки, инсон хотирасида ўқишга нисбатан кўриб эслаб қолиш қобилияти кучли. Наманган санъат коллежининг тасвирий санъат бўлими ўқувчилари амалиёт дарсларини вилоят ўлкани ўрганиш музейида ўтадилар. Музей экспонатлари ўқувчиларга илҳом манбаи бўлиб, улар



асосида турли эскизлар чизишди. Коллеж билан музей ўртасида шартнома тузилган бўлиб, ўзига хос ижодий ҳамкорлик вужудга келди. Бу йўналишда ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Жиддий изланиш ва тажрибалар орқали ушбу йўналишни ривожлантириш ва катта натижаларни қўлга киритиш галдаги вазифалардандир.

Музей таъмирланиб, ўзгача чирой касб этиб, ташрифчиларнинг сони кундан-кунга, йилдан йилга ортиб бормоқда. Музей ўзи ишлаб топган маблағи ҳисобига экспозиция залларини бойитиш имкониятига эга бўлди. Шу тариқа ривожланишнинг янги босқичида моддий ишлаб чиқариш соҳасига ўтиш учун имкониятлар пайдо бўлмоқда. Зеро, бугун музейнинг вазифаси нафақат маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш, балки бу меросни замондошларимизнинг ижодий фаолияти орқали янада бойитишдан иборат.

Энг муҳими, бугун музейдаги ижодий ишга янгича ёндашув талаб этиляпти. Бунда экспонатлар жамғармасини каталоглаштириш, экспозицияларни янги методологик нуқтаи назардан такомиллаштириш, музей қошида ижодий ишлаб чиқариш жамоаси ташкил этиш, таъмирчилар фаолиятини ривожлантириш қабиларга эътибор қаратиш самарали натижа бериши аниқ.

Бу юксак маънавият ўчоғида экспонатларни, осори-атиқаларни ўзгача меҳр ва қизиқиш билан томоша қилаётган турли ёшдаги ҳамюртларимизни, шаҳримиз меҳмонларини кўриб, эзгуликнинг абадийлигига ишондик. Чунки тарихимизни чуқур ўрганиш, миллий қадриятларимиздан таҳсил олиш бизни руҳан бойитади, маънан юксалтиради. Миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат туйғулари устувор бўлади.

Алижон АЗИЗОВ,
санъатшунослик фанлари номзоди,
доцент



Vafo bog'iga eksam chetchaklar

Шарифа САЛИМОВА

ОРЗА

Яшил либосларни кийдиринг менга,
Гўзал баҳорларга ўхшайин бир зум.
Ялпизлар сувига ювай сочимни,
Чучмома кўзига термулганча жим.
Мажнунтол, қўй энди ишқ савдосини,
Бир нафас кел сен ҳам бошингни кўтар.
Сен ҳам баҳорларга айлансанг энди
Ишқнинг жароҳати кўксингдан кетар.
Булбул, чах-чахлама бир нафас сен ҳам,
Кел, менинг юрагим тубига қўй бош.
Шунда кўрадурсан оққан наволар
Сехрига булбуллар беролмас бардош.
Оппоқ гуллар ила чулганган дарахт,
Кел, менга муҳаббат айлагин изҳор.
Менинг кўшиқларим сенга аталган,
Менинг юрагимда баҳорларим бор.
Қалдирғоч, кел менинг кўлларимга кўн,
Қаро қошларингни силайин суйиб.
Мен ҳам юксакликда қанот қоқайин
Сен каби қорақош қалдирғоч бўлиб.
Дунё ташвишини унутай бир зум,
Баҳор оғушида ором топсин жон.
Азизим, баҳорим, сенга ўхшашга
Қизганмай менга бер бир лаҳза имкон.

ОНА, НЕГА БИР СЎЗ ДЕМАЙСИЗ?

Она, нега бир сўз демайсиз,
Ва сувратдан термуласиз жим...
Дийдорингиз соғиниб беҳад,
Ўқсиб-ўқсиб йиғлайди кўнглим.
Изингизни кўмсаб остона,
Кеча-кундуз йўлга қарайди.
Сизни истаб садарайхонлар
Сочларини тинмай тарайди.
Хуш исини оламга ёйиб,
Сизга ҳар кун тутмоқчи бўлар.
Сизни топмай, кўзда ёш ила
Яна қайтиб кетар турналар.
Она, нега бир сўз демайсиз,
Соғинч тилар тинмай жонимни.
Бир нафаслик дийдорингизга
Берар эдим хонумонимни.
Тушларимга кирасиз гоҳо,
Олам ипак нурларга тўлар.
Тизангизга қўйиб бошимни
Аллангизни тинглагим келар.

БУҒУН

Бугун асли шундай кун экан,
Омад сизга кийдирганда тож.
Қаршингизга бошини эгиб
Кириб келди таниш дил — муҳтож.
Бир чеккада қимтиниб турди,
Кўзларидан оқди дарёлар.
У бор-йўғи сўради меҳр,
Керак эмас эди дунёлар.
Чиқиб кетди сўнг у жимгина
Ғам лойига қайтадан ботиб.
Ва қилмайин заррача гина,
Ишончини туфроққа отиб.
Кетаверди ортга қарамай,
Туйғулари ташлайверди пўст...
Изларида йиғлади нидо:
— Сиз ҳеч кимга бўллоймайсиз дўст.

* * *

Ёраб, дедим ман, наво яратди,
Васлига муштоқ гадо яратди.
Надур ишқ дедим, гадога аңлат,
Тоғлардан қайтган садо яратди.
Ишқи илохий жонимни ёқар,
Чун қалбда дашти Карбало яратди.
Кўзларим қони туфроққа томса,
Лоладек бағри қаро яратди.
Вафо боғига эксам чечаклар,
Жонимни қийнаб жафо яратди.
Турфа савдолар кечмиш бошимдан,
Чун Ишқни бошга бало яратди.
«Қилманг мени ишқ учун маломат,
Чун ишқни ҳам Худо яратди».¹

ЯНГИ ҲАЁТ — ЯНГИ МУҲАББАТ

Юрак, юрак, не бўлди сенга,
Чалкаш бўлди ҳаётинг қай дам.
Янги ҳаёт эпкинларида
Сен унутдинг ўзлигингни ҳам.

Гўё ўтмиш мисли бир рўё:
Унут бўлди кўҳна муҳаббат.
Унут бўлгач меҳнат ва ором
Сезмай қолдинг келганин кулфат.

Тизгин билмас қамраб олган куч,
Ва гўзаллик — ўқилмаган сир.
Янги севги қошида наҳот
Тобутгача бўлдинг сен асир?

Наҳот энди барчаси абас,
Асирликка маҳкумман наҳот.
Ирода-ю кесик қанотлар...
Ўша йўлга элтажақдир бот.

Оҳ, бир қаранг ва айланг халос,
Вужудимни чирмаб олган тўр.
Бу сехрли, нозик ип аро
Зўрға нафас оляпман ахир.

Асирликнинг сирли қафаси —
Ноз-истиғно билмайди шафқат.
Бадном қилмай, қилмай шармисор,
Қўйиб юбор мени муҳаббат!..

¹ ГЁЕдан

Gul burkangan bo'stonlarga yetdik biz



Гулистон МАТЌУБОВА

ШИҲДАЙ ЭРКИН ЗАМОНЛАР...

Эл кўнглини келажакка кўчириб,
Дилдан ўтмиш доғларини ўчириб.
Яхши ният қушларини учуриб,
Озод, обод маконларга етдик биз.

Аждодларнинг ҳикматидан нурланиб,
Дунёларнинг нигоҳида сирланиб,
Истиқлолнинг нафасидан ҳурланиб,
Етти иқлим жаҳонларга етдик биз.

Улуғларин ҳар сўзи ҳикмат бугун,
Ўғил-қизин қалбида қудрат бугун.
Янгиланган ҳар гўша жаннат бугун,
Гул бурканган бўстонларга етдик биз.

Эл кўркида ҳар оила меҳри бор,
Орзуларда озодликнинг сеҳри бор.
Мустақиллик деган ўчмас муҳри бор,
Улуғ тахти раволарга етдик биз.

ОШЛАМ ХОШИРАСМҲА

Отамни йўқотиб узум шохлари,
Меҳрла ўстирган қўлларни кутди.
Тўзиб кетди бирдан хазон тахлари,
Бу қачон бўлганди? Наҳот унутдим...

Ўчоқда сўнаётган оловга боқиб,
Кўзларим ёшини ичимга ютдим.
Ярмиси ўқилган китобни ёпиб,
Варақлар ичидан отамни кутдим.

Мунғайиб қолгандай кўзойнаги ҳам,
Китобнинг устида ёлғиз мўлтираб.
Кўкчой совиб қолган, оқ чойнаги ҳам,
Пиёлага сокин суяниб турар.

Салқин боғ устига кўтарилар ой,
Нурлари тўкилар отам изига.
У шивирлар менга сўзлар пойма-пой,
«Отанг учиб кетди ўз юлдузига».

Осмонга боқаман, юлдузлар чақнаб,
Кўзларим ичига чўқади.
Гўё сочим силаб, юпатиб мени,
Отамнинг меҳрини тўқади.

Йўк, мен унутмадим, ҳар кун хотира,
Боғни куз, бизларни ташлаб кетди отам.
Мен совуқ дарчага юзларим боссам,
Совуқ сукут билан юпатди хонам.

Ташқарида эса менга кўшилиб,
Йиғлади барглари тўкиб бодомлар.
Азиз хотирага мунгла эшилиб,
Юпатди отамни билган одамлар.

Қанча йиллар ўтди, ортга қарайман,
Ҳам оддий, ҳам улуғ Ота эдингиз.
Сиздай эл қорига мудом ярарми,
Изингизда қолган фарзандларингиз?

Бугун боғингизни парвариш этар,
Аҳмад отли жасур бир неварангиз.
Умр ўтиб кетар, юлдуз ярқ этар,
Демак ўлмадингиз, яшаяпсиз сиз...

КҲЗ СОҒИНАЧИ

Хазонлар айланар бошим устида,
Оёғим остида эзилар япроқ,
Шукур, сенга яна етишдим, кузим,
Сени кутдим, кутдим мен узок.

Минг ранг товланади бағрингда сенинг,
Сўнгра олов бўлиб ичимга кирар,
Узилган ҳар бир барг боғлар ҳикмати,
Кўнглим тўлдирар, кўзим тўлдирар,

Бир томчи ёмғирдай беғубор даминг,
Қўлларимни ушлаб бир кўшиқ бошлар.
Намхуш ҳаволари сулув кўкларнинг,
Бугун олтин ипли гиламин тўшар.

Олтин гиламларга бағримни босиб,
Кучоққа оламан олтин барглари.
Сизни соғинаман, умидлар тошиб,
Юрагимда тиклар олтин аркларни.

Фақат нур тўқади замин устида,
Олтин япроқлардан тикланган сарой.
Ғариб бир куз кезар осмон остида,
Унинг суянчиғи — тун султони Ой...

КҲНҒИЛ ОЛАМИ

Бағримга босаман,
У ўша сурат,
Менга боқиб турар жуфт ўтли нигоҳ,
Нимадир айтмоқчи титраган лаблар,
Мени куйдирмоқчи бўлган эҳтирос.

Кўзлардаги у сирли кўшиқ,
Сукут бўлиб жаранглаб турар.
Дарёларнинг тўлқини каби,
Кўнгил ойнасини синдирар.

Энди ўша йўллар орқада,
Майли, майли, бу дардга малҳам.
Фақат озроқ чўқар елкалар,
Кулгичларни оралар ўрам.

Майли, дарё олсин йилларни,
Кўнгил оламини олмасин.
Йўқотмайлик нафис кулгичларни,
Уни майда ажин босса ҳам.

Қайтиб келсин яна ўша кун,
Умр ипи тортилсин маҳкам.
Биз барибир умр ипларин,
У дунё, бу дунё учун ҳам
Боглағамиз ахир мустаҳкам...

Gullar shahrining nafosat maskani

Хар бир шаҳарнинг эл-юртда машхур, обрў-эътиборли, миллий маданият ривожига, ёш авлод тарбиясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган маданий-маърифий даргоҳлари бўлади. Илмий муассасалар, олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари, театрлар, концерт заллари, кутубхоналар, сўлим оромгоҳлар, олис мозий нафаси уфуриб турган зиёратгоҳлар шулар жумласидандир.

Юртимизнинг барча шаҳарларида бўлганидек, Наманганда ҳам бундай жойлар оз эмас, албатта. Истиқлол йилларида уларнинг сони янада кўпайиб, вилоятнинг маънавий мавқеи, маърифий салоҳияти ва шўхратини оширишда ўзининг муносиб ўрнига эга.



Наманган санъат коллежи нафақат вилоятда, балки Фарғона водийсида ҳам ўз ўрнига эга ана шундай таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Пойтахтимиз Тошкентда ўтказиладиган Мустақиллик, Наврўз умумхалқ байрамлари тантаналарида, вилоятда ўтказиладиган анъанавий навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик, «Ҳосил байрами», «Гул байрами» тадбирларида, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинлари ва бошқа кўпдан-кўп танловларда коллеж ўқувчилари ўзларининг истеъодларини намоён этмоқдалар. Тажрибали мураббийлар жамоаси ўқув-тарбия ишларини янги сифат босқичига кўтариш, самардорлигини таъминлаш, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни фаол жалб этиш, ҳар бир талабанинг индивидуал хусусияти ва ижодий иқтидорини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш учун тинимсиз иш олиб бориб, эътиборга молик натижаларга эришмоқдалар.

Бу даргоҳга ўз касбига меҳр қўйган фидойи

мураббий, моҳир ташкилотчи Нортожи Юсупова раҳбар бўлиб келганидан кейин бу ишлар янада ривож топди. Раҳбарнинг ташкилотчилик маҳорати, ишчанлиги, жамоа аъзолари билан самимий муносабати, ютуқ-камчиликларни олдиндан кўра олиш, холис таҳлил қилиш, тўғри хулоса чиқариш қобилияти, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги, фақат шу кунни эмас, яқин келажакни ҳам ўйлаб иш тутиши жамоанинг янги ютуқларига замин бўлди. Улар билан ёнма-ён ишлаётган кўплаб устозлар санъаткорлик касбининг масъулиятини тўла англаб, ёш ижрочилар маҳоратини ўстириш билан бирга, уларни ўз фарзандларидай асраб-авайлаб тарбия қилаётганлари гоят қувонарлидир.

Коллежда кейинги йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 400 ўринли ўқув биноси, 200 ўринли талабалар турар жойи, 300 ўринли концерт зали, 120 ўринли кичик концерт зали тўла таъмирланди, янги хореография ўқув-машғулот биноси, 80 ўринли ошхона замон талабига мос равишда қуриб битказилди.

Ҳозирги кунда коллежда 4 нафар давлат мукофоти соҳиби, 3 нафар Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими аълочиси, 31 нафар олий тоифали ва ўнлаб ёш малакали ўқитувчилар фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Нортожи Юсупованинг ташаббуси билан вилоятлардаги турдош ўқув юртлари орасида биринчилардан бўлиб бу даргоҳда актёрлик санъати, дизайн, эстрада хонандалиги, анъанавий хонандалик, академик вокал бўлимлари очилди ва улар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Айниқса, миллий хореография санъати кафедраси жуда кенг ривожланди. Терроризмга ва ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, одам савдоси ва жиноятчиликка қарши кураш мавзуларида коллеж ўқувчилари томонидан «Ажал дарвозаси», «Йигит йиғламасин дунёда», «Заҳарли томчи», «Бозорнинг беозор болалари», «Қабоҳат», «Алвидо болалик» каби спектакллар саҳналаштирилиб, вилоят ёшларига намоийш этилмоқда.

Коллеж маъмурияти ўқув тарбиявий ишларни бугунги кун талаби даражасига кўтариб, коллежнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга, бутун диққат-эътиборини тайёрланаётган кадрларнинг сифат даражасини кўтаришга қаратиб келмоқда. Ҳозирги кунда коллеждаги барча йўналишлар бўйича синф хоналари жаҳон андозаси талабларига жавоб бера оладиган чолғу асбоблари билан таъминланган, умумтаълим фан хоналари маҳаллий ва Жанубий Корея кредит лойиҳаси асосида муси-

кий лингафон, физика, биология, кимё, информатика синф хоналари ва ўқув лабораториялари тегишли жиҳозлар билан таъминланган.

Коллежда ўқув машғулоти эрталабки сафланишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижроси билан бошланади. Шундан сўнг гуруҳлар давомати, ўқувчиларнинг формаси назоратдан ўтказилади. Фаол гуруҳлар рағбатлантирилади. «Маънавият — билим булоғи» шиори остида гуруҳларнинг чиқишлари ташкил этилади.

Коллеж педагогик жамоаси олдида турган бугунги энг муҳим вазифа ўз касбининг мохир усталари, ҳар томонлама билимдон, имон-этиқодли, Ватан ва халқ ишига садоқатли фидойи ёшларни тарбиялаш, мамлакатимизда мусиқа санъати ривожига муносиб ҳисса қўшишдир.

Санъаткор, энг аввало, миллатпарвар бўлиши керак. У халқнинг ҳурмат-этибори, меҳри, олқишлари боис элда ном қозонаётганини унутмаслиги, ортидан келаётган шогирдлари унинг ҳар бир хатти-ҳаракатига баҳо беришини ҳисобга олиши за-



рур. Элимизнинг ардоқли санъаткорлари айни шундай фазилатларга эга инсонлар эди. Ҳар гал республика миқёсидаги танловларда, умумхалқ байрамларида Наманган вилоятидан келган ижодкорларнинг юксак ижро маҳорати билан бирга намунали сахна одоби ва маданиятига гувоҳ бўлганимда, наманганлик ёш ижодкорлар улуғ устозлар йўлидан оғишмай бораётганларидан хурсанд бўламан.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда мусиқа ва ижрочилик санъатимиз ўзининг асл, миллий ўзанига қайтди. Бу ютуқда ёш ижодкорларни тарбиялаб, улуғ санъат оламига етаклаётган Наманган санъат коллежи фидойи устоз-мураббийларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Йўлингиз Наманганга тушиб, ҳазрат Алишер Навоий номидаги кўчадан ўтиб қолсангиз, дилларга ором бағишловчи куй-қўшиқлар таралаётган муҳташам бинога, албатта, кўзингиз тушади. Бу бино гуллар шахрининг нафосат ва назокат масканидир.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



BOG'INI SO'RAB QO'YING

Бугунги ахборот асрида ёшлар маънавий оламига таъсир этувчи омиллар жуда кўп. Бу таъсир ижобий бўладими, салбийми, ўз натижасини кўрсатмай қолмайди. Ана шу омиллар ичида интернет ҳозирги пайтга келиб ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб қолган. Хўш, интернет ўзи нима?

Албатта, у бизнинг энг яқин кўмакчимиз ва ҳамроҳимиз. Боиси, интернет бизни қийинчиликлардан қутқаради. Масалан, ҳаётимиз давомида бирор тушунарсиз атамага дуч келсак, керакли манбаларни изласак, хаёлимизга кутубхона билан бирга интернетдан фойдаланиш фикри келади. Демак, интернет биз учун фойдали хазина деб хулоса қилишимиз мумкин. Аммо масалага фақат бир томонлама ёндашиш тўғри эмас. Тириклик рамзи бўлган сув баъзида тошқинга айланиб, катта талафотга сабаб бўлади, ёки оғиримизни енгил қилувчи олов ёнғинга айланганда қанча одамларга зарар етказиши.

Интернетнинг дўстга ёхуд энг хатарли душманга айланиши ундан қандай, қай мақсадда фойдаланишга боғлиқ. Ватанимиз тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлигини кўра олмайдиган айрим ташқи кучлар интернет ёрдамида халқимиз, хусусан, ёшлар онгини заҳарлашга ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунда дунё мамлакатларида кузатилаётган нотинчлик ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бундан манфаатдор кучлар асосий ишларни интернет орқали бажараётгани ҳақида аниқ маълумотлар берилди. Демак, хулоса қилиш мумкинки, интернет бугунги кунда бунёдкор ва вайронкор ғоялар бирлашган тармоққа айланиб бўлди.

Ҳар куни-тоқ уриши оқибатида бутун дунёда тўрт нафар одам вафот этар экан. Лекин бу факт электр токидан воз кечишимизга сабаб бўла олмайди. Демак, биз ҳам салбий жиҳатларини рўқач қилиб интернетдан воз кечолмаймиз. Бизнинг олдимизда турган асосий масала ёт ғояларга қарши иммунитетни шаклландириш, маънавияти юксак, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қарайдиган авлод бўлиб шаклланиш. Ана шунда кўзлаган мақсадларимиз амалга ошади.

Захро НАМОЗОВА,
Тошкент ахборот технологиялари
университети қошидаги академик лицей
ўқувчиси

MAQSADIMIZ – QO‘SHIQCHILIK SOHASIDA MA‘NAVIYATNI OSHIRISH

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан кейинги йилларда бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Хонандаларнинг жонли ижрога ургу бераётгани ҳам қувонарли ҳол. Вилоятлар мусиқа ва санъат мактабларининг самарали фаолият олиб бораётгани ва кўплаб иқтидор эгаларининг юзага чиқишида Бирлашманинг ўрни катта. Биз «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Ахборот таҳлил ва матбуот хизмати бўлими бошлиғи Музаффар Сайфуллаев билан эстрада санъатининг айрим жиҳатлари борасида суҳбатлашдик.

— Сўнги пайтларда баъзи санъаткорларнинг мухлислари хонандалар концертда жонли ижро этса-да, рекламада «Фонограмма орқали ижро этилади», деб ёзишяпти, аслида жонли ижро бўлди, деган фикрларни эшитяпмиз. Нимага концертлар афишасида фонограмма эълон қилинадую ижро жонли бўлади?

— Бу қутилмаган вазиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган меъёрий йўл. Хонанда ёки ижодий гуруҳ билан (овозида ёки бетоб бўлиб қолиш ҳолатлари) бирон муаммо юзага келиб қолган тақдирда эътирозлар бўлмаслиги учун, афишаларга «Фонограммдан фойдаланилади» деб ёзилади. Аслида Бирлашма сўнги пайтларда ижронинг жонли бўлишига катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг жорий йилдаги концерти 20 кундан ортиқ бўлишига қарамай охиригача тўлиқ жонли ижрода ўтказилди. Яна бир тўлиқ ҳолда жонли тарзда ўтказилиши режалаштирилаётган концертга катта тайёргарлик кўриляпти. Бу хонанда Шўхрат Дарёнинг яккахон концерти. Хонандага амалий ёрдам сифатида "Туркистон" концерт саройининг репетиция зали ҳамда мусиқа асбоблари ажратилган. Бундай дастурлар кейинги йилларда яна ҳам кўпайиб боради. Мухими, афишада қандай ёзилишида эмас, дастурнинг сифатида. Ҳозир мухлисларнинг ҳам томоша маданияти юқори. Улар ижродаги, чолғудаги фонограммани тез илғаб олишади. Концерт тугамасдан зални тарқ этиш ҳолатлари камайган. Охиригача томоша қилиб, хонандани қарсақлар билан олқишлаб, кейин залдан чиқиб кетишмоқда.

— Ёшлар орасида эстрада йўналишида ижод қилиш мақсадида бўлганлари жуда кўп. Уларни кўллаб-қувватлаш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Ёш иқтидорларни топиш ва уларнинг тажрибасини ҳозирданок ошириб бориш мақсадида мусиқа ва санъат мактабларида турли танловлар ўтказиляпти. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасида фаолият олиб борадиган таниқли хонандалар вилоятлардаги мусиқа ва санъат мактабларига бириктирилган. Улар танловларда иштирок этишади ҳамда голибларни ва ўз иқтидори билан бошқалардан ажралиб турган бўлажак санъаткорларни бизга таклиф қилишади. Биз уларга кўшиқларни беғул ёзиб олиши учун студиялар ташкиллаштириб берамиз. Жорий йилда Хоразм вилоятида худди шундай ишлар амалга оширилди ва бу ёшлар вилоятнинг катта байрам

тантаналарида чиқиш имкониятини қўлга киритишди. Бундан ташқари, таниқли эстрада хонандалари ва ёш иқтидорлар ўртасида устоз-шогирд аъналаридан давом этмоқда. Хонандалар мусиқа ва санъат мактабларида ўтказиладиган ижодий кечалар ва маҳорат дарсларида иштирок этишмоқда.

— Бир йилда Ватан мавзусида кўплаб кўшиқлар яратилади. Уларнинг айримлари оммалашмаётгандек, ўзбек эстрадасининг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, уларни эфирда тез-тез тарғиб қилмасдан оммалаштиришнинг иложи йўқ. Бу масала ҳам «Ўзбекнаво» томонидан ўрганилганми?

— Чиндан ҳам, ҳар йили Ватан мавзусида кўшиқлар яратилади. Албатта, тингловчилар уларнинг сарасини ажратиб олади. Биз айнан сара кўшиқларни тўғлам ҳолига келтирганмиз ва юртимиз бўйлаб ўтказилаётган тадбирларда улардан фойдаланамиз. Бу ҳам ватанпарварлик руҳидаги кўшиқларни тарғиб қилишнинг яхши йўли.

— Айни пайтда хонандаларга лицензия олиш учун қандай талаблар қўйилади?

— Лицензия олиш мақсадида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасига мурожаат қилган хонандалар томонидан ўрнатилган тартибда ҳужжат топширилади ва Миллий эстрада санъатини ривожлантириш Кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳига кўриб чиқиш учун киритилади. Ҳаваскор хонандалардан тортиб профессионал санъаткорларга ҳам бир хил талаб қўйилади. 2014 йилнинг май ойидан бошлаб янги механизм жорий этилди. Илгари хонандалар ўзлари тўғрисида маълумот ва кўшиқлар ёзилган дискларни тақдим этишарди. Улар ўрганилиб, шу асосда уларга лицензия бериларди. Эндиликда эса, лицензияга эга бўлмоқчи бўлган хонандалар Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи олдида жонли ижрода ўз маҳоратини намоён этиши талаб этилади. Ижро билан бир қаторда кийиниш масаласидан тортиб, ташқи кўринишгача эътибор қаратилади. Бу лицензия олмақчи бўлган хонандаларнинг ижро имкониятини яхшироқ ўрганиш имконини берапти. Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилгандан сўнг ижрочи билан Лицензия битими имзоланади. Лицензия битимида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва лицензиат ҳуқуқ ва мажбуриятлари, санъаткор одоби, давлат тадбирларида иштирок этиши, концерт-томоша фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ўрин олган.

— **Жуда кўп яхши кўшиқлар қаторида матни саёз бўлган кўшиқлар ҳам учраб туради. Бу камчиликни бартараф этиш, хонанда, бастакор ва шоир ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун қандай ишлар қилинмоқда?**

— Бу масалага Бирлашма томонидан жиддий ёндашилмоқда. Чинакам санъат асарларини яралишига туртки бериш, шоир, бастакор, хонанда ҳамкорлигини янада яхшилаш борасида йил давомида пойтахт ҳамда вилоятларда қатор тадбирлар ўтказилди. Профессинал бастакор, шоир ҳамда хонанда ҳамкорлигида қирқдан зиёд янги кўшиқлар яратилди. Бу борада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган ва улар билан биргаликда «Ягонасан, Ватан!» деб номлаган шеърий тўплам нашр этилди. Бу шеър танлашда қийналаётган хонандаларимизга яхши ёрдам бўлади, деган умиддамиз.

— **Айрим кўшиқ ва клиплар эфирга чиққач танқидга учрайди. Уларни эфирга кетмасидан олдин қайта ишлашнинг, бартараф қилишнинг иложи борми?**

— Бирлашма кўшиқнинг матнига, мусиқасига таҳлил кўзи билан қарайди. Лекин клип эфирга берилишида Бирлашма кўригидан ўтмайди. Шундай бўлса ҳам биз бу масала билан алоҳида шуғулланамиз ва эфирга кетаётган кўшиқлар мунтазам равишда мониторинг қилиб борилади. Агар бирорта кўшиқ матни ёки клипи борасида эътироз пайдо бўлса, хонандалар бирлашмага чақирилади ва улардан тушунтириш хати олиниб, кўшиқнинг эфирга узатилишини тўхтатиш бўйича МТРКга билдириш берилади. Бу давлат ва нодавлат телеканалларига ҳам бирдек тааллуқли. Бирлашмада клипларни эфирга кетишидан олдин таҳлилдан ўтказиш масаласини ҳам кўриб чиқдик ва махсус ҳаракат дастури ишлаб чиқилди ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинди. Бунда биз «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси негизида ягона бадий кенгаш тузишни таклиф қилдик. Кенгаш аъзолари учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясидан, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Маҳалла жамоат фондидан масъул вакиллар таклиф қилишни ва шу кенгашнинг назоратидан ўтгачгина клип эфирларга берилишини ўйлаб қўйганмиз. Шунга эриша олсак, клипнинг маънавий жиҳати юқори бўларди.

— **Ўзбек кўшиқчилиги санъатида азалдан саҳна, санъаткорнинг ўзига хос қийиниш маданияти бўлган, лекин охириги пайтда хонандалар орасида бу кадритларни четлаб ўтаётганлар учраётгандек...**

— Бирлашма томонидан ҳар ой эстрада хонандалари жамланиб давра суҳбатлари, маънавият дарслари ва бошқа анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Хонандаларни ҳам йиғилишларга жалб қилганда гуруҳларга бўлиб, устоз санъаткорлар алоҳида, эндигина санъатга кириб келаётган хонандалар алоҳида. Чунки уларга бир хил гапларни гапириш тўғри келмайди. Турли мавзулардаги йиғилишлар Бирлашма сайтида узлуксиз ёритиб борилади. Санъаткорлар орасида юз бераётган камчиликлардан тортиб куннинг долзарб мавзуларигача кўриб чиқилади. Маъруза ўқиш учун сиёсий журналистлар, мусиқий танқидчилар ҳамда бошқа профессор-ўқитувчиларни жалб қилиб келмоқдамиз.

— **Бирлашма томонидан қандай лойиҳалар режалаштириляпти?**

— Бизнинг йиллик режамизда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий тадбирларимиз бор. Концерт дастурларини ўтказишда томошабин ва мутахассисларнинг фикрини ўрганамиз. Миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, иқтидорли ўғил-қизларни кашф этишга қаратилган кўрик-танловлар уюштириш, Бирлашмада ва Республиканинг ҳар бир ҳудудида режа асосида замонавий талабларга жавоб берадиган овоз ёзиш студиялари фаолиятини йўлга қўйиш, эстрада хонандаларини Ўзбекистон санъат ва маданият инс-титутигадаги малака ошириш марказида малакаларини оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Нилуфар ҲАЙИТОВА суҳбатлашди



Туроб НИЁЗ

Тўртликлар

* * *

Ватанни шунчаки суйиб бўлмайди,
Меҳру дийдорига тўйиб бўлмайди.
Нақадар азиз у, тенгсиз, бебаҳо,
Ўрнига ҳеч нени қўйиб бўлмайди.

* * *

Туғилган маскани чўлми ё бўстон,
Инсон учун бунинг йўқ асло фарқи.
Муҳими Ватандир шу еру осмон,
Унинг баҳоси йўқ, йўқ унинг нархи.

* * *

Асал деб ўйлайсан, захар чиқади,
Оддий тош деганинг гавҳар чиқади.
Куздан сўнг қаҳратон қишни кутасан,
Қошингдан гул сочиб, баҳор чиқади.

* * *

Илм билан қалбим кўзини очди,
Меҳри ҳам мўл эди, тинмасдан сочди.
Кимдир устоз дейди, кимдир муаллим,
Улуғ инсон бўлиб қалбимга кўчди.

* * *

Дарахтнинг меваси, сояси яхши,
Булбулнинг овози — ноласи яхши.
Дунёда инсондан не наф бўлғуси,
Унинг тарбияли боласи яхши.

* * *

Орзусига етар ғайратли одам,
Мўъжиза яратар ҳайратли одам.
Дунёда қолдирмас нуқтадай из ҳам,
Мақсадсиз яшаса ҳайбатли одам.

* * *

Баҳордан ўтгучи мусаввир йўқдир,
У яратган каби зўр тасвир йўқдир.
Унинг мўйқалами тенгсиз, бебаҳо,
Бу ҳақда жўяли тасаввур йўқдир.

* * *

Ҳеч ким она каби савоб қилолмас,
Ҳеч ким доно каби жавоб қилолмас.
Заргар қанча моҳир, зукко бўлса ҳам,
Оддий тошни дурдек ноёб қилолмас.

YORUG' HAYRATLAR INKISHOFI

yoхud bir so'z hikmati

Таниқли шоир Икром Отамурод шу кунгача қатор шеърӣ тўпламлар эълон қилди. Мазкур тўпламларда ўзгалардан ўзгача бўлган шеърларни учратишимиз мумкин. Бошқача айтганда, у ўз истилоҳига кўра, кангунинг таржимонига айланади-қўяди. «Канглум, мендан бўлак киминг бор санинг?» деб куйинишида ҳам шу гапнинг тасдиғини кўришимиз мумкин. Инчунун, фақат хассос одамларгина кўнгилга суянадилар, унинг гўзал қатламларини кашф этишга уриниб ўтадилар. Шу уринишда бошқа кўнгилларни ҳам покликка, эзгуликка чорлаб ўтадилар.

Шоир йиллар давомида «Ярадор умид отлари», «Сопол синиқлари», «Изтироб», «Тағаззул», «Узоқлашаётган оғриқ», «Харитага тушмаган жой», «Анинг умиди», «Куш», «Доғ» каби ўндан зиёд дostonлар ёзди. Дostonлар ўқувчини ҳайрат ва эзгулик салтанатига бошлайди, тафаккур қилишга, яхшилик учун курашга ундайди. Ушбу дostonларнинг яна бир эътиборли жиҳати, уларнинг Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий каби қатор улўғларнинг илоҳий асарларидаги етук маънидан куч олган ва ўша асарлардаги илоҳий руҳ билан тўйинганлигидир.

Шоирнинг янги — «Балки...» деб аталмиш дostonи («Гулистон» журнали 2015йил 5-сон) мутолаасида ҳам биз ана шу ҳолни кўришимиз мумкин. Гарчи, биз бу ерда асарнинг парчасини ўқишга муяссар бўлсак-да, ушбу парчанинг ўзиёқ, янги, кўпқиррали бу асарни тўлатқис идрок этишимизга ёрдам бера олади.

Шоирлар — бедор қалб эгалари. Улар ҳамиша дунё синоатларини ечишга, унинг таг-туғига етишга уринадилар. Бу ҳол аввало мумтоз адабиётимиздаги улўғлар ижодида бошланган, десак, адашмаган бўламиз. Шундан буён то бугунгача қай бир шоир дунёни «тўй-нуқис қаср», (Абдулла Орипов) деб таърифласа, иккинчи бири уни «ўйинчиси кўп томошагоҳ» (Махмуд Тоир) деб билади. Учинчи бири эса, мутлақ жавоб топишга ожиз қолиб, «дунё нима ўзи, сири қаерда?» (Тўлан Низом) деб ўйлар қаърига ботади. Бу ҳолни биз Икром Отамуродда ҳам кўришимиз мумкин. Фақат, Икром Отамуродда дунёни англаш, уни туб моҳиятини, инсоният нега ҳамиша мукамаллик сари интилади-ю, етолмайди, деган саволнинг, бошқача айтганда, ижобий маънодаги безовталиқнинг кучлироқ шаклини учратамиз. Шоир дostonларида баён йўқ. Лирик қахрамон ҳам у қадар кўзга ташланавермайди. Фақат, бу дostonларда Шоирнинг ўзи ҳикматгўй фозил, яна ҳам аниқроғи, Ҳақ йўлни излаётган киши сифатида ички кечинмаларини айтиб беради.

«Балки» дейилмиш номнинг ўзидаёқ безовталиқ, иккиланиш, савол аломати бор. Шоир ёзади:

...Балки,
Салом.
Балки,
Хайр.
Балки,
Шодлик.
Балки,
Ғам.
Балки,
Кангулдан учган тайр.
Балки,
Кўздан сириққан нам...

Шоир кангтудаги ботин оғриқ ва безовталиқларни дафъатан англаб олиш мушкул. Кимдир ҳа энди, шу экан-да, деб қўяқолар. Аммо, «Балки»нинг ичи-илди-зига чуқурроқ кириб борган киши, албатта, шоирга ҳамдардликни туяди қалбида. Асли ҳамма гап шунда — фикрлашга, ўйлашга эринмасликдадир. Шоир бу ерда ҳам дунёдаги нотенгликлардан, «дунё тубидаги нола — (дунёнинг) ижтиноб руҳига тўлиб бўзлаши»-дан оғринади. Шоирнинг маҳорати шундаки, атиги ўн-ўн беш қаторда жуда катта саволларни ўртага ташлаб, уларга ўзидаги жўяли назмий шарҳларни битади.

...Балки, дунё
Қай-қай томонларингда
Не-не анволарга товланар илинж.
Ҳақни бажо айлаган онларингда
Ўкситиб-ўкситиб қақшатади гинж.

Ҳа, инсон боласи баъзан кўзини вақтида очавермайди. Ўзини, ўзлигини унутиб қўяди. Товланиб турган дунё ҳою ҳаваслари уни чалғитади. Ҳақни таниб, кўзини очганда эса, баъзан кеч бўлади. Ҳақни таний бошлагач, тўғри йўлга эртароқ кирсам бўлмасмиди, деган ўкинч уни зимдан тиглаб ўкситади. Шоир шуни бизга ўқтираяпти.

...Балки, дунё
Эшигин кимдир бузиб,
Титмоқ истар азон қатламин он-он.
Дунё шу ҳолатдан боради тўзиб,
Дунё ховлисида югурса нодон.

Шоир дунёда нодонлар кўпайиб кетишидан хавотирда. Бу нодонлар ҳар нарсага ақли етса-етмаси аралашади, ва алалоқибат, дунё шу ҳолатдан тўзиб кетади. Азон қатламига путур етганидек, маънавият олами издан чиқади. Нафс ҳойи-ҳавасига чулганган кишидан ҳар қандай тубанликни кутиш мумкин. Бу — ақлга аён нарса ва шоир айнан шундан безовта.

Шоир бизларни бу тушкун ҳолда узоқ ушлаб турмайди, балки, бизнинг тасаввурларимизни табиат манзаралари («Томларнинг баланд-баланд сатҳида қалин-қалин тўшалган қорлар», «самонинг кўзёшлари қақроқ ёбоннинг майсаларини умри қисқа гиёҳлари»)га, олис ва фараҳноқ севги сўқмоқларига («Хаёлингда қолган суратга интизор-интизор тикилиб-тикилиб, зигирча гард қўндирмай, унутмай зинҳор-зинҳор олиб юраверасан соғинчингни гуллатиб мудом...») ҳам буриб юборадики, бу ҳол, асарнинг жозоба кучини оширган. Чикадиган хулоса эса битта — модомики, «Вақт маконни назарига илмай, шиддат билан емиравераркан» — ҳамма нарса, ҳамма ҳолат ўткинчи экан, дунёнинг анво-анво товланишларига илинмай, кўнгил бермай, Ҳақ амрини бажариш керак. Ҳақ амри — виждон амри ва угина бизни шоир таъкидлаган «ўкинч ва гинж»лардан муҳофаза этиб туради. Ва, шу йўсин, бизлар маънавий комилликка эриша оламиз. Шоирнинг асар ёзишдан кўзлаган муддаоси — мақсади олийси ҳам айнан шунда!

Бир сўз билан айтганда, «Балки...» дostonини ҳайратлар, ҳайрат бўлганида ҳам эзгу ва ёруғ ҳайратлар инкишоф этилган дoston, деб баҳолашга ҳақлимиз.

Икромжон АСЛИЙ

Яқинда Ўзбекистондаги Бангладеш давлати элчихонасида «Замонавий бенгал шеърияти антологияси»нинг ўзбек тилига таржима китоби тақдими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир ўзбек ва бенгал халқлари маданияти ҳамда адабий алоқаларининг янада мустақамланиши сари қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Китобга Бангладешнинг мамлакатимиздаги фавкулдда ва мухтор элчиси Мосуд Маннан кириш сўзи ёзган. Тадбирда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Байналмилал маданият маркази масъул ходимлари, шунингдек, «Жаҳон адабиёти», «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналлари ижодий ходимлари, адабий жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ZAMONAVIY BENGAL SHE'RIYATI

Ушбу китоб сўзбошисида билдирилган фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бенгал халқининг тарихи, бой маданияти, аъналари кўплаб шоирларга илҳом беряпти, янги-янги шеърлар битишга ундаяпти.

Шубҳасиз, Ватанга муҳаббат туйғуси бенгал адабиётида ҳам бош мавзулардан биридир. Давлат мустақиллигини қўлга киритишда адабиёт, хусусан, шеърят катта таъсир кўрсатди. Миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар мамлакатнинг барча аҳолисини ҳамжиҳатлик, тенглик, бунёдкорликка чорлади.

Айниқса, ўз ижоди билан оламшумул шухрат қозонган Робендранат Тагорнинг адабий мероси катта аҳамиятга эга бўлди. У шоиру ёзувчининг бурчи — ўз халқини уйғотиш, озодликка олиб чиқиш, уни юксак мақсадлар йўлида бирлаштириш, бу йўлда уларга катта ишонч ва умид бахш этишда деб билди.

Дарҳақиқат, XX аср бенгал шеърияти ҳақида гап кетганда таниқли, оташқалб шоир Назрул Ислому ижодига тўхталмай илож йўқ. Бутун ҳаёти ва ижодини бенгал халқининг озодлиги ва мустақиллиги йўлига бахшида қилган адибнинг жасоратию матонати кейинги авлодларга улкан сабоқ бўлди. Назрул Ислому ўзининг «Кўзғолон», «Бузилиш қўшиғи» каби шеърый тўпламлари билан мустамлакатчилик сиёсатига қарши турди. Шунингдек, у мамлакатдаги жамоат ишларида фаол иштирок этиб, халқнинг чексиз ҳурмат ва эътирофига сазовор бўлди. Адиб ҳамда жамоат арбоби бўлмиш Назрул Исломининг хизматларини эътироф этган Бангладеш ҳукумати уни «Халқ шоири» юксак унвони билан тақдирлади. Шоир ўзининг «Видолашув» шеърида ўзи севган бенгал халқини бирлик ва тенгликка, ўзаро дўст бўлиб яшашига чақиради...

Азиз дўстим,

Сен бизнинг қалбимизга

аста-секин яқинлашдинг.

Сен забт этиб эмас

балки дўст бўлиб келдинг...

Ҳассос адибимиз, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ўзининг «Рухлар исёни» достонида Назрул Ислому ҳаёти ва ижодини қаламга оларкан, ушбу шоир тилидан Бенгал халқига қарата:

«Туғилгансан озод, мудом Озод бўлиб қол» тарзида хитоб қилади. Мазкур дoston ўзбек халқининг бенгал халқига бўлган ҳурмат ва эътиромининг ёрқин намунасидир.

«Миллий шоирлар» деб ном олган Жибананда Дас, Бегум Суфия Камал, Аҳсан Ҳабиб, Фаррух Аҳмад, Саид Али Аҳсан, Шамсур Раҳмон, Алауддин Ал-Азад, Ал Маҳмуд Муҳаммад Рафиқ каби адибларнинг асарлари мамлакатни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, тараққиётни жадаллаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг ижоди туфайли бенгал адабиёти ҳаётга янада яқин бўлди. Бунга Саид Али Аҳсаннинг «Менинг Шарқий Бенгалиям» шеърини мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

Менинг Шарқий Бенгалиям

Шарқираб оқаётган муздек дарё кабидир.

У қандайин тинч ҳамда шодон...

Кодомбо дарахтининг шохлари

заминдан бўса олиш учун

бошини эгар...

Шунингдек, Аҳсан Ҳабибнинг «Дунё хушбўй ифорга тўлар», Нирмаленду Гууннинг «Одамзод бу — сен ва мен» ҳамда Шамсур Раҳмоннинг қуйидаги сатрлари ватанпарварлик ҳамда инсонпарварлик руҳида ёзилган десак асло муболаға бўлмайди:

То тирик эканман бор шахдим билан,

Ер юзидан барча харобазорларни

тозалашга бел боғлайман.

Мен бу дунёни гўдаклар учун тозалаб берурман,

Бу менинг янги туғилган чақалоқлар олдидоги бурчимдир!

Ўтган асрнинг иккинчи чорагида кўзга кўринган таниқли бенгал шоирларидан бири Абдул Маннон Саиддир. Унинг ижодидо реалистик руҳдаги шеърят намуналари билан бирга ғарб символизми йўналишида битилган асарларга ҳам гувоҳ бўлаемиз.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тўпламдан ўрин олган шеърлар шакл жиҳатидан ғарбда кенг қўлланилган сарбаст усулида битилган бўлса-да, мазмунан бенгал миллий урф-одатлари, аъана ва қадриятларига янгича мазмун ва моҳият бахш этганлиги билан ажралиб туради.

Шермурод СУБҲОН



Инсоннинг маънавий камолотида муסיқа санъати ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Негаки, санъат инсон қалбида эзгуликни тарбиялайди. Давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «... Куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, муסיқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйда дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, муסיқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболага бўлмайди». Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда муסיқа санъатини ривожлантириш, мавжуд бадиий жамоалар фаолиятини такомиллаштириш, муסיқа ва санъат мактаблари, маданият ва санъат коллежларини бунёд этиш, ана шу маънода фарзандларимизни миллий муסיқий санъатимиз билан бирга жаҳон муסיқий меросининг энг нодир намуналаридан баҳрамандлик руҳида камол топтириш мақсадида салмоқли ишлар қилинди.

Maqsadimiz ~ o'zbek san'atini jahonga tanitish

Айнан бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишларни янги босқичга олиб чиқиш, мавжуд бадиий жамоаларга муסיқа ва санъат даргоҳларида таълим олган, халқаро муסיқий танлов ва фестивалларда эътироф этилган истеъдодли ёшларни жалб қилиш, улар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2014 йилда Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашма янги давлат концерт ташкилоти бўлиб, Миллий симфоник оркестри, Давлат академик халқ



чолғулари оркестри, Миллий эстрада-симфоник оркестри, Б.Зокиров номидаги эстрада-симфоник оркестри, «Ўзбекистон солистлари» ва «Туркистон» камер оркестрлари, Хизмат кўрсатган хор жамоаси, Давлат хор акапелласи каби ижодий камолотга эришган бадиий жамоаларни ўз таркибига бирлаштирди.

Бирлашма жойлашган «Муסיқа саройи»га кириб келар эканмиз, қизгин иш жараёнига гувоҳ бўлдик. Ҳар бир оркестр ўзига ажратилган машғулотида шуғулланади. Қизиғи, бирининг машғулоти иккинчисига ҳалақит бермайди. Овоз ёзиш студияси, режиссёрлар хонаси, шинам ошхона уларнинг хизматида. Ҳар бир зал ёнидан ўтар эканмиз, ҳақиқий концерт ҳавосини ҳис қилиб, беихтиёр томоша қилгимиз келди. Давлат академик халқ чолғулари оркестрининг машғулоти кириб кўришга рухсат ҳам олдик. Моҳир чоғчиларнинг бармоқларидан гоҳ денгиз мавжи, гоҳ ёмғир шивири, гоҳ шамол шиддати таралаётганга ўхшарди...

— Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ташкил этилганга қадар ҳар бир оркестр икки-уч ойда атиги бир марта концерт кўярди, — дейди бирлашма раҳбари ўринбосари Отабек Юнусов. — Уларни йиғиш, концерт дастурини тайёрлаш учун анча вақт талаб этилар эди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимига кирувчи айрим муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 14 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2014 йил 6 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қарорига асосан «Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси» ташкил этилди. Бу биз учун янги имкониятлар эшигини очиб берди. Ҳозирда миллий ва жаҳоннинг энг машҳур муסיқий асарларидан халқимизни баҳраманд этиб бориш, истеъдодли ёшларимизга имкон бериш, энг муҳими, мазкур асарларни жонли ижрода бўлишини таъминлаш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқдамиз. Ҳар ойда етти-саккиз, баъзан ўн тўрттагача концертлар кўймоқдамиз.

Янги 2016 йилда бу борадаги ишларни янада кенгайтириш режаларини тузаяпмиз. Санъат саройларидан ташқарида маданият ва истироҳат боғларида, вилоятларда жойлашган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмларда, шунингдек, хорижий давлатларда концертлар ташкил этиб, ўзбек санъатини, ўзбек ижрочиларининг маҳоратини дунёга олиб чиқишни кўзлаепмиз.



Бирлашма ўз таркибидаги ижодий жамоаларнинг концертларини календар-режа асосида ташкил этиб бормоқда. Унинг таркибидаги жамоаларга истеъдодли ёш муסיқа ижрочилари, хонандалар, дирижёрлар жалб этилмоқда. Уларнинг билим ва маҳоратларини мунтазам ошириб бориш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

— Бу йил санъат саройлари, ўқув муассасалари ва театрлар сахналарида ўтказилган концертларга ташриф буюрган мухлисларнинг асосий қисми ёшларни ташкил этди, — дейди бирлашма бадиий раҳбари Давлат Алимов. — Кўриниб турибдики, бирлашма ўз олдига қўйилган мақсад сари дадил илдамламоқда. Шу билан бирга, миллий ва мумтоз муסיқий меросимизни келгуси авлодга бориша, керак бўлса, янада сайқаллаган ҳолда етказиш вазифаси йўлида самарали меҳнат қилинмоқда. Жаҳон муסיқаси дурдоналари, янги бастакорларнинг энг яхши ижод намуларининг юртимиз муסיқачилари томонидан маҳорат билан ижро этилиши натижасида ёшлар орасидан янги иқтидор эгалари кашф қилинмоқда. Буни жамоаларимиз сафига келиб қўшилаётган ёш ижрочилар мисолида кўришимиз мумкин. Танлов асосида оркестрларга қабул қилинаётган йигит-қизлар зўр иштиёқ ва маҳорат билан муסיқа ижро этишади. Натижада мухлисларнинг дилларини забт этиб, уларнинг қалбида чуқур из қолдиришмоқда.

Янги йилда бу борадаги ишларни янада кенгайтириб, Халқаро танловларда катта ютуқларни қўлга киритган Сайёра Фаффорова, Марат Гумаров, Адиба Шарипова, Елена Матвеева, Исроил Саидумаров,



Сабина Мустаеваларнинг концертларини ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Режаларимиздан яна бири ўтган йили Тошкентда ўтказилган «Competizione dell' Opera» Халқаро танлови ғолиби Барно Исмагуллаева, Халқаро миқёсда фаолият олиб бораётган Евгений Мурский, Ричард Шерман каби етук санъаткорларни концертларини ташкил этиш ҳам ўрин олган.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Шулар орасида Ўзбек давлат академик халқ чолғулари оркестри солисти Шухрат Толипов «Шухрат» медали билан тақдирланди.

— Мехнат фаолиятимга 26 йил бўлди, — дейди у. — Шу даврда гижжак-бас чолғуси билан қатор дунё мамлакатларидаги нуфузли танловларда концертларда муваффақиятли иштирок этдим. Шоғирдлар етиштирдим. Бирлашма ташкил этилишининг яхши томони — концертларга қизиқиш ортди, томошабинлар географияси кенгайди. Ўзим ҳам Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятларининг санъат мактабларида маҳорат дарслари ўтдим.

Ўтган йиллар давомида жамоамиздаги А.Одилов, ва Д. Маликова «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Э.Раҳимов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган асртист» фахрий унвони билан тақдирланди. Бу йил менинг ҳам камтарона меҳнатларим юқори баҳоланиб, «Шухрат» медалига сазовор бўлдим. Бундан кейин ҳам ижодимни янада бойитиб, миллий мусиқамиз тараққиётига ўз ҳиссамни қўшаман.

Бирлашмада ёш дирижёрларни тарбиялаш, камолга етказишга алоҳида эътибор берилди. Республика ва Халқаро танловлар ғолиби Азиз Шоҳақимов, бугун халқимизнинг меҳрини қозонган Камолитдин Ўринбоев каби маҳоратли дирижёрлар миллий симфоник оркестрда тарбия топган. 2013 йилдан бошлаб Камолитдин Ўринбоев Ўзбекистон

миллий симфоник оркестрининг бош дирижёри сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Бирлашмада оркестрлар Бетховен, Бах, Лист, Паганини, Чайковский, Штраус сингари жаҳон мумтоз композиторлари асарларидан ташқари «Чаманда гул», «Қора соч», «Лапар», «Қилпиллама», «Олмача анор», «Дилиман», «Ёр-ёр» сингари халқ кўшиқлари ва мусиқалари, М.Бурхонов, С.Юдаков, Д.Зокиров, М.Насимов, С.Жалил, С.Бобоев,



М.Бафоев И.Акбаров, Д.Омонуллаева, Р.Абдуллаев сингари ўзбек композиторларининг ҳам асарларини катта маҳорат билан ижро этиб келмоқда.

Шунингдек, бирлашма янги концерт мавсумида ўз дастурларига ўзбек санъат усталари билан бирга жаҳонда эътироф этилган В.Пикайзен, Д.Шафран, А.Виницкий, С.Иголинский, Б.Катарович, И.Калинциема, В.Амбарцумян, Шломо Минца, Саулюс Сондецкис, Бернар Дегроуб, Э.Хойнацка, Ж.Меже сингари таниқли мусиқачиларни ҳам тақлиф этишни ҳам режалаштирмоқда.

Биз бугунги кунда катта эзгу мақсадлар йўлида фаолият олиб бораётган Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси аъзоларига келгусида бундан катта муваффақиятлар ёр бўлишни тилаб қоламиз.

Манзура ШАМС

Давоми. Боши 20-21-бетларда

бўлгандай булутлар орасига беркинар, юлдузлар милт-милт этиб, худди Алпининг дилидаги умид сингари кичкина ва жуда олисда эди. Шамоллар шиддат билан эсар, деразага бош уриб, у уйдан бу уйга гап таширди. Итларнинг кушларга гаши келиб қувар, дарахтлар боласини ухлатаётган она сингари тебранади. Дарё бу хангомани олис-олисларга элтаётгандек шошиб оқарди. Фақат тоғгина Алпининг кўнглини тушунгандек, кўпни кўрган отахон сингари сукут сақлаб, нимадир демоқчидай осмонга тикилганди. Аҳён-аҳён ёғиб қоладиган ёмғир чангиб кетган заминни тозалаб, сен хафа бўлма, мен кўрқиб кетган ернинг юзига сув сепдим, энди бемалол бахтли бўлсанг бўлаверади, дегандек ёғаверарди. Табиатда кундан-кун янги нигоҳ, тоза туйғулар туғиларди. Бутун борлиқ буюк бир сукунатга фарқ бўлгандай, лекин тез орада нимадир рўй бераётган бир кайфиятда эди. Тун жуда узун эди. Бир йил, балки минг асрга тенглашгандай эди ўша кезлар.

Уялган ойдан-да уялиб, олис юлдузларнинг думига илиниб қолган умидларини ўй суриб турган Алпи деразанинг тикирлашидан чўчиб тушди. Худди минг йил кутган инсони келгандай ўзини эшикка урди. Остонада.. у... Одил турарди...

— Мен келдим... — деди у титраб.

Алпида ҳозир тил битганда гапирарди. Сўзсиз турарди у... Йигит қизни бағрига босди.

— Сенга уйланаман, — деди дағал овоз.

Қиздан садо бўлмади.

— Нега индамайсан? ... Сен чиройли куласан, илтимос, яна бир марта кул...

Юрак анордай эзилиб турса қандай кулсин? Битта кулги шунча маломат ёғдирса, йиглаб ўтгани яхшимасми, бу дунёдан?

— Сени шаҳарга обкетаман...

Шаҳар. Кейин-чи? Кейин нима бўлади? Йўқ, ҳозир онасини ўйлагани йўқ. Ўзини, ўзини ўйлапти. Бориб бўлмайди... Бориб бўлмайди, ахир. Узоқ сафар — ибодатдай гап. Ибодатга эса — ота-онани норизо қилиб бориб бўлмайди.

— Тўғри, у ёқларда тоғ йўқ. Кейин шамол ҳам бошқача эсади. Муҳими бирга бўламыз-ку...

Шу пайт кутилган шовқин бош кўтарди. Тоғ қулаб тушди. Ой ўзини булут панасига олди. Юлдузлар милт-милт кўз ёшдай жилваланди. Ҳовлига ота бостириб кирди.

— Қиз туққанга минг лаънат! Тарбия беролмаганга яна минг лаънат!!!

Бу нидо абадий жазо бўлиб янгради. Бу нидо тамга бўлиб пешонага, йўқ, юракка қадалди. Она ерни шапатилаб йиғлади. Ер, нега мени кўтариб юрибсан, деб оҳ урди.

— Ўғил туққанга минг лаънат! Тарбия беролмаган — ўзимга яна минг лаънат!!! — деб ота кўксига муштлади.

Фарзанд ортда қоладиган чироқ дегувчи ота, ёлғизини етовдаги ювош отдай етаклаб олиб кетди...

Менинг айбим нима, дея унсиз йиғлади Алпи. Ахир

бу ҳам тангрининг ёзиғи-ку... деб ўйлади ва умидсиз осмонга қаради... осмон жуда яқин эди... Шундоқ қошининг устида. Қўл чўзса теккудек...

Эҳ, қани энди ўшанда тақдир уларни юзлаштирмаган бўлганида эди. Ўшанда Алпи тоғдан от миниб қайтаётганди. Рўпарасидан йигит чиқиб келди, у ҳам отда эди. Баҳслашдилар. Пойга ўйнадилар — қиз голиб келди. Ва ўшанда у кулди. Бениҳоя чиройли кулди. Йигитнинг юраги қалқиб тушди: наҳотки Алпи шунча чиройли кулса...

Кураш тушдилар... Йигит бағрини биринчи бор ҳис қилган қиз... энгилди. Бу шу пайтгача энгилмаган қиз бағрида уйғонган аёллик латофати ва ибосининг йигит муҳаббати олдидаги мағлубияти бўлди. Алпи илк бора ўзи ҳам билиб-билмай кучи эмас, кўнгли измига юрди.

...Алпи бир кечада қишлоқдан йўқолиб қолди. Уни ҳеч ким тополмади. Уни қидириб борган барча қайтиб келди. Аммо Одил қайтмади. Айтишларича, Одил Алпини топган эмиш. Чўпонлардан бири ўтган йили уларни тоғда кўриб қолганмиш. Одил елкасига кўчқордай ўғлини миндириб олганмиш... Оқилбойнинг эса кўзи ҳар куни йўлда, эрта-ю кеч худога нола қилади. Кўз ёшлари соқолларини ювиб тушади. Лекин нима деб йиғлашини ҳеч ким билмайди. У унсиз йиғлайди...

Биз уни Алпи дер эдик.

— Ҳеч бўлмаса, Зулпи денглар, ахир исмим Зулфия-ку, — дерди у. Қайда? Парво қил-

масдик. Шунчаки Алпи...

Алпи тенгдошлари каби ҳусни, латофати билан ажралиб турмасди. Юзлари офтобда қорайган, қошлари ўсма кўрмаган, сочлари қизларники каби нозик турмакланмаган эркакшода бу қиз катта-катта қадам ташлаб юрарди. Фақат кулгисини ҳисобга олмаганда...

Алпи — алпнинг эгизагидир. Энди... энди... шундаймикан деб ўйлаб қоламан...





Qo'g'irchoqlar tilga kirganda...

Дам олиш кунлари қанча рўзгор ишларини режалаштирмай, қизимнинг «Ойи, кўғирчоқ театрга борайлик», деган илтимосини ерда қолдира олмайман. Чунки у доим кўғирчоқлари ўзи билан гаплашишини, дўстлашиши ва сирлашишини истайди. Бу гал ҳам фарзандимни томошалар залида кўғирчоқлар ҳаракати ва сўзларини диққат билан кузатишини кўриб, унинг бу сеҳрли оламга қанчалар шўнғиб кетганини ҳис қиламан. Шу боис, қизимни бу ерга тез-тез олиб келадиган бўлдим. Ўз навбатида бошқа ота-оналарнинг ҳам бу борадаги фикри билан қизиқдим. Хўш, болангизни нима учун кўғирчоқ театрига олиб келасиз?



Феруза ҚУРБОНОВА, санъатшунос:

— Биз учун оддий туюладиган кўғирчоқ театри митти томошабинлар учун жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Чунки, кўғирчоқ ва ўйинчоқлар ҳам фақат овутиш воситаси эмас, балки тарбиянинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Болалар ўзи севиб ўйнайдиган кўғирчоқларнинг жонланиб, тилга киришини ажойиб воқеа сифатида қабул қилади. Бутун диққат-эътиборини унга қаратиб, ҳар бир ҳаракатини таҳлил қилади. Демакки, кўғирчоқлар сахнаси болага катта ҳаётда оқ ва қора, эзгулик ва ёвузликни танитишда дастлабки қадам бўлиб хизмат қилса, ота-оналар билан театр мавзусида бўладиган суҳбатлар унда фикрлаш қобилиятини шакллантиради.



Жаҳонгир АЗИМХЎЖАЕВ, Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси:

— Болалигимда театр томошаларига кўп келардим. Бу менга бошқача завқ бағишларди. Ҳалигача ўша кунларни орзиқиб эслайман. Қаҳрамонларнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатардим. Айниқса, кўғирчоқ театрида. Шунинг учун икки фарзандимни театрга мунтазам олиб келаман. Уларда ҳам ўзим бир пайтлар ҳис қилган нарсани кузатаяпман. Томошадан кейин боланинг ўзгарганини сезиш қийин эмас. У атрофдаги бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдира бошлайди. Болаларнинг санъат билан ҳамнафас бўлиб улғайиши унда яхши фазилатларни шакллантиради, дунёқарашини ўстиради. Театр баҳона тенгдошларидан иборат янги даврага қўшилади. Улар кўғирчоқлар сахнасида ўзлари учун эзгулик ва ёвузлик оламини тасаввур қилади.

Озода ЖУМАЕВА, уй бекаси:

— Ўғлим Шоҳизамон 3 ёшда. Уни кўғирчоқ театрига тез-тез олиб бораман. Нима яхши ва нима ёмон эканлигини сўз билан тушунтиргандан кўра, кўғирчоқлар мисолида ўргатиш осон экан. Илгари уни овқатлантириш, тишларини вақтида тозалаш, юзини ювишга ўргатишим қийин бўларди. Театрга кела бошлагач, болам улғайгандек бўлди. Ўзи эрта турадиган, юзлари ва тишларини тозалалаб, нонуштага ўтирадиган бўлди. Инжиқликлари ҳам йўқолди. Театрда кўрган томошаларини ўртоқларига айтиб беради ва ҳар гал турли томошалар кўришига қарамасдан, улар орасидаги керак ва керак эмас бўлган нарсаларни ёдида сақлаб қолади ҳамда кимдир мумкин бўлмаган ишни қилса, дарров ўз муносабатини билдиради. Айниқса, театр воқеаларини муҳокама қилиш унга жуда ёқади. Бахslashганимизда ўзининг хулосаларини айтади. Фарзандим фикрлаётганидан хурсанд бўламан. Кўғирчоқ театри болалар ҳаётининг кўзгуси. Биз ўз фарзандларимизни вақти-вақти билан шу кўзгуга қаратиб туришимиз керак экан.

Акбар ЖИЯНОВ, журналист:

— Дам олиш кунлари қизимни кўғирчоқ театрига олиб бораяпман. У воқеаларни диққат билан кузатади. Одатда, болалар ҳар бир нарсани жиддий қабул қилади. Кўғирчоқлар ижросида кўрсатиладиган яхши ва ёмон ҳолатларни атрофдаги тенгдошлари билан таққослайди. Ёмон одатлар билан хайрлашиб, ўзида яхши одатларни шакллантиради. Ўзига нисбатан ишонч пайдо бўлади. Ҳар бир қилаётган ишида атрофдагиларга дахлдорлик туйғуси уйғонади. Демак, масъулият ҳам шакллана бошлайди. Ахир болалар театри айнан шу эзгу мақсадларга эришиш учун фаолият олиб боради. Шундай экан, болаларимизни ватанпарвар, оилапарвар қилиб тарбиялашда театрдан фойдаланиш ҳар биримиз учун самарали усул.


Дилбар АРАЛОВА, «Бекажон» газетаси муҳбири:

— Фарзандларим театр воқеаларини дўстлари билан бўлаётган воқеадек қабул қилади. Тантиқ кўғирчоқ образида одобсиз болани кўрса, ижобий қаҳрамон унга яқин дўстини эслатади. Бу ҳақда менга ҳам гапириб беради.

Бугун фарзандларимизни овунтирадиган нарсалар кўп. Хоҳласа, компьютер ўйинларини ўйнашлари мумкин. Ҳатто мактаб, мактабгача таълим муассасаларида ҳам болаларнинг маънавий дам олиш соатлари ташкил қилинган. Аммо ҳеч бир нарсани ота-онанинг ўз фарзандига вақт ажратгани, уни мўъжизакор, сеҳрли эртақлар ва театр оламига олиб кирганининг ўрнини боса олмайди.

Болаларим театр томошаларига шундай берилиб

кетадими, доим кўғирчоқлар билан ёнма-ён бўлишни исташади. Шунинг учун биз уйда ҳам турли эртақ қаҳрамонларини ясаб тураемиз. Биргаликда театр томошаларини сахналаштираемиз. Ўрни келганида кўғирчоқлар орқали фарзандимизга таълим-тарбия бера оладиган кўпгина ишларни амалга оширсак бўлади. Бу қилган хатосини англаши, қандай йўл турса тўғри бўлишини тушунтира олишимизга яна бир имконият.




Дилфуза БОЗОРОВА, филолог:

— Миттивойлар кўғирчоқ театрида ўз қаҳрамонларини кашф қилишаркан. Мен буни ўз болаларим мисолида тушундим. Уларга кўғирчоқлар образи орқали дўстлашишни, тўғрисиқлик ва меҳнатсеварлик хислатларни сингдириш мумкин. Биринчи марта болаларимни театрга шунчаки олиб кирганимиз. Шундан кейин атрофдагилар ва тенгдошларига муносабати ўзгарганини кўриб, тез-тез олиб борадиган бўлдим. Биз тушунтирадиган одоб-ахлоқ қоидаларини кўғирчоқларнинг хатти-ҳаракатидан бола сўзсиз тушуниб олади. Болаларимизнинг маънавиятини шакллантириб, тафаккурини чархлаётгани учун кўғирчоқ театри ижодкорларидан жуда ҳам миннатдорман.

Азиз ота-оналар, мана шу мухтасар суҳбат давомида ҳам кўғирчоқ театри кичик томошабинлар — фарзандларимиз учун қанчалар катта олам эканлигини англаш қийин эмас. Шанба, якшанба кунлари фарзандлари, набираларини кўғирчоқ театрига олиб келаётган ота-оналар, бобо ва бувиларни кўрганда улар сафидан сиз ва фарзандларингизни ҳам кўргимиз келади. Зеро, тарбияда театрнинг ўрни катта. У болалар учун яхши-ёмонни ўргатадиган ўзига хос ибрат мактабидир. Ишонмасангиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Нилуфар ҲАЙИТОВА тайёрлади



1937 йил балетмейстер Тойиров Нукусга келиб, қорақалпоқ миллий рақси яратиш устида иш олиб боради. 1941 йилда моҳир ўзбек раққосларидан Тамара Иброҳимова ҳам Нукусга келиб, Н.Довқараевнинг «Алпомиш» мусиқали драмасидаги «Ойқулаш» халқ ўйинини В.Шафранников куйи асосида биринчи марта сахналаштирган эди. Кейинроқ Тамара Иброҳимова С.Мажидовнинг «Қора юраклар» мусиқали драмасидаги рақсларни ҳам сахналаштирган. Бу рақслар томошабинларда илк профессионал сахна рақси сифатида ижобий таассурот ўйотган-

ҚОРАҚАЛПОҚ рақси

Санъатдан сўз очилса, беихтиёр кўз олдимизда гўзаллик, нафосат, ғайрат, шижоат сингари нафис туйғулар намоён бўлади. Санъат инсон туғилишидан то умрининг охиригача унга ҳамроҳ бўлади деган гап бежиз эмас. Унинг турлари ичида рақс санъати алоҳида эътирофга эга. Чунки у бошқа турлардан тубдан фарқ қилади. Рақс санъати пайдо бўлишининг ҳам ўз тарихи бор. Қадимда одамлар тош, олов, сув, ҳайкаллар ҳамда яна бошқа кўплаб нарсаларни муқаддас билиб, уларга сиғинган ва атрофида айланиб рақсга тушган. Лекин бу рақслар санъат тури ҳисобланмаган. Кейинчалик санъат турига айланган рақс инсонларни ҳайратга солиб, яхши

ди. Кейинчалик, таниқли ўзбек балетмейстери Али Ардобус Ибрагимов бир нечта қорақалпоқ рақсларини сахналаштирган. Ўз вақтида улар профессионал ва ҳаваскорлик жамоалари репертуарига киритилган.

Миллий рақс санъатининг машҳур намояндалари — Уста Олим Комилов ва Тамарахонимнинг шогирди, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Елизаветта Петросова (Лизахоним) 1951 йилдан бошлаб қорақалпоқ рақс санъатини яратиш устида амалий ва назарий иш бошлади. Қисқа вақт мобайнида, унинг раҳбарлигида қорақалпоқ миллий рақс санъатининг ёрқин намуналари яратилди. 1960 йилда ҳозирги Нукус маданият ва санъат коллежи таш-

кил этилган бўлиб, 1963 йилда хореография бўлими ҳам қўшилди. Қорақалпоқ рақс мактабини яратилиши жараёнида тўпланган тажриба асосида, 1976 йилда Е.Петросованинг «Қорақалпоқ рақси» номли ўқув қўлланмаси чоп этилди. Ушбу китобда қорақалпоқ рақсида кенг қўлланадиган гавда, қўл ва оёқ ҳолатлари ҳақида атрофлича маълумот берилган.

Албатта, вақт ўтиши билан рақснинг айрим ҳолатлари асл кўринишини сақлаб қолади, айримлари бирмунча ўзгаради, баъзилари эса умуман унутилади. Масалан, қўл ҳолатида ўғил болаларда бармоқлар йиғилиб, ярим мушт кўриниши билан, қизларда эса бармоқлар очилиб, биринчи ва учинчи бармоқлар бир-бирига тегар-тегмас, яқин жойлашганлиги кўрсатилган, йигит ва қизларда ҳам бўғинлар ичкари ёки ташқарига эгилган ҳолатда тасвирланган. Айрим ҳолатларда бундай ҳаракатлар тўлиқ ёритилган, айримларида эса йўқ. Е.Петросованинг қорақалпоқ миллий рақс санъати ривожланишига қўшган хиссаси жуда улкан.

Қорақалпоқ рақси ҳақида тўпланган маълумотлар унчалик кўп эмас. Ҳозирда рақс тизимини замонавий, қорақалпоқ оҳангларига мос равишда бойитишга эҳтиёж катта. Бунинг учун янги қўлланмалар, рисоалар чоп этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.



кайфият билан бирга маънавий озуқа бериб келмоқда. Аслида рақс — инсоннинг ички кечинмалари, ҳис туйғулари, ўй-хаёллари, фикрларини сўзсиз, ҳаракатлар ва юз ифодаси билан намоён этиш маҳоратидир.

Юртимиздаги байрам тадбирларида фаол қатнашиб, байрам томошаларини кўтаринки руҳда ўтишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган қорақалпоқ рақс санъати ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Ўтган асрнинг 20-30-йилларида Қорақалпоғистонда ҳаваскор театр ва мусиқа тўгараклари ташкил этилиб, улар асосида профессионал театр ҳамда биринчи миллий мусиқа, ашула ва рақс ансамбли вужудга келади. Тўғри, 1930-1935 йилларда миллий рақс яратиш устида олиб борилган ишлар самарали натижа бермади. Аммо шу жараёнда орттирилган тажриба ва изланишлар кейинчалик яратилган рақс санъати учун пойдевор бўлди.

Ноқисбай АБДИРАМАНОВ,
Тошкент давлат миллий рақс ва
хореография олий мактаби магистранти

Latifa

ham soʻz sanʼati

Халқимизнинг номоддий маданий мероси ичида ўзига хос насрий жанр — латифа алоҳида ўринга эга. Бадий жиҳатдан ихчам, аммо мазмун қамрови кенг бўлган бу жанр ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўзбек фольклоршунослигида ҳар бир жанрнинг ўзига хослиги, жанр атамасининг маъноси, жанр генезиси ва поэтикаси юзасидан махсус ўрганилган тадқиқотлар анчагина. Халқ орасида «афанди», илмий китобларда «латифа» деб юритилувчи оғзаки ижодга оид жанр ўзининг луғавий ва истилоҳий маъноларига эга.

Адабиётшунослик атамалари луғатида ёзилишча, латифа (арабча гўзал, ёқимли дегани. Халқнинг нозик фаҳмлилик билан айтилган, кичик кулгили ҳикоясидир. Латифа баъзан нодира, зарифа ва ажиба деб ҳам юритилган. Ушбу атама XIII асрдан қўлланила бошланган. Латифа атамаси ўз ўрнини топгунча «ҳикоят», «мутойиба» ёки бошқа номлар билан ҳам аталган. Луғатларда «Латифа — халқ ҳажвиёти жанрларидан, танқидий мазмундаги юмористик ҳикоя» ёки «Ўткир ақлли сўз; аския, нозик ҳазил» тарзида берилган.

Баъзан латифаларни фарб тилларига ўгирганда «анекдот» деб нотўғри талқин қилишади. Тарихчиларнинг фикрича, «анекдот» терминининг пайдо бўлишига Византия императорларининг тарихини ёзган кесариялик Прокопий сабабчи бўлган. Унинг асарини «Anecdota» деб аташган. Бора-бора машҳур шахслар ҳақидаги ҳикояларни «анекдот» термини билан атай бошлашган.

Шунингдек, узоқ вақт номаълум қолиб, биринчи марта нашр қилинган асарлар ҳам анекдот деб аталган. Кейинроқ эса қизиқ тарихий воқеалар ҳақидаги ажойиб фактлар ҳам шундай юритилган. Вақт ўтиши билан анекдот термини халқ оғзаки ижодида умуман тарихий ёки конкрет қайд қилинмаган воқеалар ва шахсларга тегишли қисқа, мароқли ҳикояларга нисбатан ҳам қўлланилган. Келтирилган маълумотлар XIX-XX аср хорижий адабий-энциклопедик маълумотларига мос келиб, уларда анекдот деб асосан тарихий шахс ҳаётидаги ажойиб воқеа ҳақидаги ҳикоя назарда тутилиши уқтириб ўтилади.

Халқимиз номоддий маданий меросининг ажралмас қисми ҳисобланмиш латифаларда турли ҳангомалар нозик лутф билан ифодаланган. Уларда халқнинг инсоф, адолат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, соф севги, вафодорлик, дўстлик туйғулари улуғланади. Дангасалик, ёлғончилик, ўғрилиқ, мансабпарастлик ва таъмағирлик каби иллатлар ҳажв қилинади.

Латифа жанрининг келиб чиқиши, Насриддин Афанди образининг яратилиши ҳақида К.Давлатов ўзининг мақоласида муҳим илмий масалаларни кўтариб чиқди. У Насриддин образи юксак даражада шаклланиган шаҳар фольклори маҳсули деган ғояни илгари сурди. Насриддин образининг келиб чиқиши ва ривожланиши латифа жанри тараққиёти билан боғлиқ.

Бизнингча, халқ латифаларининг яратилиш тарихи, халқ номоддий маданий меросининг тарихи сингари жуда қадимий эканлиги шубҳасиздир. Шуни ҳам айтиш керакки, латифалар тез-тез оғиздан-оғизга кўчиб, ўзгариб туришига қарамасдан, уларда маълум тарихий давр ва шароит акс этган бўлади. Латифалар узоқ замонлардан бери халқ орасида айтилавериш, мақолларга ўхшаш қуйма ҳолга келган.

Д. ИКРОМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
бош мутахассиси

Shoirlar bolalarga

UMID

She'r yozishni ozgina,
Ozgina bilib olib.
Ona yurti mehridan
Ko'ngliga cho'g'lar solib.

Yurgan uyatchan bola
Ulg'ayib shoir bo'lar.
Bitganlari nur to'la,
Diliga doir bo'lar.

Tanimaysiz, nazardan
Chetda, o'ychan yurar u.
Cho'lpon kabi bir kuni
El koriga yarar u.

TOG'DAGI QISHLOQ

Eng balandda yashaydi
Bu qishloqning bolasi.
Ko'ngliga yaqin tog'ning
Qizg'aldog'i, lolasi.

Purviqor cho'qqilarda
Sukut saqlab turar qor.
Jilg'aning suvlarida
Jildirab kuylar bahor.

Bunda osmon qoshingga
Yaqin kelar soyaday.
Ruhing yuksalar ko'kka
Ko'ksin tutgan qoyaday.

OLMA

Qo'shnimizning olmasi
Devor osha egilib,
Yetilgan mevalari
Biz tomonga to'kilib.

Qolgan ekan, avaylab
Terib olib laganga,
Eltmoqchi bo'lib tursam,
Egasi To'laganga.

Shu topda uning o'zi
Darvozani itarib.
Kirib reldi bir savat
Naqsh olma ko'tarib.

Sodiqjon INOYATOV

Libos



spektaklning bir qismi

Театрга спектакль кўргани борамиз. Томоша тугагач, актёрлар маҳорати, режиссёрнинг заҳмати, драматургнинг топқирлигини қарсак чалиб, олқишлаймиз. Аслида ҳар бир спектаклдан ўзимиз учун нимадир олдикми, демак ижодкорларнинг иши бесамар кетмаган бўлади. Битта спектаклда ўн-ўн бешта актёр сахнага чиқади. Томошабин наздида улар асосий қахрамонлар ҳисобланади. Бироқ сахна ортида театр рассоми, декоратор, ёритувчи, либослар дизайнеридан иборат яна шунча ходим асар муваффақияти йўлида хизмат қилади. Ўзбек миллий академик драма театрининг либослар бўйича рассоми Севара Зуннунова билан сахна либосларининг яратилиши, бу ишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Севара опа, сиз бир неча йиллардан бери театрда либослар дизайнери бўлиб ишлайсиз. Либос танлаётганда спектакль мазмунидан келиб чиқасизми ё қахрамоннинг характериданми?

— Менинг бахтим шундаки, Ўзбек миллий академик драма театрида улуғ актёрлар ҳамда режиссёрлар билан ишладим. Албатта, либос танлаётганда сценарийни ўқиб, спектакль мазмунидан, қахрамоннинг характеридан келиб чиқаман. Чунки, салбий қахрамонни ёрқин рангларда тасвирлаб бўлмайди. Унинг қандай қахрамон эканлигини кийган либосида кўрсатиб бериш керак. Шундай спектакллар бўладики, сахна декорациясига қараб костюм тайёрлайман. Сахнада узвийлик жуда муҳим. Ҳамма нарса бир-бирига боғланиши керак. Бунда спектакль учун танланган сценарий муҳокамаси катта аҳамиятга эга. Драматург, режиссёр, рассом, актёрлар фикри ўртага ташланади. Мен шу жараёнда либосларнинг эскизини хаёлан чиза бошлайман. Масалан, яқинда пре-

мьераси бўлиб ўтадиган Ўлмас Умарбеков асари асосида сахналаштирилаётган «Кузги мактублар» спектакли учун рассом учта рангдан фойдаланяпти. Мен ҳам либосларни шу учта рангдан фойдаланган ҳолда яратаяпман. Декоратор рассом билан маслаҳатлашиб, эскизлар чизаман. Чунки бизнинг ишимиз ҳамоҳанг бўлиши керак.

— Тарихий асарлар асосида қўйиладиган спектакллар қахрамонларига кийим танлашда кўпроқ қандай мезонларга таянасиз?

— Тарихий асарлар жуда нозик масала. Уларни сахнада намойиш этиш учун ижодкорлардан катта билим, тажриба ва малака талаб қилинади. Ҳар бир даврнинг либослари тарихий асарларда маълум даражада тилга олинган. Бунинг учун кўпроқ китоблар ўқийман ёки интернетдан фойдаланаман. Асосий, мукамал маълумот китобларда бор. Масалан, «Ал-Фарғоний» спектаклини оладиган бўлсак, ўша давр одамларини ўрганиб чиққанман. «Жаҳон отин Увайсий» спектакли учун Фарғонадаги шоиранинг уй музейига бориб, керакли маълумотларни тўплаб, кейин либослар устида ишладим. Ҳар бир асрга хос маълумотлар китобларда кенг ёритилган. Уларни ўқиб чиқиб, кейин либос яратаман. Бу ўзим учун қийин бўлсада, аммо қизик жараён. Тарихий асарларга кийим тайёрлаш мақсадида кўп китоб ўқияпман. Бу эса билимим ошишига, Ватанимиз тарихини янада яхшироқ ўрганишимга сабаб бўляпти.

— Асар моҳиятини очиб беришда либоснинг ўрни ва аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Сахна, актёрлар, уларнинг либослари, парда, декорациялар, буларнинг ҳаммаси асар моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамиятга эга. Либосга келсак, у инсон ҳақида гапиради. Кийим орқали қисман бўлса ҳам, одамнинг ички дунёсини билиб олса бўлади. Спектаклда ҳам шундай. Баъзи одамларнинг кийими касбини билдириб туради. Касбга оид кийимларни тайёрлаш нисбатан осон бўлса ҳам, ўзига яраша масъулияти бор. Шунинг учун спектакль қахрамонларини образидан, касбидан келиб чиқиб, кийинтираман. Дейлик, спектакль трагедия бўлса, унинг моҳиятига эътибор қилмасдан, ўзим хоҳлагандек



ёрқин рангларда ёки умуман образга тўғри келмайдиган кўринишда кийинтиролмаيمان. Албатта, сценарийни ўқиб чиқиб, асар моҳиятини, аҳамиятини англаб, кейин либос тайёрлайман. Кийимни асарнинг муҳим бўлаги деб биламан.

— Спектакль қаҳрамонлари учун кийим танлашда рангнинг аҳамияти борми?

— Юқорида айтиб ўтганимдай, рангнинг алоҳида ўрни бор. Ранг қаҳрамонни тўлдириб туради. Образдан келиб чиқиб, декорация билан ҳамоҳанг бўлиши учун ҳам рангни тўғри танлай билиш зарур. «Сенга бир гап айтаман» спектаклида бош қаҳрамон либоси умуман бошқа рангда, қолган ҳамма қаҳрамонларнинг либосида қизил ранг бор. Бу одамларнинг занжирли равишда бир-бири билан боғланиб турганини билдиради. Қаҳрамонни тингламаётган одамлар бир хил кўринишда бўлиши кераклигини ўйлаб, шундай йўл тутганмиз.

— Сиз танлаган либослар режиссёр, рассом ва қаҳрамонга ёқмаса, нима қиласиз? Ижодий жараёнда шундай ҳолатлар ҳам бўлиб турадими?

— Бундай ҳолатлар тез-тез учраб туради. Асосан ёш актёр, актрисаларимизга спектакль учун яратилган либос маъқул келавермайди. Актёр образи қиёфасида саҳнага чиқади. У ерда образ бор, актёрнинг шахсияти эмас. Буни ёш актёрлар секин-аста тушуниб боришади. Бироқ тажрибали актёрлар билан ҳам маслаҳатлашиб тураемиз. Ҳозир бадиий кенгаш фаолияти йўлга қўйилди. Режиссёр асарни қўлга олганда бизни чақиради. Рассом тайёрлайдиган декорациясининг кичикроқ макетини ясаб кўрсатади. Мен унга мослаб костюмларни кўрсатаман, ҳатто қайси мусиқалардан фойдаланиш ҳам муҳокама қилинади. Барча камчиликлар шу жараёнда бартараф қилинади.

— Либослар устида ишлашда актёрлар фикрига ҳам таянасизми? Қайси актёр сизга маъқул келадиган гоё беради?

— Актёрлар фикрини албатта, инobatга оламан. Театр — бир оила. Унда ҳамманинг фикри, иши инobatга олинади. Масалан, Тоҳир Саидов битта кийимдан турли саҳналарда, турлича кўринишда фойдаланиш гоёсини берган. Бу менга жуда маъқул келган.

— Гоҳида асар қаҳрамони бутун спектакль давомида турли жараёнда бўлишига қарамай фақат битта кийимда кўринади? Бу спектаклни ишонarli чиқишига пугур етказмайдими?

— Баъзи актёрлар ҳадеб кийим алмаштиришни ёмон кўришади. Менга шундай кийим қилиб беринки, уни спектакль охирига қадар алмаштирмай дейдиган актёрлар бор. Шунинг учун пиджакни екса, нимчада қолади, ё нимчани ечиб, кўйлакнинг ўзида



чиқиб келади. Лекин, барибир саҳна кўринишидан келиб чиқиб, кийим алмаштирилади. Саҳна — жонли мулоқот майдони. Ҳар бир ҳаракат, сўз, ҳатто кийимнинг нотўғри дазмол қилингани ҳам томошабинга яққол кўриниб туради. Томошабинларни алдаб бўлмайди. Чунки, қилган нотўғри ҳаракатни яширишнинг иложи йўқ. Спектакль бекаму-кўст чиқиши нафақат режиссёрга балки, ҳар бир саҳна ва саҳна орти ижодкорларига боғлиқ.

— Ҳар бир спектакль учун янги либослар тикиладими?

— Албатта, ҳар битта спектаклнинг ўз руҳи, қиммати, мазмун-моҳияти бор. Ҳатто бир даврнинг одамлари ҳақидаги икки спектакль учун ҳам алоҳида либослар танланади. Ҳар бир спектакль либоси учун алоҳида ёндашув зарур. Бирини бошқасининг либослари билан тўлдириб бўлмайди. Масалан, бир ойда йигирмата спектакль қўйилса, йигирма хил декорация, йигирма тўплам кийим-бош алоҳида-алоҳида ишлатилади. Театрнинг бир нечта кийим цехи бор. Ҳамма ўз ишини билади.

— Меҳр бериб ишлаган, ўзингизнинг ҳам ҳавасингизни келтирадиган либосларни қайси спектакль учун яратгансиз?

— Ҳар бир ишимда қалб кўрим, меҳнатим бор. Уларнинг ҳар бирини кунт билан ишлайман. Бироқ «Тонг отган тарафларда» спектаклидаги либосларни тикиш жараёнида бир неча бор кўздан кечирган бўлсам ҳам, саҳнада кўриб, ўзимнинг ҳам кўзим яшнаган.

Нигина ФУЛОМОВА суҳбатлашди





Keling, bir ku'lishkaveib

БОЗОРБОЙ ТОҒА НИМА ДЕЙДИ?

Бир куни Бозорбой тоғанинг хотини дийдиё қилиб қолди:

— Болаларнинг дастидан уйда ширинлик турмайди. Меҳмон келса, дастурхонга қўядиган ҳеч вақо йўқ.

— Унақа бўлса, — деди Бозорбой тоға, — ўша ширинликни сандиққа солиб қўй.

— Сандиқдан ҳам топиб олишади.

— Унда мен нима қилай?

— Болалар сиздан ҳайқишади, кўрқитиб қўйинг.

Шунда Бозорбой тоға:

— Мендан ҳайқишса, сандиқнинг устига суратимни қўйиб қўй, — деди.

* * *

Бозорбой тоға невараси билан дўконга кирган эди, қассоб болани саволга тутди:

— Бир парча гўштни ўртасидан бўлсак, неча бўлак бўлади?

— Икки бўлак, — деди бола.

— Икки бўлакни иккига бўлсак-чи?

— Тўрт бўлак.

— Тўрт бўлакни тўртга бўлсак-чи?

— Ўн олти бўлак.

— Ўн олти бўлакни яна ўн олтига бўлсак-чи?

Xandalar

* * *

Қассоб қоронғи кўчада ишдан қайтарди. Қаердан-дир безори пайдо бўлди-да, йўлини тўсди.

— Пул борми?

Қассоб секин сумкадан болта чиқариб сўради:

— Пулни нима қиласан?

Безори бош эгиб деди:

— Майдалатмоқчи эдим-да, ака.

* * *

Иккита ўртоқ учрашиб қолибди. Биттаси қўлтиқ-таёқда экан.

— Нима бўлди?

— Аварияга учрадим.

— Энди қўлтиқтаёқсиз юра олмайсанми?

— Билмадим. Врач юрасиз дейди, адвокат ҳечам юрма, дейди.

5-СОНДАГИ «УСТОЗГА ТАЪЗИМ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Занжир ҳолида: 1. Фитрат. 2. Тарих. 3. Хоразмий. 4. Ўқиш. 5. Шарафиддинов. 8. Мунавварқори. 9. Ибрат. 10. Таълим. 15. Мўминов. 16. Воҳидов. 17. Восифий. 25. Навоий. 26. Йўлчиева. 27. Аҳмаров.

Энига: 6. Онг. 11. Тил. 14. Ақл. 19. Нур. 20. Авлоний. 23. Лом. 24. У. 28. Аҳд.

Бўйига: 7. Нақшбанд. 12. Лотин. 13. Нодира. 21. Одобнома. 29. Ҳидоятлов. 30. Темирова. 31. Бурхонов.

Диагонал бўйича ўнгга: 18. Бухорий. 22. Низомий. 30. Тест.



Боланинг ўйлаиб қолганини кўрган, Бозорбой тоға:

— Қийма бўлади, — деди.

* * *

Чойхонада омбор мудирлигинг мақтаниб қолди:

— Болалигимда тишим тушганда, отам «ўткир бўлади», деб уни сичқоннинг инига ташлаган эдилар. Тўғри қилган эканлар, ҳозиргача тишларим ўткир.

Шунда Бозорбой тоға:

— Омбор мудирлигинг ҳам шундан, — деди.

* * *

Кунларнинг бирида Бозорбой тоғанинг қўшниси томдан йиқилиб, ҳушидан кетди. Хотини ҳовлини бошига кўтариб айюҳаннос солди.

— Йиғламанг, келин, — деди Бозорбой тоға жабрдийданинг бошини тиззасига олиб. — Ундан кўра, бир коса сув олиб келинг!

Хотин сув олиб келди.

Бозорбой тоға жабрдийданинг юзига сув сепган эди, у кўзини очиб:

— Бозорбой, мен жаннатдаманми? — деб сўради.

Шунда Бозорбой тоға:

— Қанақа жаннат, олдинда хотининг турибди-ку, — деди.

* * *

Бир куни ҳамқишлоғи Бозорбой тоғага дардини айтиб қолди:

— Ўғил ичшни бутунлай касб қилиб олди. Насиҳат қилмайди. Гапирсам, «сизни қаритмайман», дейди.

Шунда Бозорбой тоға:

— Ҳа, бунақа ўғил отасини асло қаритмайди, — деди.

Илҳом ЗОИР

* * *

Бир шилқим ошнаси билан кетаётиб, отда сайр қилиб юрган бир гўзални учратиб қолди ва дўстига деди:

— Оҳ, шу гўзалнинг оти бўлиб қолсам ҳам майли эди!

— Сўраб кўр-чи, балки эшақда сайр қилишга ҳам рози бўлар, — таклиф қилди шериги.

* * *

Буви:

— Болажоним, йўталганингда оғзингга қўлингни тутиб тур, хўпми?

Набира:

— Кўрқманг, бувижон, менинг тишларим сизникига ўхшаб чиқиб кетмайди.

* * *

Тулқидан сўрашди:

— Бўридан қочиб қутулиш учун қанча айёрлик ишлата оласан?


— Юздан ортиқ, лекин энг яхшиси, унга рўпара бўлмаслик.

Диагонал бўйича чапга: 18. Беруний. 22. Нотий. 31. Бахт.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. Адабиёт. 2. Журнал. 3. Ҳуқуқ. 4. Поғона. 5. Сен.

Ҳикмат: Устод падардан илғор,
Ундан ортиқ ҳақи бор.
Падар ҳаёт беради,
Устод нажот беради.



«ЎЗБЕК ЦИРК САНЪАТИ» КРОССВОРДИ

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Полвонлар сулоласининг сардори Турсунали Муҳаммаднинг устози. 2. Қадимий ўзбек цирк санъати тури. 3. Отнинг йўрғалаб ёки лўкиллаб юриши. 4. Цирк сахнасида замонавий Хўжа Насириддин образини гавдалантирган масхарабоз, Ўзбекистон халқ артисти. 5. Сим тўрли сакраш анжومي. 6. Мураккаб гимнастика машқларини мохирлик билан ижро этувчи. 7. Масхарабознинг от ва чавандоз ҳаракатларига пародиясидан иборат қадимий томоша. 8. Дорнинг энг тепасида дорбозлар ўйин кўрсатадиган пиғонали қурилма. 9. Сарой цирк гуруҳи фаолият кўрсатган хонликлардан бири. 10. Дорбоз анжومي. 11. Цирк майдони. 12. Илк ўзбек цирк гуруҳи раҳбари. 13. XVIII-XIX асрларда тақакқий топган танани эгиб-буқиш машқи устаси, муаллақчи. 14. Нарсани чаққонлик билан отиб-илиб томоша кўрсатувчи. 15. Цирк қурилмаси қисми. 16. Юқорига чиқиш анжومي. 17. Ўн бир туя ва икки эшак иштирокида 1828 йилда Москвада томоша кўрсатган бухоролик ҳайвон ўргатувчи. 18. Кулгили томошалар намойиш этувчи актёр. 19. Металл чивикли қурилмада томоша кўрсатувчи цирк артисти. 20. Ватанимизда «Биринчи давлат цирки» ташкил этилган шаҳар. 21. Масхарабозларнинг пантомимо орқали бири-бирига тушунтириш сахнаси. 22. Акробатик машқ тури.

23. Толалардан эшиб тўқилган томоша кўрсатиш анжومي. 24. «Чигирик устида гимнастика» томошаси ижрочиси, цирк устаси.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. «Ҳаво гимнастикаси» томошаси ижрочиси — 3, 18, 22, 7, 13, 18, 23, 2, 6, 8, 2.

2. Циркмизда кўз бойлоқчи санъати ижрочиси — 10, 2, 15, 3, 2, 10, 17, 11, 5, 22.

3. Ўзбек цирки намойиш этилган Европадаги мамлакат — 17, 6, 3, 1, 2, 10, 7, 21.

4. Полвонлар кўтарадиган салмоли анжом — 19, 5, 14.

5. От абзали — 16, 17, 2, 3.

6. Акробатик машқлар мосламаси — 19, 20, 3, 10, 7, 9.


7. Цирк санъатимиздан мамнунлик ҳисси — 12, 2, 13, 3.

8. Мақтов, олқиш — 1, 2, 4, 24.

9. Вақт, замон — 4, 2, 8, 3.

Шакл атрофи ва ички қисмларидаги рақамларда ифодаланган муаммоноти калит сўзлари жавоблари орқали ҳал этинг. Бунда шакл атрофида циркимиз сулолалари асосчилари, марказида Ўзбекистонда биринчи дорбоз аёл, диагоналарда Мустақиллик йилларида Монте Карлода ўтказилган «Келажак циркининг юлдузлари» жаҳон фестивалининг олтин медали соҳибасини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди



**Musavvir
Alisher OTABOYEV**

Tasvirlarda

Vatan surati



**Musavvir
Azamat OTABOYEV**



Баҳор.


Ҳар ким дунёни ўзича идрок қилади. Шу маънода рассомлар ҳам ўз тафаккури кадар кўргани ва тасаввур қилганини чизади. Битта манзара икки рассом ижодида икки хил талкин қилиниши балки шунинг учундир. Ака-ука Алишер ва Азамат Отабоевларнинг чизган суратларини томоша қилиб, дунёнинг нақадар рангларга бой эканини англаш мумкин. Бу суратлардан отнинг дупурини, сувнинг жилдирашини, капалакнинг канот қокқанини ҳис



Чодак.



Филонда ёз.



Чорвоқ.

қилиш мумкин. Алишер Отабоевнинг чизганларида фалсафа кучли бўлса, Азамат фантазияга кўпроқ урғу беради. Шунинг учун ҳам Алишернинг асарларини томоша қилиш жараёнида нур ҳам, соя ҳам рассомнинг танлаган мавзусига хизмат қилаётганини ҳис қиламиз. Азамат ўзи англаган борлиқни туйғулари қоришиғида қаламга олади.


Ака-ука Отабоевларнинг ишлари бир қатор хорижий ва республикамиз миқёсида ўтказилган кўргазмаларда намоиш этилган.



Кўриқхона.



Сўқоқда шом.



Хумсон, Угом.



Чорвоқ, Баҳор.



O'ZBEK DAVLAT SIRKI

BARCHA VATANDOSHLARIMIZNI
KIRIB KELAYOTGAN
2016-YIL BILAN TABRIKLAYDI!



ISSN 2091-5330

OBUNA DAVOM ETMOQDA

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.

Хизматлар лицензияланган